

Х.Р.ОЧИЛОВ, Ш.Д.ХАЙДАРОВ, З.З.ШАМСИДИНОВ

# ЖИНОЯТ ХУҚУҚИ

Үқув қўлланма



УМУМИЙ ҚИСМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**Х.Р.ОЧИЛОВ, Ш.Д.ХАЙДАРОВ, З.З.ШАМСИДИНОВ**

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ  
(УМУМИЙ ҚИСМ)**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**Тошкент - 2021**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув қўлланма сифатида 2020 йил 28 декабрдаги №-676-сон буйруғи билан нашрга тавсия этилган.

УДК: 343.2 (072)

ББК: 67.408

О-94

Очилов Х.Р., Хайдаров Ш.Д., Шамсидинов З.З.  
“Жиноят хуқуқи” (Умумий қисм). Ўқув  
қўлланма – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. 172 бет.

**Тақризчилар:**

**Э.О.Турғунбоев.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси, ю.ф.н.

**М.Қ.Ўразалиев.** Тошкент давлат юридик университети Жиноят хуқуқи, криминология ва коррупцияга қарши қурашиб кафедраси профессори в.б., ю.ф.д. (DSc)

Ушбу ўқув қўлланма “Жиноят хуқуқи” (Умумий қисми) ўқув курсининг дастури асосида тайёрланган бўлиб, қўлланмада жиноят қонуни принциплари, жиноят тушунчаси ва унинг белгилари, жиноий жавобгарлик ва унинг асослари, жиноят таркиби ва унинг элементлари, тамом бўлмаган жиноятлар, иштирокчилик, бир қанча жиноят содир этиш, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар, жазо тушунчаси, мақсади ва унинг турлари, жазо тайинлаш, жавобгарлиқдан ва жазодан озод қилиш, вояга етмаганлар жавобгарлиги ҳамда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш каби масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Ушбу ўқув қўлланма Жиноят хуқуқи Умумий қисми бўйича керакли маълумотларни олишга, олий юридик ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларига дарс жараёнларини ташкил этишга, талабаларнинг ўқув машғулотлар ва имтиҳонларга, амалиётга тайёргарлик кўришида ёрдам беради.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг бакалавр ва магистратура талабаларига қўлланма сифатида тавсия этилади.

Ушбу ўқув қўлланма амалдаги Жиноят кодексининг 2020 йил декабрь ойигача бўлган ҳолатига кўра ёзилган.

ISBN 978-9943-08-528-2

© Х.Р.Очилов, Ш.Д.Хайдаров, З.З.Шамсидинов  
© Тошкент давлат юридик университети, 2021 йил.

# **МУНДАРИЖА**

Кириш.....9

## **1-Мавзу: ЖИНОЯТ ҚОНУНИ**

1.1.Жиноят қонуни тушунчаси, вазифалари ва принциплари....10
1.2.Жиноят қонунининг тузилиши.....10
1.3.Жиноят қонунининг ҳудуд ва вақт бўйича амал қилиши.....13
1.4.Жиноят қонунининг орқага қайтиш кучи.....16
1.5.Жиноят қонунини шарҳлаш.....18

## **2-Мавзу: ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ**

2.1.Жиноят тушунчаси, унинг белгилари ва бошқа хуқуқбузарликлардан фарқи.....20
2.2.Жиноятларни таснифлаш тушунчаси ва турлари.....21

## **3-Мавзу: ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ АСОСЛАРИ**

3.1.Жиноий жавобгарлик тушунчаси ва унинг асослари.....23
---

## **4 - Мавзу: ЖИНОЯТ ТАРКИБИ**

4.1.Жиноят таркиби тушунчаси ва унинг ўзига хос ҳусусиятлари.....24
4.2.Жиноят таркиби элементлари тушунчаси ва турлари.....25

## **5-Мавзу: ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИ**

5.1.Жиноят обьекти тушунчаси ва жиноят таркибидаги аҳамияти.....29
5.2.Жиноят обьектининг турлари.....29
5.3.Жиноят обьектининг жиноят предметидан фарқи.....31

## **6-Мавзу: ЖИНОЯТНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ**

6.1.Жиноятнинг объектив томони тушунчаси ва унинг белгилари.....33
--

6.2.Ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят объектив томонининг белгиси сифатида.....	34
6.3.Ижтимоий хавфли оқибат жиноят объектив томонининг зарурий белгиси сифатида.....	35
6.4.Жиноят ҳуқуқида сабабий боғланиш тушунчаси.....	36
6.5.Жиноят объектив томонининг факультатив белгилари.....	37

## **7-Мавзу: ЖИНОЯТНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ**

7.1.Жиноят субъектив томони тушунчаси ва унинг белгилари.....	39
7.2.Жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида айб ва унинг шакллари.....	39
7.3.Мураккаб айбли жиноятлар.....	43
7.4.Хато тушунчаси ва турлари.....	44
7.5.Жиноятнинг мотиви, мақсади ва эмоциялар.....	45

## **8-Мавзу: ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ**

8.1.Жиноят субъекти тушунчаси ва унинг белгилари.....	46
8.2.Жиноят субъектининг ёши.....	46
8.3.Ақли расолик ва ақли норасолик тушунчалари.....	47
8.4.Жиноят ҳуқуқида маҳсус субъект тушунчаси ва унинг жиноятни квалификация қилишдаги аҳамияти.....	48

## **9-Мавзу: ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР**

9.1.Жиноят ҳуқуқида жиноят содир қилиш босқичлари тушунчаси ва турлари.....	50
9.2.Жиноятга тайёргарлик кўриш тушунчаси ва белгилари.....	51
9.3.Жиноятга суиқасд қилиш тушунчаси ва турлари.....	52
9.4.Тамом бўлган жиноят тушунчаси.....	54
9.5.Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва суиқасд қилганлик учун жавобгарлик.....	55
9.6.Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш тушунчаси ва жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган шахсларнинг жавобгарлиги.....	56

## **10-Мавзу: ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ**

10.1.Жиноят хуқуқида иштирокчилик тушунчаси.....	58
10.2.Жиноят хуқуқида иштирокчик турлари.....	59
10.3.Жиноят хуқуқида иштирокчик шакллари.....	62
10.4.Жиноят иштирокчиларининг жавобгарлиги асослари ва доираси.....	64
10.5.Иштирокчиларнинг ҳаракатларини квалификация қилиш.....	65
10.6.Махсус субъектлар томонидан иштирокчиликда жиноят содир этиш.....	68
10.7.Иштирокчикда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	69
10.8.Эксцесс бажарувчи.....	70
10.9.Жиноятга дахлдорлик тушунчаси ва унинг турлари.....	71

## **11-Мавзу: БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИШ**

11.1.Жиноят хуқуқида бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси ва турлари.....	72
11.2.Бир қанча жиноят содир этишнинг алоҳида жиноят содир қилишдан фарқли жиҳатлари.....	72
11.3.Такроран жиноят содир этиш тушунчаси .....	74
11.4.Жиноятлар мажмуи тушунчаси ва турлари.....	75
11.5.Жиноятлар мажмuinинг такроран жиноят содир қилишдан фарқли жиҳатлари.....	77
11.6.Рецидив жиноят тушунчаси ва турлари.....	78

## **12-Мавзу: ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ**

12.1.Қилмишнинг жинойлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси, турлари ва аҳамияти.....	81
12.2.Кам аҳамиятли қилмишлар.....	81
12.3.Зарурий мудофаа тушунчаси ва хуқуқий шартлари.....	82
12.4.Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш.....	84

12.5.Охирги зарурат тушунчаси ва ҳуқуқий шартлари.....	85
12.6.Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш.....	87
12.7.Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиш тушунчаси ва аҳамияти.....	87
12.8.Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш.....	89
12.9.Зарурий мудофаа, охирги зарурат, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида заарар етказишининг фарқли жиҳатлари.....	89

## **13-Мавзу: ЖАЗО ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ**

13.1.Жиноят ҳуқуқида жазо тушунчаси ва мақсади.....	94
13.2.Жиноят ҳуқуқида жазо тизими тушунчаси ва турлари.....	95
13.3.Асосий ва қўшимча жазолар тушунчаси ва турлари.....	96
13.4.Жарима жазоси.....	96
13.5.Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси.....	98
13.6.Мажбурий жамоат ишлари жазоси.....	99
13.7.Аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси.....	100
13.8.Хизмат буйича чеклаш жазоси.....	101
13.9.Озодликни чеклаш жазоси.....	102
13.10.Интизомий қисмга жўнатиш жазоси.....	104
13.11.Озодликдан маҳрум қилиш жазоси.....	104
13.12.Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси.....	107
13.13.Ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш жазоси.....	108

## **14-Мавзу: ЖАЗО ТАЙИНЛАШ**

14.1.Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлашнинг умумий асослари..	109
14.2.Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар.....	109
14.3.Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар .....	110
14.4.Енгилроқ жазо тайинлаш.....	111
14.5.Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш.....	111
14.6.Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш.....	112
14.7.Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш....	114
14.8.Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш.....	119
14.9.Жазоларни қўшишининг ҳисоблаш қоидалари.....	121

## **15-Мавзу: ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ**

15.1.Жиной жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси, турлари, аҳамияти ва шартлари.....	123
15.2.Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш.....	123
15.3.Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш.....	126
15.4.Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш.....	127
15.5.Ярашилганлиги муносабати билан жиной жавобгарликдан озод қилиш.....	128
15.6.Касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш.....	129
15.7.Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш.....	130

## **16-Мавзу: ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ**

16.1.Жазодан озод қилиш тушунчаси ва турлари.....	131
16.2.Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш.....	132
16.3.Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш.....	134
16.4.Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муноса-бати билан жазодан озод қилиш.....	134
16.5.Шартли ҳукм қилиш орқали жазодан озод қилиш.....	136
16.6.Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш.....	138
16.7.Жазони енгилроғи билан алмаштириш.....	139
16.8.Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши оқибатида жазодан озод қилиш.....	141
16.9.Амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш.....	142

## **17-Мавзу: СУДЛАНГАНЛИК**

17.1.Жиноят ҳуқуқида судланганлик тушунчаси, ҳуқуқий аҳамияти ва оқибатлари.....	145
--	-----

17.2.Судланганлик ҳолатининг тугалланиши.....	145
17.3.Судланганликни олиб ташлаш.....	146
17.4.Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликни олиб ташлаш муддатларини ҳисоблаш.....	148

## **18-Мавзу: ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

18.1.Жиноят ҳуқуқида вояга етмаганлар жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари.....	150
18.2.Вояга етмаганларга нисбатан жарима, мажбурий жамоат иш-лари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш жазоларини тайинлаш .....	150
18.3.Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш.....	152
18.4.Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлаш.....	154

## **19-Мавзу: ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ВА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ**

19.1.Вояга етмаганларни жиноий жавобгарлиқдан ва жазодан озод қилиш тушунчаси ва турлари.....	155
19.2.Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилиш.....	157
19.3.Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш.....	158
19.4.Жазони енгилроғи билан алмаштириш.....	159

## **20-Мавзу: ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ**

20.1.Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчаси ва мақсади.....	161
20.2.Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари ва уларнинг турлари.....	161
20.3.Жазо билан бирга тайинланадиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш.....	164

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	165
---------------------------------------	-----

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, қисқа вақт ичидан ижтимоий ҳайтнинг барча соҳаларида ислоҳотлар олиб бориш ва шу орқали демократик-хуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар тизимида суд-хуқуқ, ислоҳотлари алоҳида ўрин эгаллайди. Суд-хуқуқ ислоҳотлари натижасида инсон хуқуқ ва эркинликлари кафолатланди, бу борадаги ҳалқаро миқиёсдаги стандартлар ва нормалар тан олинди ҳамда миллий қонунчилигимизга жорий этилди. Жумладан, жиноят қонунчилигини либераллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида жиноят қонунчилигига янги институтлар ва жазо турлари жорий этилди, жиноятлар таснифи ўзгартирилди. Бир сўз билан айтганда, жиноят қонунининг қонунийлик, инсонпарварлик ва одиллик принципларида акс этган асосий ғоялар ўзининг амалий ифодасини топиб бормоқда.

Мазкур ўқув қўлланма ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотлари асосида тайёрланган бўлиб, “Жиноят хуқуқи” (Умумий қисми) фанига оид фандастури (силлабус) режалари асосида ўтиладиган амалий машғулот мавзуларида кўрсатилган саволларга амалдаги Жиноят кодекси асосида берилган жавобларни ўзида акс эттирган.

Ўқув қўлланма талабаларга фан бўйича амалий машғулотларга ва имтиҳонларга тайёргарлик кўришда ва келажакда амалиётда жиноят қонуни нормаларини амалда тўғри татбиқ қилишда яқиндан ёрдам беради.

## **1-Мавзу: ЖИНОЯТ ҚОНУНИ**

### **1.1. Жиноят қонуни тушунчаси, вазифалари ва принциплари**

*Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фақатгина Жиноят кодексидан иборатдир.*

ЖК Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига асосланади.

**Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ўзининг** ички узвий бирлиги ва бир - бирига ўзаро боғлиқ жиноят - ҳуқуқий нормаларнинг мустаҳкам тизимга эга эканлиги билан ажralиб турувчи жиноят ҳуқуқи принципларини, жиноий жавобгарлик асослари ва шартларини, жиноят деб эътироф этиладиган ижтимоий хавфли қилмишларни, бундай қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилишининг тури ва чегарасини белгилаб берувчи Олий давлат органи томонидан қабул қилинган ва олий юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 1994 йил 22 сентябрда қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан қонуний кучга кирган.

*Жиноят кодексининг вазифалари:*

- 1) жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан қўриқлаш;
- 2) жиноятларни олдини олиш;
- 3) фуқароларни республика Конституцияси ва қонуларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборат.

Жиноят қонуни ана шу вазифаларни амалга ошириш учун жиноят қонунида белгиланган жавобгарликнинг асослари ва принципларига асосланади.

**Ушбу принциплар:** қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларидир.

### **1.2. Жиноят қонунининг тузилиши**

Жиноят қонуни тизими Умумий ва Махсус қисмдан ташкил топган.

Умумий ва Махсус қисм ўз ўрнида бўлимлар, бўлимлар - боблардан, боблар - моддалардан ва моддалар эса, қисм ҳамда бандлардан иборатdir.

Жиноят қонуни Умумий қисми: 7 бўлим, 17 боб ва 1 - 96 моддаларни, Махсус қисм эса 8 бўлим, 26 боб ва 97 - 302 моддаларни ўз ичига олади. Жиноят қонунига киритиладиган ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар Жиноят қонуни тизимиға таъсир этмайди. Янги киритиладиган боб, модда мавжуд боб ёки моддага илова (прим. ёки икки, уч ва х.к белгили модда ) шаклида киритилади. (Масалан: XX<sup>1</sup> боб (XX<sup>прим</sup> боб), 66<sup>1</sup> – модда (66<sup>прим</sup>-модда), 244<sup>3</sup>-модда (244-уч белгили модда)).

### **Жиноят-хуқуқий норма:**

- гипотеза;
- диспозиция;
- санкциядан ташкил топади.

**Гипотеза** деб - норманинг кўлланилиши шарт шароитини кўрсатувчи модда қисмига айтилади.

Одатда, махсус қисм нормаларида гипотеза мавжуд бўлмайди, у умумий қоида сифатида, ЖКнинг 16 - моддаси (“Жиноий жавобгарлик тушунчаси ва асослари”) қоидаларидан келиб чиқади.

**Диспозиция** деб – ижтимоий хавфли қилмишнинг белгиларини ифодаловчи модда қисмига айтилади.

Ушбу белгилар аниқ кўринишдаги жиноят таркибини ифодалайди. Диспозициянинг беш тури мавжуд бўлиб. Улар:

- Оддий;
- Тасвирлов;
- Бланкет;
- Ҳаволаки;
- Аралаш.

**Оддий диспозиция деб** - жиноят таркибининг белгилари очиб берилмайдиган, муайян қилмишни жиноят деб номлайдиган диспозиция турига айтилади (мас: ЖК 97-модда 1 - қисми “Қасдан одам ўлдириш”, 267-модда 1-қисми “Транспорт воситасини олиб қочиш”).

**Тасвирлов диспозиция деб** - муайян қилмишни нафақат жиноят деб номлайдиган, жиноят турининг белгиларини очиб берадиган диспозицияга айтилади (мас: ЖК 169-моддаси 1 – қисми “Ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равища талон торож қилиш”).

**Бланкет диспозиция деб** - муайян жиноят турининг белгилари бошқа бир ҳуқуқ соҳасига тегишли бўлган норматив ҳужжатлар асосида аниқланадиган диспозиция турига айтилади (мас: ЖК 259 - моддаси 1 – қисми, “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг шу қоидалар бажарилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса,” дейилган. Бу ерда ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг айнан қайси бир тури бузилганлигини аниқлаш учун ёнғин хавфсизлиги билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишни назарда тутувчи қонун ёки қонун ости норматив ҳужжатларига мурожаат этишни назарда тутади).

**Ҳаволаки диспозиция деб** - модданинг мазмуини аниқлаш учун ЖК Махсус қисмнинг бошқа бир моддасига ёки айни бир моддасининг бошқа қисмига мурожаат этилиб аниқланиши назарда тутиладиган диспозиция турига айтилади (мас: ЖК 105 - моддаси 1-қисми, Қасддан баданга ўртacha оғир шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи моддада соғлиққа етказилган заар содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ушбу Кодекснинг 104 – моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган бўлиши керак деб таъкидланган. Демак, ушбу ҳолатда модда диспозицияси ЖК 104 - моддасига мурожаат қилиш лозимлигини англашиб унинг ҳаволаки диспозиция эканлигини англаатади.)

**Аралаш диспозиция деб эса** - диспозициянинг икки ёки ундан ортиқ тури бир вақтда мавжуд бўладиган диспозиция турига айтилади (масалан: ЖК 137-моддаси “Одам ўғирлаш”).

**Санкция деб** - диспозицияда кўрсатилган қилмишни айбли содир қилганлик учун тайинланиши мумкин бўлган (умумий қоидага кўра) жазо тури ва миқдорини ифодаловчи норма қисмига айтилади. Санкция рағбатлантирувчи бўлиши ҳам мумкин. Масалан, етказилган моддий заарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги қоида.

Амалдаги ЖК да санкциянинг уч тури кузатилади. Булар:

- альтернатив;
- нисбий муайян;
- кумульятив санкция.

**Альтернатив санкция деб** – содир қилинган жиноят учун икки ёки ундан ортиқ жазо турларидан бирини қўллашни назарда тутувчи санкция турига айтилади. Масалан, ЖК 99-моддаси санкциясида бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш назарда тутилган. Мазкур ҳолатда нисбий-муайян альтернатив санкцияни кўришимиз мумкин.

**Нисбий муайян санкция деб** - жазо миқдорининг муайян чегарасини (энг қуи ва энг юқори даражасини ёки энг юқори чегарасини) белгиловчи санкция турига айтилади. Масалан, ЖК 118-моддаси 1-қисмида уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш, ЖК 260-моддаси 2-қисмида саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш назарда тутилган.

Агар модда санкциясида жазо турининг қуи даражаси кўрсатилмаган бўлса, ЖК Умумий қисм қоидалар асосида ЖКнинг X-боби (Жазо тушунчаси, мақсадлари ва турлари) ва XV – боби (Жазо ва уни тайинлаш)ида жазо турлари учун назарда тутилган умумий муддатлар ва миқдорлар асосида тайинланади.

**Кумульятив санкцияда эса** - асосий жазо билан бирга қўшимча жазо ҳам тайинланиши назарда тутиладиган санкция турига айтилади. Масалан, ЖК 266-моддаси 2-қисми санкциясида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш назарда тутилган.

### **1.3. Жиноят қонунининг ҳудуд ва вақт бўйича амал қилиши**

**Жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши деб** - Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киравчи қуруқлик, сув ҳавзаси ва ҳаво бўшлиғида содир этилган ҳар қандай жиноятлар амалдаги жиноят қонуни билан тартибга солинишига айтилади.

#### **Қилмиш:**

- Ўзбекистон ҳудудида бошланган, тамомланган, тўхтатилган, давомли қилмишлардан бир қисми ушбу ҳудудда содир қилинган бўлса;

- Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса;

- Ўзбекистон ҳудудида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида юз берган бўлса;

- Ўзбекистон байроғи остида ва Ўзбекистон портида рўйхатга олинган ҳаво, денгиз ёки дарё кемаси ҳеч бир давлатга тегишли бўлмаган ҳудудда жойлашган бўлса ва ушбу кема бортида жиноят содир этилса, жиноят Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноят деб топилади.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир қилинган жиноятлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар бир хилда жавобгарликка тортиладилар.**

Алоҳида иммунитетга эга бўлган чет эл фуқаролари эса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир қилган жиноятлари учун халқаро шартномаларга мувофиқ жавобгарлик масаласи ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси чет эл давлати ҳудудида содир қилган жиноятлари учун ушлаб берилиши мумкин эмас. Агарда, халқаро шартномаларда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса.

Шахсни чет эл давлатида содир этган жинояти учун ушлаб бериш бу – халқаро хукуқ қоидаларига кўра экстрадиция дейилади.

Одатда экстрадиция тўғрисидаги масалалар кўп томонлама ёки икки томонлама шартномалар асосида амалга оширилади.

**Халқаро хукуқ қоидаларига кўра агарда ушлаб берилиши талаб қилинаётган шахс:**

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса ҳамда Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар билан имзолаган шартномалар ва битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса;

- Жиноят Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган бўлса;

- Содир этилган жинояти ушлаб берилиши талаб қилинаётган шахсга нисбатан ўша жинояти учун суд ҳукми чиқарилган ва бу ҳукм кучга кирган ёки шу айлов бўйича жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор чиқарилган бўлса;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси қоидаларига кўра шахсни жавобгарликка тортиш ёки жазони ижро этиш муддатлари ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан ёхуд жазодан озод қилиш, шунингдек ҳукмни ижро этиш мумкин бўлмаса;

- Ушлаб бериш тўғрисидаги талабномага асос бўлган қилмиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра, жиноят ҳисобланмаса ушлаб берилиши мумкин эмас.

Шунингдек, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси худудида содир қилган жинояти учун бошқа давлатга ушлаб берилиши мумкин эмас.

**Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши деб** – Жиноят қонуни нормаларининг аниқ (йил, ой, кун) муддатларда амалда бўлишига айтилади.

Ушбу ҳолатда қўйидагиларни тартибга солиши назарда тутилади:

**биринчидан**, содир қилинган ижтимоий хавфли қилмишнинг жинойлиги ва жазога сазоворлиги шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. (Масалан: ЖК 278<sup>5</sup>-модда. Компьютер саботажи жинояти. Яъни ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасдан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш (компьютер саботажи) жинояти деб таъриф берилган.

Ушбу жиноят тури амалдаги жиноят кодексига 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-137-сонли Қонуни билан киритилган. Агарда шахс томонидан модда диспозициясида кўрсатилган ҳаракатлар 2007 йил 25 декабрга қадар содир этилган бўлса, унинг ҳакаракатлари жиноят сифатида эътироф этилмайди. Сабаби шахс ушбу ҳаракатларни содир этган вақда амалда бўлган Жиноят кодексида компьютер саботажи жинояти мавжуд бўлмаган). Демак ушбу қоида талабларидан келиб чиқилса содир этилган қилмишнинг жиноят эканлиги ва жазога сазоворлиги ўша қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган жиноят қонунида мавжудлигини билан белгиланилади.

**иккинчидан, Жиноят содир қилинган вақт деб** – содир қилинган ижтимоий хавфли қилмишнинг тамом бўлган жиноят сифатида эътироф этилиш пайтига айтилади.

**Жиноят содир қилинган вақт:**

- **формал таркибли жиноятларда** - ЖК Махсус қисм моддасида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилишининг ўзи билан қилмиш тамом бўлган жиноят деб топилади. Яъни, ижтимоий

хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб белгиланади;

- **моддий таркибли жиноятларда эса** - ижтимоий хавфли оқибат келиб чиққан пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади.

**Жиноят қонуни** - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир вақтнинг ўзида қонуний кучга киради.

Умумий қоидага кўра, қонуннинг ўзида унинг кучга кириш муддати кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилингандан кундан бошлаб кучга киради.

**Жиноят қонуни ўзининг амал қилиш кучини қуидаги ҳолларда йўқотади:**

- ушбу қонун бекор қилинганда;
- ушбу қонунга ўзгартириш киритилганда.

#### **1.4. Жиноят қонунининг орқага қайтиш кучи**

**Жиноят қонунининг орқага қайтиш кучи деб** - янги қабул қилинган қонун кучга киргунига қадар содир этилган жиноятлар учун татбиқ этилишига айтилади.

ЖКнинг 13-моддасига кўра, жиноят қонуни қуидаги ҳоллардагина орқага қайтиш кучига эга:

- қилмишнинг жинойлигини бекор қиласиган;
- жазони енгиллаштирадиган;
- шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган.

**Қилмишнинг жинойлигини бекор қиласиган қонун** деганда – ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган жиноят қонуни билан жиноят деб топилган қилмишнинг жинойлигини бекор қиласиган янги қабул қилинган қонунга айтилади.

Масалан, 2019 йил 5 ноябрдаги ЎРҚ-579-сонли “Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон республикасида вақтинча бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлиги либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида” ги Қонуни билан ЖКдан 224-модда “Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш” жинояти чиқариб ташланган ҳамда ушбу турдаги ҳаракатларнинг жиноий қилмиш эканлиги бекор қилинган.

Ушбу ҳолатда агарда чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс 2019 ноябрь ойига қадар Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни Ўзбекистонда яшаш хуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, рўйхатдан ўтиш, прописка, кўчиш ёки тураг жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг худуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаганини сабабли жиноий жавобгарликка тортилиб суриштирув, тергов ёки суд процесси олиб борилаётган бўлса ёхуд ушбу жинояти учун жазо ўтаётган бўлса чет эл фуқаросига нисбатан олиб борилаётган барча суриштирув, тергов ва суд ишлари бекор қилиниши, шунингдек жазо ўтаётган бўлса дарҳол жазодан озод этилиши тушунилади. Демак янги қонун эски даврда содир этилган жиноятга нисбатан татбиқ этилишини англатади.

**Жазони енгиллаштирадиган қонун** деганда – содир қилинган жиноят учун амалда бўлган жиноят қонунида назарда тутилган жазо турлари ёки жазо миқдорларини камайтирадиган ёхуд қўшимча жазони бекор қиласидиган, шунингдек жазонинг енгилроқ турларини тайинланишини назарда тутадиган янги қабул қилинган қонунга айтилади.

**Шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун** деганда – содир қилинган жиноятда айбор деб топилган маҳкумнинг жазони ўташ шароитларни енгиллаштирадиган, жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш асослари ва турларини жиноят содир этган шахснинг фойдасига ўзгартирадиган, судланганлик муддатларини камайтирадиган ёки рағбатлантирувчи нормаларни жорий этадиган ҳам бошқа ҳар қандай кўринишида айборнинг аҳволини енгиллаштирадиган янги қабул қилинган қонунга айтилади.

**Жиноят қонунининг орқага қайтиш кучи қуидаги шахсларга нисбатангина қўлланилади:**

- жиноят содир этган шахсларга;
- жазони ўтаётган шахсларга;
- жазони ўтаб бўлган, лекин судланганлик мақомига эга бўлган шахсларга.

Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони оғирлаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда

ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас. Масалан, 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун хужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонун билан ЖК янги 103<sup>1</sup>-модда (Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш) билан тўлдирилган. Яъни, мазкур қонун кучга киргунига қадар содир этилган ўзини ўзи ўлдиришга унданлик учун жиноий жавобгарлик вужудга келмайди. Акс ҳолда, қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган қонуннинг орқага қайтиш кучига эга эмаслиги қоидаси бузилган ҳисобланади.

### **1.5. Жиноят қонунини шарҳлаш**

Жиноят қонунини шарҳлаш дегенда жиноят қонуни нормаларини амалиётда тўғри қўллаш учун кодексдаги атамалар ва ифодаларнинг мазмунини очиб беришга айтилади.

<b>№</b>	<b>Жиноят қонунини шарҳлаш мезонлари</b>	<b>Жиноят қонунини шарҳлаш турлари</b>
1.	Субъектига кўра:	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Легал шарҳлаш;</li> <li>- Суд томонидан шарҳлаш;</li> <li>- Илмий ёки доктринал шарҳлаш.</li> </ul>
2.	Усулига кўра:	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Грамматик;</li> <li>- Тизимли;</li> <li>- Тарихий;</li> <li>- Мантиқий.</li> </ul>
3.	Ҳажмига кўра:	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Сўзма сўз (мувофиқ) шарҳлаш;</li> <li>- Кенгайтирилган шарҳлаш;</li> <li>- Чегаралангандан шарҳлаш.</li> </ul>

#### ***Субъектига кўра шарҳлаш:***

- Легал (аутентик) шарҳлаш;
- Суд томонидан шарҳлаш;
- Илмий ёки доктринал шарҳлашга бўлинади.

**Легал шарҳлаш** - қонун асосида ваколат берилган давлат органи томонидан шарҳлашга айтилиб, у “аутентик” шарҳлаш деб ҳам юритилади. Легал шарҳ бериш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан амалга

оширилади. Легал шарҳ – умуммажбурий харакатерга эга бўлиб, қонуний кучга эга ҳисобланади.

**Суд томонидан шарҳлашниг икки тури мавжуд бўлиб, булар:**

- Олий суди Пленуми қарорлари асосида жиноят қонунининг шарҳланиши;
- Аниқ бир жиноят иши юзасидан чиқарилган ҳукмда жиноят қонунига шарҳ берилиши.

**Илмий ёки доктринал шарҳлаш** - жиноят ҳуқуқи соҳасида фаолият юритувчи олимлар, илмий ходимлар томонидан жиноят қонунининг мақола, монография, дарсликларда ва бошқаларда шарҳланишига айтилади.

**Жиноят қонунини шарҳлаш усулига қўра:**

- Грамматик;
- Тизимли;
- Тарихий;
- Мантиқий турларга бўлинади.

**Грамматик шарҳаш** - жиноят қонуни нормаларини адабий тил меъёrlари асосида шарҳлашга айтилади.

**Тизимли шарҳлашда** - жиноят қонуни нормаларини бошқа жиноят қонун нормалари билан ёки бошқа ҳуқуқ соҳалари билан таққослаб шарҳ берилишига айтилади.

**Тарихий шарҳлаш** - жиноят қонуни нормалари қабул қилинган давлатда норма қабул қилинишига сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаш асосида шарҳ берилишига айтилади.

**Мантиқий шарҳлаш эса** - ҳар қандай ҳуқуқий норма мантиқ қоидалари асосида шарҳланишига айтилади.

**Жиноят қонунини ҳажмига қўра шарҳлаш:**

- Сўзма сўз (мувофиқ) шарҳлаш;
- Кенгайтирилган шарҳлаш;
- Чегараланган шарҳлаш турлари мавжуд.

**Сўзма сўз шарҳлаш** - қонун матнига айнан мос равища шарҳ берилишига айтилади.

**Кенгайтирилган шарҳлаш** - қонунни унинг матнидан кўра, мазмунини кенгроқ очиб берилиш йўли билан шарҳ берилиши тушунилади.

**Чегараланган шарҳлаш эса** - қонун матнига айнан белгиланган маъно берилмай, уни чегараланган қисқартирилган шаклда бериш орқали шарҳ берилиши тушунилади.

Ҳар қандай шарҳлашда қонун мазмунининг ҳажмини ўзgartирилишига, янги ҳуқуқий нормаларнинг ижод қилинишига йўл қўйилмайди.

## **2-Мавзу: ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ**

### **2.1. Жиноят тушунчаси, унинг белгилари ва бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқи**

Жиноят қонуни билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳди迪 билан жиноят деб топилади (ЖК 14-моддаси 1-қисми).

Фақатгина, қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсилик) жиноят бўла олади. Жиноят содир қилиш тўғрисидаги фикр, ўй-хаёл жиноят сифатида қабул қилинмайди.

#### **Жиноят белгилари қўйидагилар:**

- қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- қилмишнинг жазога сазоворлиги.

**Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги** бу - содир қилинган қилмиш жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши ёки шундай зарар етказиш реал хавфини туғдириши мумкинлигини англаатади.

**Қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги деганда** - содир қилинган қилмишнинг жиноят қонуни билан тақиқланганлигини англаатади.

**Қилмишда айбнинг мавжудлиги деганда** - содир қилинган қилмиш қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этилгандагина жиноят деб топилишини англаатади.

**Қилмишнинг жазога сазоворлиги деганда эса** - содир қилинган қилмиш учун ЖК Махсус қисм моддаларида назарда тутилган жазо чораларининг тайинланиши мумкинлигини англаатади.

**Ижтимоий хавфлилик** - жиноятнинг моддий белгисини;

**Ҳуқуққа хилофлилик эса** - формал белгисини ташкил этади.

## **2.2. Жиноятларни таснифлаш тушунчаси ва турлари**

ЖК 15-моддасига кўра, **жиноятлар ўзининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик дараҷасига** кўра тансифланади.

**Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти** тажовуз обьекти (инсон ҳаёти, соғлиғи, мулқ, жамоат хавфсизлиги) ҳамда айб шаклига (қасд, эҳтиётсизлик) қараб белгиланади.

**Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик дараҷаси** қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлик дараҷаси ва босқичлари, жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ва келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади.

**Жиноятларни таснифлаш** - жазо тайинлаш, жазони ўташ, жиноий жавобгарлиқдан озод қилиш, жазодан озод қилиш ва бошқаларда эътиборга олинади.

ЖК 15-моддасида жиноятлар қуидаги таснифланган:

- ижтимоий хавфи катта бўлмаган;
- унча оғир бўлмаган;
- оғир;
- ўта оғир жиноятлар.

**Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга** - қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

**Унча оғир бўлмаган жиноятларга** - қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

**Оғир жиноятларга** - фақат қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

**Ўта оғир жиноятларга** – фақат қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Агарда содир этилган жиноят учун ЖК Махсус қисм моддасида озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазолар назарда тутилмаган ҳамда бошқа турдаги жазолар назарда тутилган бўлса, ушбу жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра - **ижтимоий хавфи катта бўлмаган** жиноятлар туркумига киради.

**Оғир ва ўта оғир жиноятлар** - эҳтиётсизлик орқасидан содир этилмайди.

**Содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси** - ЖК Махсус қисм моддасида ёки модда қисмида назарда тутилган энг оғир жазо турининг максимал миқдоридан келиб чиқиб аниқланади. Одатда санкцияда назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг максимал муддатидан келиб чиқиб аниқланади. Жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ЖК Махсус қисм моддасининг ҳар-бир қисми бўйича алоҳида аниқланади.

### **3-Мавзу: ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ АСОСЛАРИ**

#### **3.1. Жиноий жавобгарлик тушунчаси ва унинг асослари**

**Жиноят учун жавобгарлик бу** - жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш орқали жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир (ЖК 16 - моддаси).

**Суд томонидан ҳукм қилиш орқали тайинланадиган:**

- **жазо чораси** - ЖК 43 - моддасида назарда тутилган жазо турларидан бири;

- **бошқа ҳуқуқий таъсир чораси** - тиббий йўсиндаги ва вояга етмаганларга нисбатан тарбия йўсиндаги мажбурлов чоралари.

**Жазо** - суд томонидан қўлланиладиган ва шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини маълум муддатга чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш билан бирга уни қайта тарбиялаш мақсадини кўзловчи давлатнинг мажбурлов чораси тушунилади.

**Жиноий жавобгарлик асоси деганда** - шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиш учун исботланиши лозим бўлган ҳолатлар мажмуи тушунилади.

**Жиноий жавобгарлик асосинини** - содир қилинган қилмишда ЖКда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари, яъни объектив ва субъектив белгиларининг бир вақтда мавжуд бўлишлиги ташкил қиласи.

## **4-Мавзу: ЖИНОЯТ ТАРКИБИ**

### **4.1. Жиноят таркиби тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

**Жиноят таркиби деб** - жиноят ҳуқуқида содир этилган аниқ бир ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб баҳолаш учун зарур бўлган объектив ва субъектив белгиларнинг минимал йиғиндисига айтилади.

Жиноят қонунида жиноят таркиби ва унинг белгилари тушунчаси берилмаган бўлиб, юқоридаги таъриф назарий ҳисобланади. Шунга қарамасдан, “жиноят таркиби” тушунчаси Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, суд-тергов амалиётида кенг қўлланилади.

Бу белгилар жиноят қонуни Махсус қисм нормаларида мустаҳкамланганлиги боис, у ёки бу ижтимоий хавфли қилмишнинг жиноят деб баҳоланмоғи учун зарурй белги бўлиб ҳисобланади.

Жиноят таркибининг "таркиб" деб номланишининг асосий сабаби шундаки, унда жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони каби тушунчалар (элементлар)нинг бир бутун ҳолда мужассамлашганлигини англатади.

**Жиноят таркибининг жиноий-ҳуқуқий аҳамияти бир қатор омилларда ифодаланади:**

- жиноят таркиби - содир қилинган қилмишни баҳолаш, аниқ-роғи жиноятни квалификация қилишнинг қонуний асоси бўлиши;

- содир бўлган ҳодиса (ҳолат) белгиларини ЖК Махсус қисми тегишли моддаларида белгиланган жиноят таркиби билан солиштирган ҳолда квалификация қилиши;

- жиноят таркибининг тўғри аниқланиши жиноятни тўғри ква-лификация қилиш учун асос бўлиши ва бу эса ўз навбатида одил судловни амалга ошириш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш ҳамда пировард натижада айбланувчининг тақдирини тўғри ҳал этишда аҳамиятга эга бўлиши;

- бир томондан муайян жиноят таркиби белгиларини, иккинчи томондан содир бўлган жиноят таркиби белгиларининг бир - бирига мослигини қайд этиш жиноят содир қилган шахс ҳуқуқлари кафолатларидан биридир, яъни

унинг ўзи содир қилган қилмишини қонунга мувофиқ квалификация қилишни талаб қилиш хуқуқини ифодалаб бериши;

- жиноят таркиби ва унинг белгиларининг аниқланиши суд-тергов амалиётида жиноий - хуқуқий нормани кўллашда қонунийлик принципининг муҳим кафолати бўлишлигида ифодаланади.

## **4.2. Жиноят таркиби элементлари тушунчаси ва турлари**

**Жиноят таркиби элементларини** – жиноят таркибининг объектив ва субъектив томонларининг зарурий ва факультатив белгилари ташкил этади.

### **Жиноят таркиби элементлари қуидагилар:**

- жиноят объекти;
- жиноятнинг объектив томони;
- жиноят субъекти;
- жиноятнинг субъектив томони.

**Жиноят таркибининг зарурий белгилари деганда** – ўзининг аҳамиятига кўра, жиноят таркибининг маълум бир элементида сўzsиз иштирок этадиган белгиларга айтилади.

### **Ушбу зарурий белгиларни:**

- қўриқланадиган ижтимоий муносабат;
- ижтимоий хавфли қилмиш;
- ёш, жиноий жавобгарлик келтириб чиқарувчи ёш чегараси (ЖК 17 - моддаси);
- ақли расолик;
- айб (қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида) ташкил этади.

**Жиноят таркибининг факультатив белгилари деганда** - ўзининг аҳамиятига кўра, жиноят таркибининг маълум бир элементида ҳамма вақт ҳам иштирок этиши зарур ҳисобланмайдиган белгиларга айтилади.

### **Ушбу факультатив белгиларга:**

- жиноят предмети;
- ижтимоий хавфли оқибат;
- ижтимоий хавфли қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибат ўрта-сидаги сабабий боғланиш;
- жиноят содир қилиш вақти, шароити, жойи, усули, жиноят содир этиш воситаси ёки қуроли, мотив ва мақсад, шунингдек маҳсус субъект белгилари киради.

## **Жиноят таркиби факультатив белгиларининг аҳамияти қуидагиларда кўринади:**

- улар жиноят қонунида қўрсатилган айрим ҳолларда жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлиб келиши;
- қонунда қўрсатилган ҳолларда жиноят таркибининг оғирлаш-тирувчи, енгиллаштирувчи таркибининг зарурий белгиси бўлиб келиши;
- ушбу белгилар жиноят таркибига киритилмаган жазо тайин-лашда оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилиши мумкинлиги.

## **Жиноят хуқуқида жиноят таркиби қуидаги турларга бўлинади:**

<b>№</b>	<b>Жиноят таркибининг турлари</b>	
1.	Ижтимоий хавфилик даражасига қараб:	<ul style="list-style-type: none"><li>- Асосий (оддий таркибли);</li><li>- Оғирлаштирувчи таркибли;</li><li>- Енгиллаштирувчи таркибли.</li></ul>
2.	Жиноят таркиби объектив томонининг хусусиятига қараб:	<ul style="list-style-type: none"><li>- Моддий таркибли;</li><li>- Формал таркибли;</li><li>- Кесик таркибли.</li></ul>
3.	Жиноят таркиби белгиларининг ифодаланиш усулига кўра:	<ul style="list-style-type: none"><li>- Оддий таркибли;</li><li>- Мураккаб таркибли.</li></ul>

**Асосий (оддий) таркибли жинояtlар деб** - жиноят учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатларни назарда тутмайдиган жиноят таркибига айтилади (мас: ЖК 97-моддаси 1-қисми “Қасддан одам ўлдириш”).

**Оғирлаштирувчи таркибли жинояtlар эса** - ўзида жиноят учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни акс эттирадиган жиноят таркибига айтилади (мас: ЖК 97-моддаси 2-қисми “Қасддан одам ўлдириш”).

**Енгиллаштирувчи таркибли жинояtlар** - содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфилигини камайтирадиган ёки жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларни ўзида акс эттирадиган жиноят таркибига айтилади. (Мас: ЖК 100-моддаси “Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш”).

**Моддий таркибли жиноят деб** - ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини талаб қиласидан ва шу оқибат келиб

чиқиши билан жиноят тугалланган жиноят деб топиладиган жиноят турларига айтилади (ЖК 97-моддаси “Қасдан одам үлдириш”).

**Формал таркибли жиноят деб** - ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилиши билан тугалланадиган жиноят турларига айтилади (мас: ЖК 140-моддаси “Тұхмат”). Яғни, ЖК Махсус қисми моддаси диспозициясида назарда тутилган жиноят таркиби объектив томони белгиси ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилиши тугалланган ҳисобланиши учун кифоя қиласы.

**Кесик таркибли жиноят деб** - жиноятни тамом бўлиш вақтини жиноят қонуни олдинги босқичга (жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичига) кўчирилган жиноятларга айтилади (ЖК 165-моддаси “Товламачилик”).

**Кесик таркибли жиноятларда** жиноят объектив томони белгилари (ЖК Махсус қисми моддасининг диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлар) бўлиб-бўлиб бажарилади ва ушбу ҳаракатлардан бири бажарилиши билан жиноят тугалланган деб топилади.

ЖК Махсус қисм моддаларида ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқиши шарт ёки шарт эмаслиги модда диспозициясида тўғридан - тўғри кўрсатиб ўтилади.

Ушбу белгига қараб, жиноятларни моддий, ёки формал таркибли жиноят эканлиги аниқланади.

Агарда, ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқиши талаб қилинадиган жиноятларда шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган сабабга кўра, ушбу оқибатнинг келиб чиқмаслиги, ушбу жиноятларни формал таркибга айланишини англатмайди, балки ушбу жиноят тамом бўлмаган жиноят (жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноятга суиқасд қилиш) сифатида квалификация қилинади.

**Ушбу бўлинишнинг аҳамияти шундаки** - бу жиноятларнинг тугалланиш вақтини кўрсатади.

**Оддий таркибли жиноятлар деб** - жиноят таркибининг элементлари (объект, объектив томон, субъект ва субъектив томони) биттадан ортиқ бўлмаган жиноятларга айтилади.

**Мураккаб таркибли жиноятлар деб эса** - жиноят таркибининг белгилари ёки бирор бир белгиси икки ёки ундан ортиқ бўлган жиноят турларига айтилади.

Жиноят таркиби		
№	Жиноят таркиби элементлари	Жиноят таркиби элементларининг белгилари
1.	Объект:	- ижтимоий муносабатлар; - жиноят предмети.
2.	Объектив томон:	- ижтимоий хавфли қилмиш; - ижтимоий хавфли оқибат; - ижтимоий хавфли қилмиш ва иж-тимоий хавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш; - жиноят содир қилиш вақти, шароити, жойи, усули, жиноят содир этиш воситаси ёки куроли.
3.	Субъектив томон:	- айб; - мотив; - мақсад; - эмоциялар.
4.	Субъект:	- жисмоний шахс; - ақли расолик; - жиноят қонунида белгиланган жиноий жавобгарлик ёшига етганлиги.

## **5-Мавзу: ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИ**

### **5.1. Жиноят объекти тушунчаси ва жиноят таркибидаги аҳамияти**

**Жиноят объекти деганда** - Ўзбекистон Республикаси жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар (шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги билан боғлиқ муносабатлар) мажмуи тушунилади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши натижасида, ушбу ижтимоий муносабатларга зарар етказилади ёки шундай зарар етказиш реал хавфи остида қолади.

**Ижтимоий муносабатлар бу** - инсонлар ўртасидаги уларнинг ҳаёт фаолияти жараёнида вужудга келадиган маълум алоқалардир.

**Ушбу ижтимоий муносабатларга зарар етказиш деганда –**

- шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига;
- жамият ва давлат манфаатларига;
- табиий муҳитга;
- тинчликка;

инсоният хавфсизлигига тажовуз қилиниши назарда тутилади.

**Жиноят объектининг аҳамияти:**

- обьект жиноят таркибининг зарурый элементи ҳисобланиб, ЖК Махсус қисм моддасида тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлишлиги;
- содир этилган қилмишда обьект бўлмаса, у жиноят сифатида эътироф этилмаслиги;
- жиноятларни тўғри квалификация қилишга хизмат қилишида ифодаланади.

### **5.2. Жиноят объектининг турлари**

**Жиноят объекти:**

- Умумий обьект;
- Махсус обьект;
- Бевосита обьект турларига бўлинади.

**Умумий объект деб** – жиноят қонуни билан қўриқла-надиган барча ижтимоий муносабатлар тушунилади.

**Махсус объект деб** – жиноят қонуни билан қўриқла-надиган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий моҳиятлари жиҳатидан бир-бирига ўхшаш ёки яқин бўлган ижтимоий муносабатларни ўз ичига оладиган ижтимоий муносабатлар гуруҳига айтилади.

Махсус обьект ЖК Махсус қисмидаги жиноят-ҳуқуқий нормаларни таснифлаш имконини беради.

Махсус обьект ЖК Махсус қисми тузилишини шакллантириш бўлим ва бобларга ажратишнинг асосий мезони бўлиб ҳисобланади (масалан: ЖК Махсус қисми 1-боби “Ҳаётга қарши жиноятлар” деб номланиб ушбу боб 97-103-моддаларни ўз ичига олади. Ушбу моддаларда кўрсатилган жиноят турларнинг барчасида обьект сифатида шахснинг ҳаёти, яъни унинг яшашга бўлган ҳуқуки обьект бўлиб ҳисобланади. Демак боб номида махсус обьект кўрсатиб ўтилганлигини англаш мумкин бўлади).

**Жиноятнинг бевосита обьекти деганда** – ижтимоий хавфли тажовуз содир этилаётганда бевосита тажовуз қаратилган ижтимоий муносабат тушунилади:

- жиноий қилмиш содир этилиши натижасида ушбу ижтимоий муносабат бевосита зарап кўради;
- бевосита обьект ЖК Махсус қисмининг ҳар бир моддасида акс этади.

**Бевосита обьект ҳам ўз навбатида қуидаги турларга бўлинади:**

- асосий бевосита обьект;
- қўшимча бевосита обьект;
- факультатив бевосита обьект.

**Бевосита обьектнинг бундай бўлиниши** - жиноий тажовуз бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча обьектга қарши қаратилган бўлгандагина аҳамият касб этади.

Бундай таснифланиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, икки обьектли жиноятларда зарап асосий обьектдан ташқари бошқа обьектга ҳам етказилиб у - қўшимча бевосита обьект бўлиб ҳисобланади.

**Асосий бевосита обьект деб** – ижтимоий хавфли тажовуз тўғридан-тўғри қаратилган, жиноят қонуни билан қўриқла-надиган ижтимоий муносабатлардир (мас: ЖК 164-моддаси

“Босқинчилик” да асосий бевосита объект – ўзга шахснинг мулк ҳукуқи ҳисобланади).

Бу объектга қарши қаратилган жиноят тажовузнинг йўқлиги – ушбу жиноят ЖК 164-моддаси таркибининг мавжуд эмаслигини англатади.

**Қўшимча бевосита объект деб** – бу асосий бевосита объект билан бир вақтда тажовузга учрайдиган жиноят қонуни билан қўриқланадиган яна бир бошқа ижтимоий муносабатларга айтилади (мас: ЖК 164-моддаси “Босқинчилик”да қўшимча бевосита объект – шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи бўлиб ҳисобланади. Яъни айбдор мулкни талон-торож қилишда мулк эгасининг мулкий ҳукуқларига тажовуз қилиш билан бирга унинг ҳаёти ёки соғлигига ҳам зарар етказади).

**Қўшимча бевосита объект** мураккаб таркибли жиноятларда мавжуд бўлиб, бошқа жиноят таркибидан ажратишда муҳим аҳамият касб этади ҳамда ҳар доим асосий бевосита объект билан биргаликда иштирок этади.

**Факультатив бевосита объект деб** - асосий бевосита объект билан бир вақтда ижтимоий хавфли тажовузга учраши ёки учрамаслиги ҳам мумкин бўлган жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади (масалан: ЖК 277- моддаси “Безорилик”да – ўзганинг мулк ҳукуқи факультатив объект бўлиб келиши мумкин. Яъни айбдор асосий бевосита объект ҳисобланган жамоат тартибидан ташқари ўзга шахсларнинг мулк ҳукуқларига ҳам зарар етказиши ёки зарар етказмаслиги мумкин).

**Факультатив объект бу** - шундай ижтимоий муносабатлардирки, жиноят содир этилганда унга зарар етказилиши ҳам, етказилмаслиги ҳам мумкин. Ушбу ҳолат эса, жиноятни квалификациясига таъсир қилмайди фақатгина жавобгарлик ва жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилишига сабаб бўлиши мумкин.

### 5.3. Жиноят обьектининг жиноят предметидан фарқи

**Жиноят предмети бу** – ижтимоий хавфли тажовуз қаратилган моддий ва номоддий дунё неъматидир. Масалан, ашёлар, пул, мол-мулк, ахборот, шаън, қадр қиммат. Жиноят предмети тажовуз натижасида зарар қўриши ҳам (ЖК 173-модда), зарар кўрмаслиги ҳам мумкин (ЖК 177-модда).

## **Жиноят предмети белгиларини:**

- кўз билан кўриладиган, ўлчови, сифати ва ўзига-хос белгиларга эга бўлган моддий ёки номоддий неъмат бўлишилиги;
- шахс предметга тажовуз қилиш орқали жиноят объектига зарар етказиши (масалан: ўғрилик жиноятида айбдор пулни ўғирлаш орқали шахснинг мулк ҳуқуқига тажовуз қиласди. Ушбу ҳолатда пул - жиноят предмети, ушбу пул суммасига бўлган эгалик ҳуқуқи эса - жиноят объекти бўлиб ҳисобланади);
- жиноят предмети айрим жиноят таркибларида мавжуд бўл-маслиги мумкин (масалан: қасдан одам ўлдириш жиноятида, инсон тана аъзолари – жиноят предмети сифатида қабул қилинмайди).

жиноят объекти	жиноят предмети
<ul style="list-style-type: none"><li>- фақат ижтимоий муносабатларни ташкил қилиши;</li><li>- ушбу ижтимоий муносабатларнинг жиноят қонуни билан қўриқланганлиги;</li><li>- ҳамма вақт жиноят таркибининг зарурий белгиси эканлиги;</li><li>- объектнинг йўқлиги жиноят мавжуд эмаслигини англашилиги.</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>- кўз билан кўриладиган, ўлчови, сифати ва ўзига - хос белгиларга эга бўлган моддий ёки номоддий неъмат бўлиши;</li><li>- айрим ҳолларда ушбу ижтимоий муносабатларни юзага келтирувчи манба бўлиб келиши;</li><li>- предметга тажовуз қилиш орқали жиноят объектига тажовуз қилиниши;</li><li>- жиноят қонунида назарда тутилган ҳолларда жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлиб келишида ифодаланишлиги.</li></ul>

Жиноят объектини аниқлашнинг энг оддий усули – бу модда жойлашган боб номини ҳамда модда диспозициясини таҳлил қилиш орқали аниқлашдир.

## **6-Мавзу: ЖИНОЯТНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ**

### **6.1. Жиноятнинг объектив томони тушунчаси ва унинг белгилари**

**Жиноятнинг объектив томони деб** - содир қилинган ижтимоий хавфли қилмишнинг ташқи томони хусусиятларини ифодаловчи қонун томонидан ўрнатилган белгилар мажмуига айтилади. Яъни жиноят содир қилишнинг усул ва йўлларини назарда тутувчи белгилар йиғиндиси тушунилади.

Одатда ушбу белгилар ЖК Махсус қисм моддалари диспозициясида кўрсатилган бўлади.

**Объектив томон** - ЖК Махсус қисм ҳар бир моддасининг диспозициясида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида кўрсатилади.

Жиноят таркиби объектив томони одатда, жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга заарар етказадиган ёки шундай заарар етказиш реал хавфини вужудга келтирадиган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракасизлик)ни ифодалайди.

Жиноят объектив томонининг белгилари иккита асосий гурухга ажратилади:

**Биринчи гуруҳ белгилари** - ўзгармас ва ҳар бир жиноят таркиби учун хос бўлган ва мазкур элементсиз жиноят таркиби мавжуд бўлмайдиган **зарурий** белгилар;

**Иккинчи гуруҳ белгилари эса** - жиноятнинг бевосита объектив томони таркибида бўлмаслиги ҳам мумкин бўлган **факультатив** характерга эга бўлган белгилар.

**Ушбу икки гуруҳ белгилари қўйидағилардан иборат:**

- ижтимоий хавфли қилмиш;
- ижтимоий хавфли оқибат;
- ижтимоий хавфли қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш;
- жиноят содир қилиш вақти, шароити, жойи, усули, жиноят содир этиш воситаси ёки қуроли.

**Барча жиноят таркиби турлари учун жиноят объектив томони зарурий белгиси сифатида** - **ижтимоий хавфли қилмиш** (ҳаракат ёки ҳаракасизлик) олинади.

Агар содир қилинган жиноят **моддий таркибли** бўлса: **ижтимоий хавфли оқибат, ижтимоий хавфли қилмиш ва**

**ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш** ҳам жиноят объектив томонининг зарурий белгиси сифатида эътироф этилади.

<b>Жиноят таркиби тизимида кўра жиноят объектив томонининг зарурий ва факультатив белгилари</b>			
<b>№</b>	<b>Жиноят таркиби тизимида кўра турлари</b>	<b>Жиноят объектив томонининг зарурий белгилари</b>	<b>Жиноят объектив томон факультатив белгилари</b>
1.	Моддий таркибли	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ижтимоий хавфли қилмиш;</li> <li>- ижтимоий хавфли оқибат;</li> <li>- ижтимоий хавфли қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- жиноят содир қилиш вақти, шароити, жойи, усули, жиноят содир этиш воситаси ёки қуроли.</li> </ul>
2.	Формал таркибли	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ижтимоий хавфли қилмиш.</li> </ul>	
3.	Кесик таркибли	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ижтимоий хавфли қилмиш.</li> </ul>	

**Ижтимоий хавфли қилмиш деб** - жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини вужудга келтирадиган онгли, иродавий, аниқ ва мураккаб, хусусиятига кўра: фаол (актив) ва нофаол (пассив) хулқ атвор (ҳаракат ёки ҳаракатсизликка) айтилади.

Енгиб бўлмас куч таъсирида (табиат ҳодисалари ёки табиий рефлекслар таъсири остида) содир этилган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш сифатида баҳоланмайди.

## **6.2. Ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят объектив томонининг зарурий белгиси сифатида**

<b>Қилмиш</b>	- ҳаракат
	- ҳаракатсизлик

**Ҳаракат бу** - шахснинг ижтимоий фаол (актив) хулқ атвори;

**Ҳаракатсизлик эса** - шахснинг пассив хулқ атвори бўлиб, шахс ўзига қонун ёки қонуности норматив ҳужжатлари, бошқа маҳсус қоидалар асосида юклатилган вазифаларни бажармасликда ифодаланади.

**Ҳаракатсизлик орқали содир қилинган қилмиш учун жиноий жавобгарлик** - шахснинг ўзи бажариши шарт бўлган вазифаларини реал иконияти бўла туриб бажармаса, лозим даражада бажармаса ва бунинг натижасида жиноят қонуни билан қўриқланадиган обьектларга заарар етса ёки зарар етишининг реал хавфи вужудга келса келиб чиқади.

Ҳаракатсизлик орқали содир этилган жиноятларда оқибат келиб чиқмаса шахсни жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Ҳаракатсизлик натижасида жиноий жавобгарлик келиб чиқиш шартлари	<ul style="list-style-type: none"><li>- шахсга қонун ёки бошқа норматив ҳужжатлар билан мажбуриятларнинг юклатилганлиги;</li><li>- ушбу мажбуриятларни бажариш учун реал имкониятларининг мавжудлиги;</li><li>- шахс ўз мажбуриятини бажармаслиги оқибатида жиноят қонуни билан қўриқланадиган обьектларга заарар етказилганлиги.</li></ul>
--	---

**Шахсга юклатилган мажбуриятларнинг келиб чиқишининг ҳуқуқий асосини қўйидагилар ташкил қиласди:**

- қонун ёки қонуности норматив ҳужжатлар;
- хизмат вазифаси ёки касбий мажбурияти;
- қариндошлик муносабатлари;
- шахснинг ижтимоий хавфли оқибат келиб чиққунга қадар бўлган хулқ атвори натижасида шахсга маълум бир мажбуриятларнинг юклатилиши. Яъни шахснинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйганлиги.

### **6.3. Ижтимоий хавфли оқибат жиноят объектив томонининг белгиси сифатида**

**Жиноий оқибат деганда** - ижтимоий хавфли қилмиш

содир этилиши натижасида жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларда юз берадиган салбий ўзгаришга айтилади.

**Ижтимоий хавфли оқибат одатда:**

- асосий ва қўшимча;
- оддий ва мураккаб;
- моддий ва номоддий кўринишларда бўлади.

Моддий кўринишдаги оқибатлар ўз навбатида - **мулкий ва жисмоний** хусусиятдаги оқибатларга бўлинади. Мулкий хусусиятдаги оқибатлар – анча, кўп, жуда кўп миқдордаги зарар кўринишда бўлса. Жисмоний хусусиятдаги оқибатлар – одамнинг ўлими, тан жароҳати кўринишида бўлади.

Номоддий кўринишдаги оқибат эса - **зарар ва зиён** кўринишидаги оқибатларга бўлинади. У

Масалан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказиш.

Асосий ва қўшимча оқибат эса – мураккаб таркибли жиноятларда мавжуд бўлади. Яъни айборд үзининг бир ҳаракати билан жиноят қонуни билан қўриқланадиган иккита объектга зарар етказади ва иккита оқибат келтириб чиқаришига сабаб бўлади (мас: ЖК 164-моддаси “Босқинчилик”да айборд мол-мулкка зарар етказиш билан бирга шахснинг ҳаёти ёки соғлигига ҳам зарар етказиши мумкин).

#### **6.4. Жиноят ҳуқуқида сабабий боғланиш тушунчаси**

**Сабабий боғланиш** – содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг натижасида келиб чиқсан ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги боғлиқликдир.

**Сабабий боғланиш** - моддий таркибли жиноятлар учун жиноят объектив томонининг зарурӣ белгиси бўлиб ҳисобланади.

Сабабий боғланишнинг қуйидаги мезонлари мавжуд:

- вақт мезони;
- реаллик мезони;
- муқаррарлик мезони.

Моддий таркибли жиноятларда қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- содир этилган қилмиш ва унинг натижасида келиб чиққан оқибатнинг ижтимоий хавфли ва ҳукуққа хилоф бўлганлиги;
- содир қилинган қилмиш туфайли ўша оқибат келиб чиққанлиги;
- келиб чиққан оқибат содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг ёхуд бу қилмиш содир этилишидан ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишининг реал хавфи мавжуд бўлиши лозимлиги;
- бир неча оқибат юзага келганида ушбу қилмиш ҳар бир оқибатнинг сабаби бўлганлиги ёки бошқа оқибатларни келтириб чиқарган бир оқибатнинг сабаби бўлганлиги ва бошқалар.

## **6.5. Жиноят объектив томонининг факультатив белгилари**

**Жиноят содир қилиш жойи, вақти, ҳолати, усули, қуроли ва воситаси** жиноят объектив томони факультатив белгиларини ташкил этади.

**Жиноят содир этилган жойи** - бу жиноят содир қилинган ва тамомланган маълум чегараланганд ҳудуд, макон, жой, географик нуқта ҳисобланади.

**Жиноят содир қилиш вақти** – жиноят содир этилган аниқ пайтни ифодалайдиган белгилар мажмуи.

**Жиноят содир қилиш усули** - бу жиноят содир қилинаётганда айбор томонидан жиноятни содир қилишда ишлатиладиган аниқ усул ва услублар бирлигидир.

**Жиноят содир қилиш қуроли** – шахс жиноят предметига ёки шахсга бевосита таъсир кўрсатиш учун фойдаланган моддий ашё. Яъни айбор жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга зарар етказиш мақсадида фойдаланган моддий ашё тушунилади.

**Жиноят содир қилиш воситаси эса** – шахс жиноят содир қилишни ёки жиноят изларни йўқотишни осонлаштириш учун фойдаланган ташқи дунё неъмати.

Одатда, жиноят содир қилиш воситаси билан жиноят объектига тўғридан-тўғри зарар етказилмайди ва ушбу белги жиноят содир қилиш воситасини жиноят содир қилиш қуролидан фарқловчи асосий хусусият ҳисобланади.

Жиноят объектив томони факультатив белгилари муайян жиноят таркибининг зарурий ва зарурий бўлмаган белгилари бўлиши мумкин.

Агарда ЖК Махсус қисм моддаси диспозициясида ушбу белгилар тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлса, улар зарурий белги сифатида эътироф этилади. Факультатив белги жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланмагандა эса, жиноятни квалификациясига таъсир этмасада, жазо тайинланашда жавобгарликни оғирлаштирувчи ёки енгилаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин.

## **7-Мавзу: ЖИНОЯТНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ**

### **7.1. Жиноят субъектив томони тушунчаси ва унинг белгилари**

**Жиноят таркибининг субъектив томони** - Жиноят қонунида жиноят деб белгиланган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг ўз қилмишига бўлган руҳий муносабати тушунилади.

Субъектив томон белгилари қуйидагиларни ташкил этади:

- айб;
- мотив;
- мақсад.

**Айб** - субъектив томон зарурий белгиси, **мотив, мақсад, эмоциялар** эса - факультатив белгиси саналади.

Жиноят таркибида субъектив томоннинг бўлмаслиги жиноий жавобгарликни истисно қиласди. Жиноятниң субъектив томонини тўғри аниқлаш жиноятчи шахснинг ижтимоий хавфлилиги даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Жиноятни квалификация қилишда субъектив томоннинг аҳамияти қуйидагиларда кўринади:**

- субъектив томон - ҳар қандай жиноят таркибининг зарурий белгисидир. Унинг йўқлиги қилмишда жиноят таркибининг мавжуд эмаслигини англатади;
- тегишли жиноят таркибининг субъектив томони ва унинг барча белгиларининг тўғри ўрганилганлиги жиноятни тўғри ва асосли квалификация қилишнинг зарурий шартидир;
- субъектив томоннинг тўғри белгиланганлиги айбор шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик, жазо муддати ва миқдорини тўғри белгилашда муҳим аҳамият касб этади;
- субъектив томоннинг тўғри белгиланиши қонунийликни таъминлаш ва мустаҳкамлашнинг зарурий шартидир.

### **7.2. Жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида айб ва унинг шакллари**

**Айб** - жиноят қонуни билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишига ва унинг оқибатларига бўлган ички руҳий

муносабати тушунилади.

Айбнинг рұхий муносабат сифатидаги **тафаккурий** ва **иродавий** ҳолатлари мавжуд бўлиб, улар биргаликда айбни шакллантиради. Тафаккурий ва иродавий ҳолатларнинг турли комбинациялари айбнинг турли шакл ва турларини вужудга келтиради.

**Тафаккурий ҳолати бу** - шахс ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишининг хавфлилик хусусиятини англаб етаётганлигини ифодаласа;

**Иродавийлик ҳолати** - шахс ўз қилмишини бошқара олиш имкониятини англатади.

**Айбсиз ҳолда зарар етказишида** - айбнинг тафаккурий ва иродавий ҳолатининг мавжуд бўлмаганлиги сабабли жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Айб шакллари ЖК 20-моддасига кўра, **қасд ва эҳтиётсизлик** кўринишида бўлади.

Қасдан жиноят содир этиш тушунчасига таъриф беришда жиноят моддий ёки формал таркибли жиноят эканлигини эътиборга олиш лозим бўлади.

**Қасд турлари икки хил:**

- тўғри қасд;
- эгри қасд.

**Моддий таркибли жиноятларда**, агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини анлаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасдан содир этилган деб топилади;

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини анлаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасдан содир этилган деб топилади.

**Формал таркибли жиноятларда эса шахс** ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини анлаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса жиноят қасдан содир этилган деб топилади.

**Формал таркибли жиноятларда** - эгри қасд мажуд бўлмайди деган фикрлар мавжуд. Шу билан бирга, формал таркибли жиноятлар эгри қасдан ҳам содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрни билдириш мумкин (масалан: ЖКнинг 103-моддасида назарда тутилган ўзини ўзи ўлдириш

даражасига етказиш жинояти).

**Айбнинг қасд шаклини тўғри ва эгри қасд шаклига ажратиши** - айнан қасднинг иродавий ҳолатига боғлиқ бўлади.

Жиноят ҳуқуқида қасднинг яна бошқа шакллари ҳам мавжуд бўлиб, улар:

- қасднинг келиб чиқиши вақтига кўра: **олдиндан вужудга келган қасд ёки тўсатдан юз берган қасд;**

- шахс қилмишининг хусусиятига қараб: **аниқ ва муқобил қасд** шакларига бўлинади.

**Муқобил қасдда** - шахс содир этган қилмиши натижасида амалда келиб чиқсан оқибатига қараб қилмиш квалификация қилинади.

Қасд шакллари содир қилинган ижтимоий хавфли қилмишларни таснифлашда, квалификация қилишда, жиноят таркибини тўғри таҳлил қилишда ва жазо турларини индивидуаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Эҳтиётсизлик орқасидан жиноят содир этиши деб** – ижтимоий хавфли қилмиши ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасидан содир этишга айтилади.

Яъни эҳтиётсизликнинг икки шакли мавжуд. Улар:

- ўз-ўзига ишониш;
- бепарволик.

Агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чоратадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят **ўз-ўзига ишониш** оқибатида содир этилган деб топилади.

Ўз-ўзига ишонишнинг эгри қасддан асосий фарқи - **айбнинг иродавий ҳолатига** кўра аниқланади.

Яъни эгри қасдда шахс оқибат келиб чиқишига **онгли равишда йўл қўйиб берса;**

Ўз-ўзига ишонишда ушбу оқибатнинг келиб чиқмаслигига **асоссиз равишда умид қиласди.**

**Жиноят бепарволик орқасидан содир этилган деб** - агарда шахс ўзининг хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмасада, лекин кўзи этиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят **бепарволик** орқасидан содир этилган деб айтилади.

*Бепарвоникнинг айбсиз ҳолда зарар етказишидан фарқи эса - айбнинг тафаккурий ва иродавий ҳолатига боғлиқ бўлади.*

Яъни, тафаккурий ҳолат бепаровликда шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини ўша вазиятга кўра билиши ёки англаши лозимлигини ифодаласа;

иродавий ҳолат - оқибатни олдини олишга ҳаракат қилмаганлигига ифодаланади.

### ***Айбсиз ҳолда зарар етказишида эса, шахс:***

- ўз хулқ атворини ижтимоий хавфлилигини англамаганлиги, англаши лозим ҳам бўлмаганлиги - тафаккурий ҳолат;

- оқибатни олдини олиш имкониятининг ҳақиқатда мавжуд эмаслиги эса - иродавий ҳолатини ташкил қиласди (моддий таркибли жиноятлар учун).

Демак, айбсиз ҳолда зарар етказганда, шахс ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

Одатда, айбнинг эҳтиётсизлик шакли формал таркибли жиноятларда мавжуд бўлмайди. Бироқ, эҳтиётсизликдан ҳам содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, юқорида назарда тутилган ҳолат, яъни ЖКнинг 103-моддасида назарда тутилган ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти ҳам эгри қасддан ҳам ўз-ўзига ишониш орқали содир этилиш мумкин.

АЙБ			
№	Айб шакллари	Тафаккурий ҳолати	Иродавий ҳолати
1.	Тўғри қасд	<ul style="list-style-type: none"> <li>- қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини анлаганлиги;</li> <li>- ижтимоий хавфли оқибатларга кўзи етганлиги.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- шундай оқибатларнинг келиб чиқишини истаб ҳаракат қилган бўлишлиги.</li> </ul>
2.	Эгри қасд	<ul style="list-style-type: none"> <li>- қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини анлаганлиги;</li> <li>- ижтимоий хавфли оқибатларга кўзи етганлиги.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- шундай оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равища йўл қўйиб берганлиги.</li> </ul>
3.	Ўз-ўзига ишониш	- ўзининг хулқ-атвори қонунда назарда тутилган	- эҳтиёткорлик чора тадбирларига онгли

		ижтимоий оқибатлар чиқариши мумкинлигини кўра билганлиги.	хавфли келтириб чиқаслигига	равишда риоя қилмаган ҳолда, ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқаслигига асоссиз равишда умид қилганлиги.
4.	Бепарволик	- ўзининг хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши муминлигига кўзи етмасада, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлишилиги.	- оқибатни олишга	олдини ҳаракат қилмаганлиги.
5.	Айбсиз ҳолда зарар етказиш	- ўзининг хулқ-атвори ижтимоий хавфлилигини англамаганлиги, англаши лозим ҳам бўлмаганлиги.	- оқибатни олдини олиш имкониятининг ҳақиқатда мавжуд эмаслиги.	

Ижтимоий хавфли қилмишни қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир қилган шахсгина жиноят содир этишда айбли деб топилади.

### 7.3. Мураккаб айбли жиноятлар

Айрим ҳолларда қасдан жиноят содир этилиши натижасида бошқа бир оғир оқибатлар келиб чиқади. Лекин бу оқибат шахснинг қасди билан қамраб олинмайди, балки бу шахснинг эҳтиётсизлиги натижасида келиб чиқадиган оқибат ҳисобланади. Бундай ҳолатда агар қонун содир этилган қилмишни қаттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, содир қилинган қилмиш қасдан содир этилган жиноят деб топилади.

Ушбу турдаги жиноятлар **мураккаб айбли жиноятлар** деб номланиб, ЖК Махсус қисм битта моддаси билан квалификация қилинади (масалан: ЖК 104-моддаси 3-қисм “д” банди, “жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган оғир тан жароҳати етказиш”, ЖК 256-моддаси 3-қисм “а” банди, 258-моддаси 2-қисм “а” банди, 259-моддаси 2-қисм “а” банди).

## 7.4. Хато тушунчаси ва турлари

**Хато деганда** - шахс ўзи содир қилган қилмишининг юридик ва фактик ҳолатларига нисбатан адашиши тушунилади.

Адашганлик хусусиятига кўра, хато: **юридик ва фактик** хато турларига бўлинади.

**Юридик хато деб** - шахс содир қилган қилмишининг жиноят ҳуқуқий баҳоланиши ҳақидаги нотўғри тасаввурга эга бўлишига айтилади.

Одатда, юридик хато жиноят квалификациясига таъсир қилмайди. Сабаби, қилмиш жиноят қонунчилиги бўйича тавсифланади, ижтимоий хавфли қилмишни содир қилган шахснинг субъектив фикри бўйича эмас (масалан: шахс бирорга берган қарзини қарздор ўз вақтида қайтариб бермаганлиги учун қарздорга тегишли бўлган автомашинани эгасининг рухсатисиз уйига олиб келиб қўяди. Ушбу ҳолатда у ўз ҳаракатларини қонуний деб ҳисоблайди. Лекин жиноят қонуни ушбу ҳолатда унинг ҳаракатларини ЖК 229-моддаси “Ўзбошимчалик” бўйича жиноят деб топади).

**Фактик хато деб эса** - жиноят таркибининг объектив белгиси ҳисобланадиган ҳолатлар тўғрисидаги нотўғри тушунчаси. Фактик хато жиноятни квалификациясига таъсир қиласи.

ХАТО		
№	Хато турлари	Хато кўринишлари
1.	Юридик хато	<ul style="list-style-type: none"><li>- шахс содир этган қилмишини жиноят деб ҳисоблайди, лекин содир қилган қилмишида жиноят белгилари бўлмайди;</li><li>- шахс ўз қилмишини жиноят деб ҳисобламайди, лекин ушбу қилмишда жиноят белгилари мавжуд бўлади;</li><li>- шахс содир этган қилмишининг ҳуқуқий оқибатларини, жиноят учун белгиланадиган жазо тури ва миқдори ҳақидаги нотўғри тасаввури.</li></ul>
2.	Фактик хато	<ul style="list-style-type: none"><li>- объектга нисбатан;</li><li>- жиноят предметига нисбатан;</li><li>- жабрланувчи шахсига нисатан хато;</li><li>- содир қилган қилмиши хусусиятига нисбатан;</li></ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>- оқибатга нисбатан;</li> <li>- сабабий боғланишга нисбатан;</li> <li>- оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларга нисбатан хато.</li> </ul>
--	---

## 7.5. Жиноятнинг мотиви, мақсади ва эмоциялар

**Жиноят мотиви дейилганда** - инсон фаоллиги манбаси, ички йўналтирувчи ҳиссиёт тушунилади.

Мотив субъектни ўз мақсадлари сари йўналтирувчи куч ҳисобланади. У маълум инсон эҳтиёжлари ва қизиқишларидан юзага келади ва шахсни жиноят содир қилишга йўналтиради (масалан: “Рашқ мотиви” орқали қасдан одам ўлдириш жинояти ЖК 97-моддаси 1-қисми).

**Жиноят мақсади эса** - ижтимоий хавфли қилмишни бажаришдан кўзланган манфаат (масалан: “Бошқа бир жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида” қасдан одам ўлдириш ЖК 97- моддаси 2 – қисми “о” банди).

Ушбу белгилар жиноят таркиби субъектив томонининг факультатив белгиси сифатида жиноятни квалификация қилишда эътиборга олинмасада, жазо тайинлашда эътиборга олинади. Айрим ҳолларда, ушбу белгилар ЖК Махсус қисм моддалари диспозициясида тўғридан-тўғри жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида ҳам назарда тутилган бўлса, улар жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлиб келади (масалан: ЖК 130-моддаси “Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш” жинояти диспозициясида мақсад жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида кўрсатилган).

**Эмоциялар** - инсоннинг бошдан кечираётган ҳис-туйғу ва кечинмаларидир. Инсон бошдан кечириши мумкин бўлган барча эмоциялар ичидаги фақат аффектгина жиноий-хуқуқий аҳамиятга эга ҳисобланади. Аффект физиологик ёки патологик бўлиши мумкин. Аффект ҳолатида жиноят содир этиш жазони енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади, шарти шуки, у жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган бўлиши лозим.

## **8-Мавзу: ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ**

### **8.1. Жиноят субъекти тушунчаси ва унинг белгилари**

**Жиноят субъекти деганда** – ижтимоий хавфли қилмишни содир қилган ва жиноят қонунида белгиланган ёшга етган ақли расо жисмоний шахс, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет-эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс тушунилади.

Субъект ҳам жиноят таркибининг бир элементи сифатида, ўзининг зарурий ва факультатив белгиларига эга.

**Жиноят субъектининг зарурий белгилари қўйидагилар:**

- жисмоний шахс бўлишлик;
- ақли расолик;
- жиноят қонунида белгиланган ёшга етганлик.

Айрим ҳолларда, жиноят қонуни, субъектда юқорида кўрсатилган белгилардан ташқари қўшимча белгиларнинг ҳам бўлишини талаб қиласди. Бу белгиларга эга бўлган шахслар эса – **максус субъект** деб юритилади.

### **8.2. Жиноят субъектининг ёши**

Жиноят қонуни бўйича жиноят содир этгунга қадар жиноий жавобгарлик ёшига етган ақли расо жисмоний шахсгина, жиноий жавобгарликка тортилади.

ЖК 17-моддасига кўра, субъект ёшининг тўртта даражаси кўрсатилади. Булар: - 13 ёш, 14 ёш, 16 ёш ва 18 ёш.

**Жиноятнинг умумий субъект ёши** - 16 ёш қилиб белгиланган.

Жиноят қонуни талабига кўра, жиноят содир этган шахснинг ёш чегаралари аниқ белгиланиши учун шахснинг туғилган йили, ойи, куни аниқланиши лозим. Шахсни маълум бир ёшга тўлган деб топиш учун унинг ёши туғилган кунидан эмас, балки кейинги кундан бошлаб ҳисобланади.

Одатда, ёш туғилганлик тўғрисидаги маълумот (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт)га қараб аниқланади.

Агар шахснинг ёши ҳақида аниқ маълумот бўлмаса, туғилган вақт суд тиббиёт экспертизаси орқали аниқланади.

Бунда ҳам хулоса аниқ бир ёшни эмас, балки ёшнинг минимал ва максимал чегарасини айтади (масалан: шахс 14 – 16 ёшлар орасида).

Бундай ҳолда шахснинг ёши экспертиза берган хулосадаги минимал ёш чегарасидан келиб чиқиб тайинланади. Бунда шахсни туғилган куни деб, шу минимал ёшдан келиб чиқиб аниқланган йилнинг 31 - декабридан олинади.

**ЖК Махсус қисм моддаларида** - ушбу жиноятлар учун модданинг ўзида тўғридан-тўғри ёш чегараси кўрсатилмайди. Ҳар бир модда бўйича ёш чегараси ЖК 17-моддаси орқали аниқланади. Чунки ушбу моддада барча жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ёши чегараси аниқ белгиланган.

### **8.3. Ақли расолик ва ақли норасолик тушунчалари**

**Ақли расолик деб** – шахс жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англағанлик ва ўз ҳаракатларини бошқара олганлигига айтилади.

Жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаған ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахсгина ақли расо шахс деб топилади.

Агар ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш вақтида ўз ҳаракатларини аҳамиятини англай олмаган ёки ўз ҳаракатларни бошқара олмаган шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Бундай шахслар ақли норасо шахс деб топилади.

Шахсни ақли норасо деб топиш учун қуйидаги мезонлар бўлиши талаб қилинади:

- Юридик мезон;
- Тиббий мезон.

**Юридик мезон** ҳам ўз навбатида:

- *тафаккурий* (шахс содир қилган ижтимоий хавфли қилмишининг хавфлилик хусусиятини англағаслий);
- *иродавий* (ўз ҳаракатларини бошқара олмаслий) каби белгиларидан ташкил топади.

Мана шу икки белгидан бирининг мавжуд бўлиши юридик мезон мавжудлигини кўрсатади. Яъни шахс ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш вақтида ўз ҳаракатларини *англай олмаган ва ўз ҳаракатларни бошқара олмаган* бўлса уни жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайди.

**Ақли норасоликнинг юридик мезони деганда** - шахс ўзи содир қилаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаслиги ёки бошқара олмаслиги.

**Шахс ўзи содир қилаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаслиги ёки бошқара олмаслигининг сабаби** эса, тиббий мезонда кўринади.

**Тиббий мезон** - шахс руҳий ҳолати бузилганлигининг белгиларини ифодалайди. Улар қуйидаги кўринишларда бўлади:

- руҳий ҳолатнинг сурункали бузилиши;
- руҳий ҳолатнинг вақтинчалик бузилиши;
- ақли заифлик;
- руҳий ҳолатнинг бошқача тарзда бузилганлиги.

Ақли норасо ҳолатда, содир қилинган қилмишлар учун суд томонидан *тиббий йўсингдаги мажбурлов* чоралари қўлланилиши мумкин.

Тиббий йўсингдаги мажбурлов чоралари жазоchorаси деб эътироф этилмайди.

Жиноят қонуни мастлик ҳолатида содир қилинган қилмиш учун жиноий жавобгарлиқдан озод қилмайди ва шахсни ақли норасо ҳолатда деб топмайди. Мастлик ҳолатида жиноят содир этиш, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қабул қилинади.

Мастлик - инсон онгигига таъсир қиласиган маълум бир воситаларни қабул қилиш орқали вужуга келадиган ҳолат. Ушбу воситаларга:

- алкоголли ичимликлар;
- психотроп моддалар;
- гиёхвандлик воситалари;
- гиёхвандлик воситаларининг аналоглари;
- кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар киради (масалан: токсик моддалар).

Патологик (алкоголдан) мастлик руҳий ҳолатнинг бузилиши ҳисобланади. Шахсни ақли норасо ҳолатда деб топишига сабаб бўлиши мумкин.

#### **8.4. Жиноят хуқуқида маҳсус субъект тушунчаси ва унинг жиноятни квалификация қилишдаги аҳамияти**

**Жиноятнинг маҳсус субъекти** деб - шахсда субъектнинг зарурий белгилари билан бирга, жиноят қонунида кўрсатилган

бошқа бир белгиларнинг ҳам мавжуд бўлиши талаб қилинадиган субъектга айтилади. Ушбу белгиларга:

- фуқаролик;
- демографик белгилар;
- мансаб;
- ҳарбий хизматга алоқадорлик;
- бажараётган иши;
- касбий мажбуриятлар;
- шахсий мажбуриятлар;
- субъектнинг асосий ҳолатлари ва бошқалар билан боғлиқ белгилар кириши мумкин.

Ушбу белгилар айрим жиноятлар таркибининг зарурий белгиси сифатида эътироф этилиши мумкин. Яъни ушбу белгиларнинг мавжуд эмаслиги, шахс қилмишининг ўша модда бўйича квалификация қилинмаслигини англатади.

Одатда, ушбу белгилар ЖК Махсус қисм моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида эътироф этилиши мумкин (масалан: ЖК 157-моддаси “Давлатга хоинлик қилиш” жиноятида “фуқаролик” жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида келган). Яъни, ушбу модда бўйича фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жавобгар бўлиши мумкинлигини англатади.

## **9-Мавзу: ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР**

### **9.1. Жиноят ҳуқуқида жиноят содир қилиш босқичлари тушунчаси ва турлари**

**Жиноят содир қилиш босқичлари деб** - ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишини ифодаловчи ҳаракатлар босқичининг мажмуига айтилади.

Яъни қасднинг шаклланиши ва ривожланиши даражасини ифодалайди.

Жиноят ҳуқуқи фанида жиноят содир қилишнинг қўйидаги босқичлари ажратиб кўрсатилади:

1. Қасднинг шаклланиши.
2. Қасднинг аниқланиши.
3. Жиноятга тайёргарлик кўрилиши.
4. Жиноятга суиқасд қилиниши.
5. Жиноятнинг тугалланиши.

Қасднинг шаклланиши ва қасднинг аниқланиши жиноий жавобгарликка сабаб бўлмайди. Жиноят содир этиш босқичлари бир-биридан объектив ва субектив белгиларига кўра фарқ қиласди.

Жиноят қонуни жиноят содир қилиш босқичлари тушунчасини ишлатмайди, балки тамом бўлмаган жиноятлар тушунчасини беради. ЖК 25-моддасига кўра тамом бўлмаган жиноятларга:

- жиноятга тайёргарлик кўриш;
- жиноятга суиқасд қилиш киради.

<b>Жиноят босқичларининг бир биридан фарқи ва тугалланиш вақти</b>	
<b>жиноятга тайёргарлик кўриш</b>	<b>жиноятга суиқасд қилиш</b>
<ul style="list-style-type: none"><li>- жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга тажовуз қилинмайди;</li><li>- жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга тажовуз бошланмасдан шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тўхтатилади.</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>- жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга тажовуз бошланади;</li><li>- жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга тажовуз бошланиб, лекин шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмайди.</li></ul>

Эҳтиётсизликдан содир қилинадиган жиноятларда ва ҳаракатсизлик орқасидан содир қилинадиган жиноятларда жиноят босқичлари (тайёргалик кўриш ва суиқасд қилиш) мавжуд бўлмайди.

## 9.2. Жиноятга тайёргарлик кўриш тушунчаси ва белгилари

Шахснинг **қасдан** қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш **жиноятга тайёргарлик кўриш** деб топилади.

Жиноятга тайёргарлик кўришда, шахс жиноят қонуни билан қўриқланадиган *объектга тажовуз қилишга улгурмасдан* ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, тўхтатилиши тушунилади. Ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар турлича бўлиши (масалан: уй эгаларининг келиб қолиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ушланиши, ҳ.к.) мумкин.

Жиноятга тайёргарлик кўришнинг объектив ва субъектив белгилари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги ҳаракатларда ифодаланиши мумкин.

### **Объектив белгиларига:**

- жиноят содир этиш воситаларини излаб топиш;
- жиноят иштирокчиларини излаб топиш;
- жиноят содир қилиш учун келишиш;
- жиноят обьектига тажовуз бошланмасдан ташқи таъсир туфайли тўхталиши.

**Субъектив белгисини эса** - жиноятнинг фақатгина тўғри қасдан содир этилиши ташкил этади.

Яъни, шахс содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишининг хавфлилик хусусиятини англайди, тайёргарлик кўраётган қилмиши қандай хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етади ва шундай оқибатлар келтириб чиқаришини истаб ҳаракат қиласди (моддий таркибли жиноятларда).

**Формал таркибли жиноятларда эса** - шахс қилмишининг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини англайди ва шундай қилмишни содир этишни истаб ҳаракат қиласди.

### **9.3. Жиноятга сиқасд қилиш тушунчаси ва турлари**

Шахснинг қасдан содир этадиган жинояти бошланиб, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, **жиноят содир этишга сиқасд қилиш** деб топилади.

Жиноятга сиқасд қилишнинг ҳам - объектив ва субъектив белгилари мавжуд бўлиб, улар қуидагиларда ифодаланади.

#### **Объектив белгиларига:**

- сиқасд жиноят содир этишга бевосита йўналтирилган ҳаракатни ифодалаши;
- жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектларга қарши қаратилган тажовузнинг бошланиши;
- жиноий ҳаракат шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказилмаслиги.

Жиноятга сиқасд қилиш ҳам тайёргарлик қўриш сингари объектив томондан шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказилмайди. Лекин жиноятга сиқасд қилишда жиноят қонуни билан қўриқланадиган *объектга тажовуз бошланиб*, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаслигида ифодаланади.

**Субъектив белгисини эса** - жиноятга сиқасд фақатгина тўғри қасдан содир этиладиган жинояларда мавжуд бўлишида ифодаланади.

Яъни, шахс содир этаётган ижтимоий хавфли қилмиши жиноят содир этишга қаратилганлигини англайди, жинояти қандай хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўза етади ва шундай оқибатлар келтириб чиқаришини истаб туриб тажовуз қиласи, бу моддий таркибли жиноятларда кузатилади.

**Формал таркибли жиноятларда эса** - шахс жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатини истаб содир қилиши тушунилади.

**Моддий таркибли жиноятларда сиқасд** - шахснинг ўйлаган ижтимоий хавфли оқибати келиб чиқмаслигига ифодаланса;

**Формал таркибли жиноятларда эса** - шахс қилиши лозим бўлган ҳаракатларини тўлиқ бажара олмаслигига ифодаланади.

Жиноят хуқуқи сиқасдни бир неча турларга бўлиб ўрганади. Улар:

№	Суиқасд турлари	
1.	Суиқасдни амалга оширилганлик даражасига кўра	тамом бўлмаган суиқасд тамом бўлган суиқасд
	Суиқасдни яроқлилик даражасига кўра	яроқсиз объектга нисбатан яроқсиз воситалар билан

**Тамом бўлган суиқасд деб** - жиноий мақсадга эришиш учун айбордor ўзига боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни амалга оширади, аммо унинг ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, жиноят охирига етказилмаслиги тушунилади.

Яъни шахс жиноий мақсадга эришиши учун қилиши шарт ва лозим деб ўйлаган барча ҳаракатларини тўлиқ бажариши тушунилади. Масалан: шахс қасдан одам ўлдириш учун бирорга заҳар беради, лекин шахсга тез тиббий ёрдам кўрсатилганлиги туфайли утирик қолади.

**Тамом бўлмаган суиқасд деб** - шахс жиноий мақсадга эришиши учун қилиши шарт деб ўйлаган барча ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, тўлиқ бажара олмаслигига айтилади. Масалан: шахс ўғрилик қилиши учун бажариши лозим бўлган ҳаракатларни мулкнинг эгаси келиб қолганлиги туфайли, тўлиқ бажара олмаслиги.

**Яроқсиз объектга тажовуз қилиш** – шахснинг хатоси туфайли жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга зарар етказилмаслигига ифодаланади.

Яъни, жиноят қонуни билан қўриқланадиган объект ижтимоий хавфли тажовуз бошлангунга қадар бошқа сабабларга кўра, яроқсиз ҳолатга келиб қолган бўлади.

Бунда шахс кўп ҳолларда жиноят объектига нисбатан эмас, балки, предметига нисбатан хато қиласи.

Ушбу ҳолатда шахснинг ҳаракатлари тамом бўлган суиқасд сифатида эътироф этилади ва квалификация қилинади. Масалан: шахс қасдан одам ўлдириш учун пичоқ уради лекин ўша шахс бошқа бир сабабларга кўра олдинроқ вафот этган бўлади.

Ушбу ҳолатда шахсни жавобгарликка тортиш асосини – шахс жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказаётганда, унинг яроқсизлигини билмасдан туриб тажовуз қилганлиги билан ифодаланади ва

унинг ҳаракатлари қасдан одам ўлдиришга нисбатан сиқасд дея квалификация қилинади.

Бироқ, бугунги кунда ушбу фикрларга қарши чиқаётган бир қанча олимлар бор, уларнинг фикрларига кўра, ушбу ҳоатда айборнинг ҳаракатлари жиноят сифатида баҳоланиши керак эмас ва ўз фикрларини жиноят қонуни амалда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларни ҳимоя қиласи деб таъкидлашади. Яъни “яроқсиз” ҳолдаги объектлар жиноят қонуни билан қўриқланмайди деб ҳисоблашади.

**Яроқсиз воситалар билан сиқасд қилиш деганда** - жиноятни охирига етказиш учун яроқсиз бўлган, яъни амалда ишлатиб бўлмайдиган воситаларни қўллаб тажовуз қилиниши тушунилади.

Ушбу ҳолатда шахсни жавобгарликка тортиш асосини – шахс жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиш мақсадида фойдаланаётган воситасининг амалда яроқли деб ўйлаши ташкил этади. Масалан: шахс қасдан одам ўлдириш учун заҳар беради лекин ушбу заҳар ижтимоий хавфли қилмиш содир этилаётган вақтга келиб ўзининг инсонга зарар етказиш хусусиятини йўқотган бўлади.

Бу эса, тамом бўлмаган сиқасд сифатида эътироф этилиб, умумий асосларда жавобгарликни келтириб чиқаради ва ушбу ҳолатда ҳам шахснинг ҳаракатлари қасдан одам ўлдиришга нисбатан сиқасд деб квалификация қилинади.

#### **9.4. Тамом бўлган жиноят тушунчаси**

ЖКнинг 8-бўлимида тамом бўлган жиноят тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, тамом бўлган жиноят - бу муайян жиноят таркибининг барча зарур аломатларини ўз ичига оладиган ижтимоий хавфли қилмишdir.

**Жиноят ҳуқуқи назариясига кўра ҳам тамом бўлган жиноят деб** - шахснинг содир қилган ижтимоий хавфли қилмишида жиноят қонунида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлса, ушбу қилмиш тамом бўлган жиноят деб топилишига айтилади.

Агарда, **жиноят моддий таркибли бўлса** - ижтимоий хавфли оқибат келиб чиққандагина, жиноят тамом бўлган деб топилади.

**Формал таркибли жиноятларда эса** - жиноят қонуни билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмиш содир қилинган пайт жиноят тамомланган деб эътироф этилади.

## **9.5. Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва суиқасд қилганлик учун жавобгарлик**

Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик ЖК Махсус қисмининг тамом бўлган жиноят учун жавобгарликни белгиловчи моддасига мувофиқ ҳал қилинади (ЖК 25-моддаси 3-қисми).

Шахс жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида тўхтатилганда унинг ҳаркатлари ЖК Махсус қисми тегишли моддаси ва ЖК 25-моддасининг 1-қисмига ҳавола қилган ҳолда квалификация қилинади (масалан: ЖК 25-моддаси 1-қисми, ЖК 97-моддаси 1-қисми).

Шахс жиноятга суиқасд қилиш босқичида тўхтатилганда эса, унинг ҳаркатлари ЖК Махсус қисми тегишли моддаси ва ЖК 25- моддасининг 2-қисмига ҳавола қилган ҳолда квалификация қилинади (Мас: ЖК 25-моддаси 2-қисми, ЖК 97-моддаси 1-қисми).

Лекин жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноятга суиқасд қилганлик учун тайинланадиган жазонинг муддати ва миқдори

ЖК Махсус қисми тегишли моддасида ёки қисмида тамом бўлган жиноятлар учун тайинланиши назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги лозим. Мазкур қоидадан истиснолар ҳам мавжуд бўлиб, қуидагилар учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди:

- ўта хавфли рецидивистларга;
- уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан;
- тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жиноятлар учун;
- жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш;
- ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айборга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш;

- ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратында фойдаланиш мүмкінлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни, радиоактив материалларни контрабанда қилиш.

## **9.6. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш тушунчаси ва жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган шахсларнинг жавобгарлиги**

**Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб** - шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни охирига етказиш мүмкінлигини англаған ҳолда тўхтатса, шунингдек жиноий оқибат келиб чиқиши мүмкінлигини англаған ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади.

**Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш икки асосий белги:**

- *ихтиёрийлик* ва *узил-кесиллик* (катъийлик) билан тавсифланади.

**Ихтиёрийлик деганда** – шахс ўзи бошлаган жиноий ҳатти -ҳаракатини охирига етказиш имкони борлигини англаған ҳолда ўз хоҳиши билан ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз тўхтатиши тушунилса;

**Катъийлик деганда эса** - шахснинг жиноий фаолиятини вақтинча тўхтатганлиги эмас, балки охирига етказиш учун тўла имкониятлар борлигини англаған ҳолда жиноий фаолиятини давом эттиришдан бутунлай воз кечганлигини англатади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишда қуидаги шартлар мавжуд бўлиши талаб қилинади:

- шахсда жиноятни охирига етказиш имкони борлигини англағанлиги;

- жиноий оқибат келиб чиқишини билган ҳолда, унинг олди олинганлиги.

**Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш қуидаги жиноят босқичларида амалга оширилиши мумкин:**

- жиноятга тайёргарлик кўришдан;

- жиноят содир этишга қаратилган ҳаракатларни охирига етказишидан (яъни айбдор жиноятни охирига етказишига барча

имкониятлари бўла туриб, ушбу ҳаракатларини охирига етказмаслиги);

- тамом бўлмаган суюқасдан (фақат яроқсиз воситалар билан тажовуз қилганда);

- ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини олдини олишдан.

### ***Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиши жавобгарликни истисно қиласди.***

Яъни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган шахс ҳаракатларини у содир қилмоқчи бўлган ЖК Махсус қисми тегишли моддасида назарда тутилган жиноят билан квалификация қилинмаслиги тушунилади (масалан: шахс қасдан одам ўлдиришдан ихтиёрий қайтса ва одамни ўлдирмаса, унинг ҳаракатлари ЖК 97-моддаси билан квалификация қилинмайди).

Агарда шахс жиноятни охирига етказишдан ихтиёрий қайтганда, то ихтиёрий қайтгунига қадар амалда содир этган қилмишида бошқа бир жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлса, ўша жинояти бўйича умумий асосларда жавобгарликка тортилади. Масалан: шахс қасдан одам ўлдириш учун пичноқ уради, лекин оқибат келиб чиқишини олдини олади ва ўлим келиб чиқмайди. Шахс қасдан одам ўлдириш жиноятидан ихтиёрий қайтган бўлсада, унинг амалда содир этган ҳаракатларида баданга шикаст етказиш жинояти таркиби мавжуд бўлганлиги учун унинг ҳаракати ЖК Махсус қисми “Соғлиққа қарши жиноятлар” бобининг тегишли моддаси билан квалификация қилинади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг ҳуқуқий аҳамияти жавобгарликни истисно қилувчи ҳолат эканлигида кўринади.

<b>Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг тамом бўлмаган жиноятлардан асосий фарқи</b>	
<b>Тамом бўлмаган жиноятлар (жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноятга суюқасд қилиш)</b>	<b>Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш</b>
<ul style="list-style-type: none"><li>- жиноий ҳаракат шахснинг <b>ўзига боғлиқ бўлмаган</b> ҳолатларга кўра охирига етказилмаслиги;</li><li>- тамом бўлмаган жиноятлар умумий асосларда жавобгарликни келтириб чиқаради.</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>- жиноий ҳаракат шахснинг <b>ўзига боғлиқ бўлган</b> ҳолатларга кўра охирига етказилмаслиги;</li><li>- жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликни истисно қилувчи ҳолат ҳисобланади.</li></ul>

## **10-Мавзу: ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ**

### **10.1. Жиноят ҳуқуқида иштирокчилик тушунчаси**

**Жиноятда иштирокчилик деб** - қасдан содир қилинадиган жиноятни икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргалашиб содир этишига айтилади (ЖК 28 моддаси).

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргалашиб, жиноят содир этиши жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини оширади, жиноятни содир этишни, жиноят изларини йўқотишини осонлаштиради. Иштирокчиликда жиноят содир этиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади ва жазонинг оғирроқ турини қўллашни назарда тутади.

Иштирокчиликнинг иккита белгиси мавжуд бўлиб, улар:

- объектив белгилар;
- субъектив белгилар.

**Иштирокчиликнинг объектив белгиларига:**

- биргаликдаги ҳаракат (сифат кўрсаткичи);
- айни бир жиноятда икки ёки ундан ортиқ шахснинг қатнашиши (миқдор кўрсаткичи)ни ташкил этади.

**Сифат кўрсаткичи** - қўйидаги ҳаракатларни содир этилишини англатади. Улар:

- жиноят иштирокчиларининг ҳар бири ўзига юклатилган вазифани (айни бир жиноятнинг объектив томонини ташкил қилувчи ҳаракатларни тўла ёки қисман) содир этишларини назарда тутиши;

- иштирокчилардан бирининг содир этган қилмиши иккинчисининг содир этиши лозим бўлган ҳаракатлари учун шароит яратиб бериши;

- умумий кўринишдаги ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқиши (моддий таркибли жиноятларда) барча иштирокчиларнинг биргаликдаги ҳаракатлари маҳсули сифатида гавдаланиши;

- биргаликдаги ҳаракат ва умумий оқибат ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжуд бўлишлиги.

**Миқдор кўрсаткичи эса** - жиноят содир этишда икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахснинг иштирок этишини, уларнинг ҳар бири жиноий жавобгарлик субъекти ёшига етганлиги ва ақли расо шахс бўлишлигини англатади.

**Иштирокчиликнинг субъектив белгиси** – иштирокчиликдаги жиноят **умумий қасд** орқали содир этилишидир. Чунки шахс:

- содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаши;
- бошқа иштирокчиларнинг ҳам қилмишининг ижтимоий хавфлилигини анлаганлиги;
- ижтимоий хавфли қилмишни бошқа иштирокчилар билан биргаликда содир этишни исташи;
- агар жиноят моддий таркибли бўлса, иштирокчи келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатга кўзи этиши ва шундай оқибатни келиб чиқишини исташи.

Иштирокчилик - эгри қасдан содир этиладиган жиноятларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Лекин жиноят қонуни эҳтиётсизликдан содир қилинадиган жиноятлар иштирокчиликдан содир этилмаслигини таъкидлайди. Эҳтиётсизликдан биргаликда зарар етказиш тушунчasi мавжуд бўлиб, яъни, бир неча шахсларниниг эҳтиётсизликдан жиноят содир этиши бир хил ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқариши, мазкур эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятлар иштирокчиликда содир этилганлигини англатмайди.

## **10.2. Жиноят ҳуқуқида иштирокчилик турлари**

Иштирокчилик ЖК 28-моддасига кўра, жиноятда иштирок этувчи шахсларнинг жиноят содир этишдаги ўрни ва вазифасига кўра қуйидаги турларга бўлади. Улар:

- бажарувчи;
- ташкилотчи;
- далолатчи;
- ёрдамчи.

**Бажарувчи деб** - шахс:

- жиноятнинг объектив томонини бевосита ўзи тўлиқ бажарган шахс;
- жиноятнинг объектив томонини қисман бажарган шахс;
- жиноятнинг объектив томонини биргаликда (бир гурӯҳ шахслар билан) бажарган шахс;

- жиноятнинг объектив томонини жавобгарликка тортиш мумкин бўлмаган (*субъект ёшига етмаган шахслар ёки ақли норасо*) шахслардан фойдаланиб бажарган шахс;

- жиноятнинг объектив томонини жавобгарликка тортиш мумкин бўлмаган воситалар (*ҳайвонлар ёки қурилмалар*)дан фойдаланиб бажарган шахс тушунилади.

**Ташкилотчи деб** - шахс:

- жиноят содир этилишини ташкиллаштирган;

- жиноят содир этилишга раҳбарлик қилган шахс тушунилади.

**Далолатчи деб** - жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс тушунилади. Яъни бошқа бир шахсда жиноят содир этиш истагини уйғотиши тушунилади. Қизиқтириш қуидаги ҳаракатларда ифодаланиши мумкин:

- келишиш;
- оғдириб олиш;
- илтимос қилиш;
- ишонтириш;
- кўндириш;
- буйруқ бериш;
- алдаш ва ҳокозо ҳаракатларда ифодаланади.

Одатда далолатчининг ҳаракати шахс жиноят содир этишга розилик билдирган вақтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади.

Агарда далолатчи ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, шахсни жиноят содир этишга кўндира олмаса, унинг ҳаракатлари ўша жиноятни содир этишга *тайёргарлик қўриш* сифатида квалификация қилинади.

Одатда, далолат аниқ бир объект ёки шахсларга нисбатан қаратилган бўлиши лозим. Жиноят содир этишга даъват этсада, жиноят айнан қайси объектга қарши қаратилишини кўрсатмайдиган ёки умумий даъват қилган шахс далолатчи деб топилиши мумкин эмас.

**Ёрдамчи деб** - жиноят содир этиш ёки жиноят изларини йўқотиш учун ёрдам беришга олдиндан ваъда берган шахсга айтилади.

**Шахс:**

- жиноятни содир этилишига ўз маслаҳатларини бериш;
- кўрсатмалар бериш;
- воситалар бериш;

- тўсиқларни йўқотиш билан қўмаклашишга;
- жиноятчини яширишга;
- жиноят содир этиш қуролини;
- жиноят излари ва воситаларини;
- жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга;

- шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берса - ёрдамчи деб топилади.

Жиноят ҳуқуқида, ёрдамчилик ҳаракатлари ўз аҳамиятига кўра, қуидаги турларга бўлинади:

- тафаккурий ёрдамчилик;
- жисмоний ёрдамчилик.

**Тафаккурий ёрдамчилик** - маслаҳатлар, кўрсатмалар, ахборотлар йиғиб бериш учун олдиндан ваъда бериш шаклидаги ҳаракатларда ифодаланса;

**Жисмоний ёрдамчилик эса** - аниқ ҳаракатларни содир этишда, жиноят содир этиш ёки тўсиқларни йўқотиш учун қурол ёки воситаларини топиб беришда ифодаланади.

№		Иштирокчиларнинг турлари
1.	Бажарувчи	<ul style="list-style-type: none"> <li>- жиноятнинг объектив томонини бевосита ўзи тўлиқ бажарган шахс;</li> <li>- жиноятнинг объектив томонини қисман бажарган шахс;</li> <li>- жиноятнинг объектив томонини бирга-лиқда (бир гуруҳ шахслар билан) бажарган шахс;</li> <li>- жиноятнинг объектив томонини жавоб-гарликка тортиш мумкин бўлмаган (<i>субъект ёшига етмаган ёки ақли норасо</i>) шахслардан фойдаланиб бажарган шахс;</li> <li>- жиноятнинг объектив томонини жавобгарликка тортиш мумкин бўлмаган воситалар (ҳайвонлар ёки қурилмалар)дан фойдаланиб бажарган шахс тушунилади.</li> </ul>
2.	Ташкилотчи	<ul style="list-style-type: none"> <li>- жиноят содир этилишини ташкиллаштирган;</li> <li>- жиноят содир этилишга раҳбарлик қилган шахс.</li> </ul>
3.	Далолатчи	<ul style="list-style-type: none"> <li>- жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс.</li> </ul>
4.	Ёрдамчи	<ul style="list-style-type: none"> <li>- жиноятни содир этилишига ёки жиноят изларни йўқотишга ёрдам бериш учун <b>олдиндан ваъда берган</b> шахс.</li> </ul>

Иштирокчиларнинг турларига кирмайди		
1.	Дахлдорлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>- жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги, жиноят содир этилаётганлиги ёки жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда, ҳокимият органларига хабар қилмаслик;</li> <li>- <b>155<sup>1</sup>-моддаси</b> (Тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғриси-даги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик) ва <b>241-моддаси</b> (Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш)да назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади.</li> </ul>

### 10.3. Жиноят ҳуқуқида иштирокчилик шакллари

**Иштирокчилик шакли деганда** - жиноят содир этишдаги ўзаро алоқадорлик, иштирокчилар ҳаракатини олдиндан тил бириктирган ҳолда амалга оширилиш даражаси, субъектив алоқадорлиги ва хусусиятига кўра фарқ қилувчи бир неча шахсларнинг биргаликдаги ҳаракати тушунилади.

ЖК иштирокчиликни қўйидаги шаклларга бўлади. Улар:

- оддий иштирокчилик;
- мураккаб иштирокчилик;
- уюшган гурух;
- жиноий уюшма.

**Оддий иштирокчилик деб** - икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай қасдан жиноят содир этишда биргалашиб ҳаракат қилишга айтилади.

Бундай ҳолатда икки ёки ундан ортиқ шахснинг олидиндан тил бириктирасдан жиноят объектив томонини биргаликда бажаришлари назарда тутилади. Агар иштирокчилар олдиндан тил бириктирасдан, жиноят объектив томонини биргаликда содир қилсалар, яъни жиноят иштирокчилари фақатгина, **бажарувчилардан** ташкил топса - бу "**“бир гуруҳ шахслар томонидан”**" жиноят содир этиш деб топилади. Бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят содир этиш амалдаги ЖКда умумий тушунчаси берилмаган. Лекин ЖК Махсус қисм айrim моддаларида жиноят таркибининг оғирлаштирувчи ҳолати сифатида назарда тутилган.

**Мураккаб иштирокчилик деб** - икки ёки ундан ортиқ

шахснинг олдиндан тил бириктириб қасддан жиноят содир этишига айтилади.

Мураккаб иштирокчиликнинг “бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб” жиноят содир этишдан асосий фарқи, мураккаб иштирокчиликда, вазифаларнинг тақсимланганлиги, яъни жиноят таркиби объектив томонини биргалашив бажарилмаслигидадир. Агар иштирокчилар олдиндан тил бириктириб, жиноят объектив томонини биргаликда содир қилсалар, яъни жиноят иштирокчиларининг барчаси **бажарувчилардан** ташкил топган бўлса, бу “**бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб**” жиноят содир этиш деб топилади.

**Юшган гуруҳ деб эса** - икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда **жиноий фаолият** олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашишига айтилади.

Ушбу иштирокчилик шаклининг ўзига хос белгиси биргаликда жиноят содир этаётган шахсларнинг мақсадига қараб аниқланади.

Яъни иштирокчилар битта жиноят содир этиш эмас, балки икки ёки ундан ортиқ марта жиноятлар содир этишади ёки содир этишни мақсад қилишади.

**Жиноий юшма деб** – икки ёки ундан ортиқ юшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашишига айтилади.

Яъни жиноий фаолият билан шуғулланиши ўз олдига мақсад қилиб қўйган икки ёки ундан ортиқ юшган гуруҳларнинг бирлашишидан ҳосил бўлган жиноий ташкилот тушунилади.

Жиноий юшма тузишнинг ўзи жиноят қонуни билан тақиқланган ўта оғир жиноят ҳисобланиб, тегишлича ЖК 242-моддаси бўйича жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

№		Иштирокчилик шакллари
1.	оддий иштирокчилик	- олдиндан тил бириктирмасдан, икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан содир қилинадиган жиноятнинг объектив томонини биргалашив содир этиши. Бу “ <i>бир гуруҳ шахслар томонидан</i> ” жиноят содир этиш деб топилади.
2.	мураккаб	- икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил

	иштирокчилик	бириктириб вазифалар тақсимланган ҳолда (бажарувчи, ташкилотчи, ёрдамчи кўринишида) қасдан битта жиноятни содир этишлари.
		- олдиндан тил бириктириб, икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасдан содир қилинадиган битта жиноятнинг объектив томонини биргалашиб (фақат бажарувчилар) содир этишлари. Бу “ <i>бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб</i> ” жиноят содир этиш деб топилади.
3.	уюшган гурух	- икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноий фаолият олиб бориш (икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этиш) учун олдиндан тил бириктириши.
4.	жиноий уюшма	- икки ёки ундан ортиқ уюшган гурухнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашишига айтилади.

#### **10.4. Жиноят иштирокчиларининг жавобгарлиги асослари ва доираси**

Жиноят иштирокчиси қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

ЖК 30-моддасига кўра, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ЖК Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортишни назарда тутадиган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Олдиндан тил бириктирган гуруҳ (мураккаб иштирокчилик), жиноий гуруҳ ва жиноий уюшманинг ташкилотчилари ҳамда аъзолари тайёргарлик кўрилиши ёки содир этилишида ўзлари бевосита қатнашган барча жиноятлари учун жавобгарликка тортиладилар.

Уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёки уларга раҳбарлик қилган шахслар – жиноий уюшма ёки қуролли уюшган гуруҳ ташкил этганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилишлари билан бирга, шу гуруҳ ёки уюшма содир этган барча жиноятлар учун, башарти, бу жиноятлар уларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлсагина, жавобгарликка тортиладилар. Жиноий уюшма ёки

уюшган қуролли гурухнинг бошқа (жиноий уюшмани тузища иштирок этмаган ёки раҳбарлик қилмайдиган) аъзолари фақатгина ўзлари бевосита содир этган жиноятлари учунгина жавобгар бўладилар.

## **10.5. Иштирокчиларнинг ҳаракатларини квалификация қилиш**

Бажарувчининг ҳаракатларида жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлса, уни умумий асосларда жиноий жавобгарликка тортишга ва ЖК Махсус қисм моддаси санкциясида назарда тутилган доирада жазо чорасини тайинлашга сабаб бўлади.

Ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчининг ҳаракатлари эса - бажарувчининг ҳаракатлари квалификация қилинган модда билан квалификация қилинади. Фақатгина ушбу ҳолатда ЖК Махсус қисм моддасини ЖК 28-моддасига ҳавола қилган ҳолда квалификация қилиниши лозим бўлади. Масалан: иштирокчиликда қасдан одам ўлдириш жинояти содир этилган бўлса, бажарувчидан ташқари бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари қуидагича квалификация қилинади:

Бажарувчининг ҳаракатлари ЖК 97-моддаси тегишли қисми ва бандлари билан;

Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчининг ҳаракатлари эса, ЖК 28, 97-моддасининг тегишли қисми ва бандлари билан квалификация қилинади.

Агарда, бажарувчи жиноятга тайёргарлик кўрганлик ёки суқасд қилганлик босқичида тўхтатилган бўлса, бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари ҳам ушбу жиноятни содир этишга тайёргарлик кўриш ёки суқасд қилиш деб квалификация қилинади.

Бу ҳолатда иштирокчиларнинг ҳаракатлари қуидагича квалификация қилиниши лозим бўлади:

- бажарувчининг ҳаракатлари ЖК 25, 97-моддаси тегишли қисми ва бандлари билан;

- ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчининг ҳаракатлари эса, ЖК 28, 25, 97-моддасининг тегишли қисми ва бандлари билан квалификация қилинади.

Иштирокчиларнинг барчasi фақатгина ўзлари иштирок этган ва умумий қасди билан қамраб олинган қилмишлари

учунгина жавобгар бўладилар. Иштирокчиларнинг умумий қасди билан қамраб олинмаган қилмишни содир этган иштирокчи (бажарувчи) содир этган қилмиши учун фақат ўзигина жавобгар бўлади ва бажарувчи эксцесси деб аталади.

<b>№</b>	<b>Иштирокчиликда содир қилинадиган жиноятлар учун жавобгарлик доираси</b>	
1.	Оддий иштирокчилик	<ul style="list-style-type: none"> <li>- агарда, ЖК Махсус қисм моддасининг оғирлаштирувчи қисмида жиноятни “<i>бир гуруҳ шахслар томонидан</i>” содир этиш деб кўрсатилган оғирлаштирувчи ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ҳар бир иштирокчининг ҳаракати ўзи содир қилган ижтимоий хавфли қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва шахснинг жинойлигини тавсифловчи белгиларига қараб алоҳида-алоҳида квалификация қилинади. Ушбу ҳолатда иштирокчиларнинг ҳаракатлари квалификация қилинаётганда ЖК 28-моддасига ҳавола қилинмайди.</li> </ul>
2.	Мураккаб иштирокчилик	<ul style="list-style-type: none"> <li>- агарда, ЖК Махсус қисм моддасининг оғирлаштирувчи қисмида жиноятни “<i>бир гуруҳ шахслар томонидан</i>” содир этиш деб кўрсатилан оғирлаштирувчи ҳолат назарда тутилган бўлса, улар биргалиқда содир қилган ижтимоий хавфли қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва ҳар бир шахснинг жинойлигини тавсифловчи белгиларига қараб, ЖК Махсус қисм моддасининг “<i>бир гуруҳ шахслар томонидан</i>” жиноятни содир этиш деган бандини қўллаган ҳолда квалификация қилинади. Ушбу ҳолатда ҳам иштирокчиларнинг ҳаракатлари квалификация қилинаётганда ЖК 28-моддасига ҳавола қилинмайди.</li> </ul>

		<p>ЖК 28-моддасига ҳавола қилган ҳолда квалификация қилинади;</p> <p>- агарда, иштирокчилар фақат бажарувчилардан ташкил топса ва ЖК Махсус қисм моддасининг оғирлаштирувчи қисмида жиноятни “<i>бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил биректириб</i>” содир этиш деб кўрсатилган оғирлаштирувчи ҳолат назарда тутилган бўлса, улар биргаликда содир қилган ижтимоий хавфли қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва ҳар-бир шахснинг жиноят субъектини тавсифловчи белгиларига қараб, қилмишлари ЖК Махсус қисм моддасининг “<i>бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил биректириб</i>” жиноятни содир этиш деган бандини қўллаган ҳолда ЖК 28-моддасига ҳавола қилинмасдан туриб, квалификация қилинади. Агарда, бундай банд маддада назарда тутилмаган бўлса, суд жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиб жазо тайинлаши мумкин (ЖК 56-моддасида жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилганлиги учун). Ушбу ҳолатда ҳам иштирокчиларнинг ҳаракатлари ЖК 28-моддасига ҳавола қилинмайди.</p>
3.	Уюшган гуруҳ	<p>- ЖК Махсус қисми маддаларининг оғирлаштирувчи қисмида жиноятни “<i>уюшган гуруҳ аъзоси томонидан</i>” ёки “<i>уюшган гуруҳ манбаатларини қўзлаб</i>” содир этиш деб кўрсатилган оғирлаштирувчи ҳолат назарда тутилган бўлса, барча иштирокчиларнинг ҳаракатлари жиноятни амалга оширишдаги ролидан қатъий назар, ўша мадданинг қуйидаги оғирлаштирувчи белгини назарда тутувчи банди билан квалификация қилинади. Бундай ҳолда иштирокчиларнинг ҳаркатлари ЖК 28-моддасига ҳавола қилинмайди. Агарда, бундай банд маддада назарда тутилмаган бўлса, суд жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолат</p>

		сифатида эътироф этиб жазо тайинлаши мумкин. Ушбу ҳолатда ҳам уюшган гурӯҳ аъзоларининг ҳаракатларини квалификация қилинади, ЖК 28-моддасига ҳавола қилинмайди. Агарда уюшган гурӯҳ қуролланган уюшган гурӯҳ бўлса, ушбу уюшган гурӯҳ томонидан содир этилган ҳарқандай жиноят жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилинади. Сабаби, уюшган қуролли гурӯҳ тузиш, унга раҳбарлик қилиш ва унда иштирок этишнинг ўзи ҳам жиноят қонуни билан тугалланган жиноят деб топилиб, ЖК 242-моддаси 2-қисми билан квалификация қилинади.
4.	Жиноий уюшма	- жиноий уюшма ташкилотчиси ёки раҳбарининг умумий қасди билан қамраб олинган ва содир этилган ҳарқандай ижтимоий хавфли қилмиш жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилинади. Яъни, содир қилинган ижтимоий хавфли қилмишни тавсифловчи ЖК Махсус қисм моддаси ва ЖК 242-моддаси билан жиноятлар мажмуи тариқасида. Сабаби жиноий уюшма тузишнинг ўзи ҳам тугалланган жиноят бўлиб, ЖК 242-моддаси билан жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Фақатгина жиноий уюшма <b>раҳбари</b> ёки <b>ташкилотчисининг</b> ҳаракатларигина, жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилинади. Қолган иштирокчиларнинг ҳаркатлари эса, ЖК 242-моддаси билан квалификация қилинмайди, балки ўзлари бевосита содир қилган жиноятлари учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖК Махсус қисм моддаллари билан квалификация қилинади.

## **10.6. Махсус субъектлар томонидан иштирокчиликда жиноят содир этиш**

**Махсус субъектлар томонидан иштирокчиликда жиноят содир этиш деб** - икки ёки ундан ортиқ махсус субъектларнинг қасддан жиноят содир этишда биргаллашиб иштирок этишларига айтилади.

<b>Махсус субъектлар томонидан содир қилинадиган иштирокчилик белгилари</b>	
Объектив белгилари	- жиноятда икки ёки ундан ортиқ шахснинг иштирок этиши.
Субъектив белгилари	- умумий қасднинг мавжудлиги; - иштироқчиларнинг жиноий жавобгарлик субъекти ёшига етганлиги; - барча иштироқчиларнинг махсус субъект белгисига эга эканликлари.

Агар содир қилинадиган жиноят фақат махсус субъектлар томонидан содир этилиши назарда тутилган бўлсада, иштироқчилардан бирортаси ушбу махсус субъект белгисига эга бўлмаса ва жиноят содир этилишида иштирок этса, ушбу ҳолатда жиноят иштироқчиликда содир этилган деб квалификация қилинади.

Яъни махсус субъект белгисига эга бўлмаган шахсларнинг ҳаракатлари иштироқчиликда **ташкилотчилик, далолатчилик** ёки **ёрдамчилик** қилган деб ЖК Махсус қисмининг махсус субъектлар учун жавобгарлик назарда тутилган моддаси билан квалификация қилиниши лозим (масалан: оддий фуқаро мансабдор шахс билан биргаликда пора олиш жиноятини содир этса, оддий фуқаронинг ҳаракатлари ЖК 28, 210-моддаси билан тавсифланади).

#### **10.7. Иштироқчикда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг ўзига хос хусусиятлари**

**Ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи** – жиноят содир этишдан ихтиёрий равишда қайтиб, жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни ўз вақтида кўрган ва бажарувчининг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилган бўлса, иштироқчиликда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади. Бажарувчининг ҳаракатлари эса, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноятга суиқасд қилиш деб квалификация қилинади.

**Бажарувчи жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтса**  
– бошқа иштироқчиларнинг ҳаракатлари содир қилиниши

режалаштирилган жиноятни содир қилишга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш деб квалификация қилинади.

Иштирокчиликда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, жиноятда иштирокчилик учун жавобгарликни истисно қилади.

Агарда, иштирокчилардан бирортаси жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтгунига қадар содир этган қилмишида бошқа бир жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлса, умумий асосларда жавобгарликка тортилади. Ушбу ҳолатда бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари қасдлари қаратилган жиноятга нисбатан тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш деб квалификация қилинади.

## 10.8. Эксцесс бажарувчи

**Эксцесс бажарувчи деб** - бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмишни содир этган бажарувчига айтилади .

Эксцесснинг икки хил қўриниши мавжуд бўлиб, улар:

- сифат кўрсаткичли эксцесс;
- миқдор кўрсаткичли эксцесс.

**Сифат кўрсаткичли эксцессда** - бажарувчининг ҳаракатлари бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган бошқа бир жиноятни содир этишида ифодаланса (масалан: иштирокчилар ўғрилик қилишни келишиб олишади, лекин бажарувчи босқинчилик қилиб чиқади.);

**Миқдор кўрсаткичли эксцессда эса** - бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган жиноятни содир қилади, лекин унинг оқибати бошқа иштирокчилар ўйлаганидан кўра оғирроқ бўлади (масалан: иштирокчилар жабрланувчини қўрқитиб қўйиш мақсадида енгил тан жароҳати етказишни келишиб олишади, бажарувчи жабрланувчига оғир тан жароҳати етказади). Агарда бажарувчи аксинча ҳаракат қилса, барча иштирокчиларнинг ҳаракатлари бажарувчи ҳаракатлари квалификация қилинган модда билан тавсифланади.

Ушбу икки қўринишдаги эксцессда ҳам - бажарувчи ўзи содир этган қилмиши учун фақат ўзигина жавобгар бўлади. Қолган иштирокчиларнинг ҳаракатлари эса - қасд қилинган

жиноятга нисбатан сүиқасд қилиш ёки тугалланган жиноят деб квалификация қилинади.

## 10.9. Жиноятга дахлдорлик тушунчаси ва унинг турлари

**Жиноятга дахлдорлик** – бу бошқа бир тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноят билан боғлиқ бўлган айбли, ижтимоий хавфли қилмиш бўлиб, асосий жиноятда бевосита қатнашиш ёки иштирок этиш деб ҳисобланмайди, бироқ унинг содир этилишига шароит яратади ёки яширилишига ёрдамлашади, бунда асосий жиноятни содир этувчиларга олдиндан ваъда қилинмайди.

Ушбу ҳаракатларга:

- жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги, жиноят содир этилаётганлиги ёки жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда, ҳокимият органларига хабар қилмаслик кўринишида;

- жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганликда ифодаланадиган ҳаракатлар кўринишида амалга оширилади.

Жиноятга дахлдорлик ЖК 155<sup>1</sup>-моддаси ва 241-моддасида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади. Яъни:

- тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактлар ҳақида хабар қилмаслик;

- тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик;

- оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яширганлик учун жавобгарликни келтириб чиқаради.

Жиноятга дахлдорликни иштирокчиликнинг ёрдамчилик туридан асосий фарқи, ёрдамчи олдиндан ваъда берган ҳолда ўз ҳаракатларини содир этса, дахлдор олдиндан ваъда бермаган ҳолда ўз ҳаракатларини амалга оширади.

Жиноятга дахлдорлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди.

## **11-Мавзу: БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИШ**

### **11.1. Жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси ва турлари**

Бир қанча жиноятлар тушунчаси, амалдаги ЖК да берилмаган, лекин жиноят ҳуқуқида **“бир қанча жиноятлар деб”** - бир шахснинг икки ва ундан ортиқ жиноятни содир этиши ва ҳар-бир қилмиши алоҳида жиноят таркибини ташкил қиласиган қилишлар мажмуига айтилади.

Амалдаги жиноят қонунига кўра, бир қанча жиноят содир этишнинг қўйидаги турлари мавжуд. Улар:

- такроран жиноят содир этиш;
- жиноятлар мажмуи;
- рецидив жиноят содир этиш.

Бир қанча жиноят содир этиш, жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилигини ошириб, шахсни жавобгарликка тортиш, жазо тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш масалаларига таъсир қиласиган.

### **11.2. Бир қанча жиноятлар содир этишни алоҳида жиноят содир қилишдан фарқли жиҳатлари**

Бир қанча жиноят содир этиш ўз хусусияти ва аҳамиятига кўра, алоҳида содир қилинадиган (давомли ва узоққа чўзилган) жиноятлардан фарқланади.

**Давомли жиноят деб** - ягона қасд билан қамраб олинган битта жиноят таркибини ташкил қилувчи жиноят объектив томон ҳаракатларини бўлиб-бўлиб бажаришда ифодаланадиган жиноят турига айтилади.

Одатда, ушбу жиноят турида шахс содир этишни истаган ягона жиноятини ташқи томонини ифодаловчи ҳаракатларни турли вақтларда бўлиб-бўлиб бажариши тушунилади.

Қилиш турли вақтларда бажарилсада, тажовуз қилинаётган объект, содир қилиш усули ва оқибат бир хил бўлади. Давомли жиноят бир-неча ҳатти-ҳаракатлардан охиргиси содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Ушбу ҳолатда жиноий ҳаракат шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тўхтатилган бўлса, қилиш

шахснинг содир этишни истаган жиноятига нисбатан суиқасд қилиш деб квалификация қилинади.

Давомли жиноят содир этилиши даврида шахс томонидан бошқа жиноят содир этилган бўлиб, унинг белгилари ЖКнинг давомли жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан қамраб олинмаса, унинг ҳаркатлари ЖКнинг давомли жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи ҳамда бошқа жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

Конунга ўзгартириш киритилиши туфайли содир этилган қилмиш учун жазони оғирлаштирадиган ёки шахснинг (айборнинг) аҳволини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган ҳолатлар назарда тутилган бўлса ва давомли жиноят эпизодларидан ҳеч бўлмагандан биттаси ушбу қонун кучга киргандан кейин содир этилганда, давомли жиноятнинг барча эпизодлари янги қонун бўйича квалификация қилиниши лозим бўлади.

**Узоққа чўзилган жиноят деб** - жиноят қонуни орқали жиноий жазо қўллаш таҳди迪 билан айборга юклатилган вазифаларнинг узоқ вақт мобайнида бажарилмаслигидан иборат бўлган қилмиши тушунилади.

Кўпинча узоққа чўзилган жиноятлар ҳаракатсизлик орқали содир этиладиган қилмиш бўлиб, шахс ўзига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни узоқ вақт мобайнида бажармаслигига ифодаланадиган пассив хулқ-авторида ифодаланади.

Узоққа чўзилган жиноятларда шахснинг ҳаракатлари битта ижтимоий хавфли қилмиш сифатида баҳоланиб, ЖК Махсус қисмнинг битта моддаси билан квалификация қилинади.

Узоққа чўзилган жиноятларда ҳам жиноий ҳаракат ёки ҳаркатсизлик тўхтатилган пайтдан бошлаб, қилмиш тугалланган жиноят деб топилади.

Конунга ўзгартириш киритилиши туфайли содир этилган қилмиш учун жазони оғирлаштирадиган ёки шахснинг (айборнинг) аҳволини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган ҳолатлар назарда тутилган бўлса ва узоққа чўзилган жиноят таркибини ташкил қилувчи ҳаракат ёки ҳаркатсизлик ушбу қонун кучга киргандан кейин ҳам давом эттирилганда, узоққа чўзилган жиноят янги қонун бўйича квалификация қилиниши

лозим бўлади. Бунга сабаб шуки, жиноий қилмиш янги қонун амалга киритилгандан кейин ҳам давом эттирилган ва янги қонун амалда бўлган вақтда тугалланган ҳисобланади.

### **11.3. Такроран жиноят содир этиш тушунчаси**

**Такроран жиноят содир этиш деб** - шахс қасдан содир қилинадиган айнан бир-хил қўринишдаги жиноятни икки ёки ундан ортиқ марта содир этиши ва ушбу жиноятларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган бўлишига такроран жиноят содир этиш деб айтилади.

**Судланмаганик деб** - шахснинг содир этган бирон-бир жинояти учун суд ҳукми чиқиб қонуний кучга кирмагунигача бўлган вақтга айтилади. Яъни шахсга нисбатан суд ҳукми қонуний киргандан кейингина судланган деб ҳисобланади.

Лекин жиноят қонунчилиги, такроран жиноят содир этиш деб топишнинг бир қанча белгилари мавжуд бўлишини талаб қиласи. Ушбу белгилар қуйидагилар:

- шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилиши;
- содир этилган жиноятларнинг фақат қасдан содир этилиши;
- жиноятнинг турли вақтларда содир этилиши;
- жиноятлар ЖК Махсус қисмининг айнан битта моддадасида назарда тутилган бўлиши ва ушбу моддада бир-хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлишилиги (масалан: ЖК 169-моддаси “Ўғрилик”, сабаби модданинг барча қисмларида ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Шунинг учун айбдор турли вақтларда модданинг турли қисмларида назарда тутилган ўғрилик жиноятини бир неча маротаба содир этган холларда ҳам унинг ҳаркatalари такроран ўғрилик қилиш деб баҳоланади.);
- жиноятлар ЖК Махсус қисмининг айнан битта моддаси битта қисмида назарда тутилган бўлишилиги ва ушбу модда қисмида турли жиноят таркиблари учун ҳам жавобгарлик белгиланган бўлишилиги (масалан: ЖК 228-моддаси “Хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланклар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш” биринчи қисми. Яъни айбдор турли вақтларда ушбу модданинг

биринчиси қисмида назарда тутилган турли ҳаракатларни бажариб, бир неча жиноятлари содир этса, унинг ҳаркатлари такроран жиноят содир этиш деб баҳоланади.);

- қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда, жиноятлар турли моддаларда назарда тутилган бўлишлиги;

- шахснинг содир этган жиноятларидан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаслиги каби белгилар мавжуд бўлишини талаб этади.

Агарда, шахс икки маротаба қасдан айнан бир-хил жиноятларни содир қилиб, қонунда белгиланган тартибда, улардан бирортаси учун жиноий жавобгарлиқдан ёки жазодан озод этилган бўлса, унинг ҳаракатлари такроран жиноят содир этиш деб топилмайди.

Агарда, шахс содир этган жиноятлардан бири тугалланган бошқаси тугалланмаган (жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш) жинояти бўлса ҳам, шахснинг ҳаракатлари такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Агарда шахс содир этган жиноятларидан биттасини ёки ҳаммасини иштирокчиликда содир этган бўлса ҳам унинг ҳаракатлари такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Такроран жиноят содир қилиш жавобгарлиқни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиб, ЖК Махсус қисми тегишли моддасининг оғирлаштирувчи қисми билан квалификация қилинади ва ушбу модданинг ўша қисмида назарда тутилган жазо турлари ва миқдорида жазо тайинланади.

Агарда, моддада жиноятни такроран содир қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган бўлса ёки модданинг ўзи бир қисмдан иборат бўлган ҳолларда, суд жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиб, жазо тайинлайди. Лекин тайинланган жазонинг миқдори ЖК Махсус қисмида назарда тутилган модда санкциясининг максимал миқдоридан ошибб кетмаслиги лозим.

#### **11.4. Жиноятлар мажмуи тушунчаси ва турлари**

**Жиноятлар мажмуи деб** - шахс жиноят қонуни турли моддаларида ёки бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, икки ёки бир неча қилмишни қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиши ва уларнинг ҳеч қайсиси учун судланмаган бўлишига айтилади.

Жиноят ҳуқук назариясига кўра жиноятлар мажмуи - ***реал ва идеал жами*** турларига бўлинади.

Жиноятларнинг ***реал жами деганда*** - ЖК Махсус қисми турли моддаларида (модданинг турли қисмларида) назарда тутилган муайян жиноят таркибини ташкил этувчи, жиноий қилмишларни шахс турли вақтларда содир этишига айтилади.

***Идеал жами деганда эса*** - шахснинг битта ҳатти-ҳаракати натижасида ЖК Махсус қисм турли моддаларида ёки бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган камидан иккита жиноят таркиби белгиларини ташкил қиласиган ва қилмиш ушбу нормалардан бирортаси билан ҳам тўлиқ қамраб олинмайдиган жиноят турига айтилади. Масалан: шахс пора предмети сифатида гиёҳвандлик моддасини олиши, ЖК 210-моддаси ва ЖК 271- модалари билан жиноятлари жами сифатида квалификация қилинади.

Жиноят қонунчилиги, жиноятлар мажмуи деб топишнинг ҳам бир қанча белгилари мавжуд бўлишини талаб қиласиган: Ушбу белгилар қўйидагилар:

- шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилиши;
- содир этилган жиноятлар қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилиши;
- жиноятнинг турли вақтларда ёки бир вақтда содир этилиши;
- жиноятлар ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилганлиги;
- жиноятлар ЖК айнан бир моддаси турли қисмларида, башарти турли-хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган қилмишни содир этишлиги;
- шахс содир этган жиноий қилмишларидан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаслиги каби белгилар мавжуд бўлиши талаб этилади.

Агарда, шахс икки маротаба ҳар-хил жиноятларни содир қилиб, қонунда белгиланган тартибда, улардан бирортаси учун жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи деб топилмайди.

ЖК 33-моддасига кўра, жиноятлар мажмуи мавжуд бўлганда айбор шахс ўзи содир этган ҳар бир жинояти учун ЖК Махсус қисми тегишли моддаси ёки модда қисми бўйича жавобгар бўлади.

Агарда, жиноятлар мажмuinи ташкил этувчи барча жиноятларнинг белгилари ЖК Махсус қисм битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятнинг аломатларини ташкил қиласа, содир қилинган қилмиш ушбу модданинг оғирроқ қисми бўйича жавобгарликка тортилади ва жазо тайинланади. Масалан: шахс ЖК 155-моддасидаги “Терроризм” жиноятини биринчи, иккинчи ва учинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бўйича турли вақтларда содир қиласа, унинг ҳаракатлари содир қилган жиноятларининг энг оғири, яъни ЖК 155-моддаси З-қисми тегишли банди билан жавобгарликка тортилиб, жазо тайинланади ва жазо тайинлашда ЖК 59-моддаси қоидалари қўлланилмайди.

Аммо ЖК Махсус қисми бир моддасининг турли қисмларида турли таркибдаги жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, шахс уларнинг ҳар бирини содир этса, қилмиш жиноятлар жами сифатида баҳоланади ҳамда ЖК 59-моддаси қоидасига асосан жазо тайинланади.

### **11.5. Жиноятлар мажмuinинг такроран жиноят содир қилишдан фарқли жиҳатлари**

<b>Такроран жиноят содир этишни жиноятлар мажмуидан асосий фарқ қилувчи хусусиятлари</b>	
<b>Такроран жиноят содир этиш</b>	<b>Жиноятлар мажмуи</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- содир этилган жиноятлар фақат қасдан содир этилиши;</li> <li>- жиноятнинг турли вақтларда содир этилиши;</li> <li>- содир қилинган жиноятлар ЖК Махсус қисмининг айнан бир моддадасида назарда тутилган бўлишлiği, башарти ушбу моддада бир-хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса;</li> <li>- содир қилинган жиноятлар ЖК Махсус қисмининг айнан бир моддаси қисмида назарда тутилган бўлиши, башарти ушбу модда қисмида турли жиноят</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- содир этилган жиноятлар қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлиги;</li> <li>- жиноятнинг турли вақтларда ёки бир вақтда содир этилиши;</li> <li>- содир қилинган жиноятлар ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилганлиги;</li> <li>- содир қилинган жиноятлар ЖК Махсус қисмининг айнан бир моддаси турли қисмларида, назарда тутилган бўлишлiği, башарти ушбу қисмларда турли хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлиши.</li> </ul>

таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлишлиги;	
- қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда, содир қилинган жиноятлар ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган бўлишлиги.	

## **11.6. Рецидив жиноят тушунчаси ва турлари**

**Рецидив жиноят деб** - муқаддам қасдан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати мавжуд бўлган шахс томонидан қасдан янги жиноят содир этилишига айтилади.

**Айлов ҳукми қонуний кучга кирганлиги** тўғрисида шахсга эълон қилинган пайтдан бошлаб, у судланган деб топилади.

Ҳукм эълон қилинган вақтдан бошлаб унинг қонуний кучга кирганлиги маҳкумга эълон қилингунга қадар ўтган вақт ичida қасдан содир этилган янги жиноят рецидив жиноят деб топилмайди. Ушбу ҳолатда шахснинг қилмишлари такоран жиноятлар содир қилиш ёки жиноятлар мажмуи деб квалификация қилинади.

Жиноят қонуни рецидив жиноятни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва муайян жиноятлар учун судланиш сонидан келиб чиқиб:

- оддий;
- хавфли;
- ўта хавфли рецидив жиноятларга бўлади.

**Оддий рецидив жиноят деб** - шахс қасдан содир этилган ҳар қандай жинояти учун судлангандан сўнг (судланганлик муддати тугамасдан туриб), у томонидан қасдан янги жиноят содир этилишига айтилади. Хавфли ва ўта хавфли рецидив Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида квалификация белгиси сифатида кўрсатилган бўлса, оддий рецидив фақат жазони оғирлаштирадиган ҳолат сифатида тан олинади (ЖК 56-моддаси биринчи қисми «н» банди).

**Хафвли рецидив жиноят деб** - шахснинг қасдан илгари содир этган жинояти учун судлангандан кейин (судланганлик муддати тугамасдан туриб) содир этган жиноятига айнан ўхаш янги жиноятни қасдан содир этишига айтилади.

Айнан ўхшаш жиноятлар деганда эса - жиноятларни **такроранлик** белгисини ифодаловчи бир-неча жиноятни содир этишни назарда тутади. Шахсни хавфли рецидивист деб - жиноят қонуни топади. Жиноят хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб квалификация қилиш учун, айбдор судланганлик муддати тугамасдан туриб айнан ушбу турдаги жиноятни яна содир этишининг ўзи етарли ҳисобланади.

**Ўта хавфли рецидив жиноят деб** - илгари оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланиб, судланганлик муддати тугамасдан шахснинг қасддан беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланниши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этишига айтилади.

ЖК 34-моддаси 3-қисмида шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишнинг бир қанча шартлари кўрсатилган. Уларга:

- илгари ўта оғир жинояти учун икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

- илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши.

Фақатгина, суднинг ҳукми билангина шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

**Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишда қуийдаги ҳолатлар эътиборга олинмайди:**

- ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги;

- қонунда белгиланган тартибда судланганлик мухлатининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланганлиги.

Шахснинг қасддан содир этган жинояти учун ҳукм қилиниб, жазо ёки судланганлик муддатини ўтаётган вақтда, ушбу жинояти учун жавобгарликка тортилгунга қадар бошқа жиноятларни содир этганлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари

рецидив жиноят сифатида баҳоланмайди.

Жиноят ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб квалификация қилиш учун айбдор ушбу жиноятни содир этгунига қадар тегишли равишда суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлиши лозим. Яъни, суд ҳукмида шахсга ўта хавфли рецидивист мақоми берилади ҳамда шундан кейингина у томонидан яна ушбу турдаги жиноятлардан бир содир этилса унинг ҳаракатлари ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб тавсифланади.

Ўта хавфли рецидивист мақоми фақатгина, шахсдан судланганлик ЖК 79-моддасида белгиланган тартибда олиб ташлангандагина бекор қилинади.

## **12-Мавзу: ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ**

### **12.1. Қилмишнинг жинойлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси, турлари ва аҳамияти**

Қилмишда жиноят қонунида назарда тутилган жиноят таркибининг аломатлари расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у **ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли** бўлмаса, қилмишнинг жинойлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади.

Шахснинг ҳаракатларида санаб ўтилган учта белгидан бирининг мавжуд бўлишилиги, яъни ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаслиги унинг ҳаркатларини қилмишнинг жинойлигини истисно қилувчи ҳолат деб топишга сабаб бўлади.

Жиноят қонуни берган тушунтиришга кўра, қилмишнинг жинойлигини истисно қилувчи ҳолатлар ижтимоий хавфли эмас, балки ижтимоий фойдали ҳаракат натижасидир (кам аҳамиятли қилмишлардан ташқари).

Қилмишнинг жинойлигини истисно қилувчи ҳолатлар	<ul style="list-style-type: none"><li>- кам аҳамиятли қилмишлар (ЖК 36-м.);</li><li>- зарурий мудофаа (ЖК 37-м.);</li><li>- охирги зарурат (ЖК 38-м.);</li><li>- ижтимоий хавфли қилмишни содир эт-ган шахсни ушлаш чоғида заарар етказиш (ЖК 39-м.);</li><li>- буйруқ ёки бошқача тарздаги вазифа-ни бажариш (ЖК 40-м.);</li><li>- касб ёки хўжалик фаолияти билан боғ-лик бўлган асосли таваккалчилик (ЖК 41-м.).</li><li>- жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш (ЖК 41<sup>1</sup>-м)</li></ul>
---	--

### **12.2. Кам аҳамиятли қилмишлар тушунчаси**

**Кам аҳамиятли қилмиш деб** - жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари (жиноят таркиби) расмий жиҳатдан мавжуд бўлсада, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат

ёки ҳаракатсизликка айтилади (масалан: узумзордан 1 кг узумни эгасининг розилигисиз яширин равишда олиш, ушбу ҳолатда айборнинг ҳаракатларида расмий жиҳатдан ўғрилик жиноятининг таркиби мавжуд бўлсада содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги жуда ҳам кам бўлганлиги сабабли, жиноят сифатида эътироф этилмайди).

Шахс амалда содир этган қилмишини кам аҳамиятли қилмиш деб топишнинг - *объектив ва субъектив* мезонлари мавжуд:

**объектив мезони** - шахс содир этган қилмишининг ташқи томонини ифодалаб, жиноят қонуни билан қўриқланадиган обьектга амалда етказилган зарар миқдорини ифодаласа;

**субъектив мезони** - шахснинг мақсади йўналтирилган зарар даражасини ифодалайди.

Агарда шахснинг қасди кўп ёки жуда кўп миқдордаги зарар етказишга қаратилган бўлиб, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, ўйлаган зарари келиб чиқмаса, унинг ҳаракатлари кам аҳамиятли қилмиш сифатида баҳоланиши мумкин эмас. Ушбу ҳолатда унинг ҳаракатлари қасди қаратилган қилмишига нисбатан тамом бўлмаган жиноят (жиноятга суиқасд қилиш) сифатида эътироф этилади.

### 12.3. Зарурий мудофаа тушунчаси ва ҳуқуқий шартлари

**Зарурий мудофаа деб** - шахс ўзига, бошқа шахсга ёки жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган қонунга хилоф тажовузларни **тажсовузчига зарар етказган** ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилган ҳаракатига айтилади.

Агарда шахс ўз ҳаракатлари билан зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқмаган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноят деб топилмайди ва шахс жавобгарликка тортилмайди.

Зарурий мудофаа ҳуқуқига барча шахслар - хизмати, касби, мавқеи (лавозими)дан қатъий назар бир хилда эгадирлар. Лекин зарурий мудофаа ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларининг мажбурияти саналади.

Бошқа шахсларга ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзгача йўсинда қутулиш имконияти бор йўқлигидан қатъий назар зарурий мудофаа ҳуқуқи ҳар - қандай вақтда шахсга тегишли бўлган ҳуқуқи ҳисобланади.

Зарурий мудофаани қўллашга асос бўлиб - жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектларга қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовузнинг мавжуд бўлиши ҳисобланади. Бунда тажовуз (жиноий ёки жиноий бўлмаган қилмиш) ҳам қасддан ҳам эҳтиётсизликдан содир этилган бўлиши мумкин. Тажовуз субъекти ақли расо ёки ақли норасо шахс, жиноят субъекти ёшига етган ёки етмаган бўлиши мумкин. Тажовуз ақли норасо шахслардан, техника воситалари, ҳайвонлар ва бошқалардан фойдаланиб содир этилган бўлиши ҳам мумкин.

Жиноят ҳуқуқида зарурий мудофанинг қуидаги ҳуқуқий шартлари мавжуд:

Зарурий мудофа		
№	Зарурий мудофа ҳуқуқий шартларининг турлари	Шартлари
1.	Тажовузга нисбатан	<ul style="list-style-type: none"> <li>-жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектларга қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовузнинг мавжудлиги;</li> <li>-ушбу тажовузнинг муқаррарлиги;</li> <li>-ушбу тажовузнинг реаллиги.</li> </ul>
2.	Мудофаага нисбатан	<ul style="list-style-type: none"> <li>-жиноят қонуни билан ҳимоя қилинадиган объектни қўриқлаш мақсадида зарар етказилиши;</li> <li>-зарар фақатгина тажовузчига нисбатан етказилиши;</li> <li>-айни вақтдаги ҳимоя;</li> <li>-мудофаа ҳолатида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаганлиги.</li> </ul>

Тажовузнинг хусусияти ва хавфилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Тажовузнинг олди олинган ёки тугагандан сўнг ва ҳимоя воситаларини қўллаш зарурияти аниқ йўқолганда ҳимояланувчининг тажовуз қилувчига зарар етказганликдаги ҳаракати ҳам зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб ҳисобланмайди.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, **қасдан** содир қилинган қилмиш учун шахс енгиллаштирувчи ҳолатларда жиноий жавобгарликка тортилади (масалан: ЖК 100-модда. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш). Агарда енгиллаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутувчи модда бўлмаса, суд томонидан жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин.

Агарда, шахс зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, **эҳтиётсизлик орқасидан зарап етказса**, унинг ҳаракатлари жиноий жавобгарлик келтириб чиқармайди.

Лекин, шахс тажовузнинг аслида йўқ ва хаёлийлигини била туриб, иш ҳолатларига кўра ҳам уни албатта билиши мумкин бўлгани ҳолда зарап етказса, унинг ҳаракатлари ЖК Махсус қисмининг эҳтиётсизлик орқасидан зарап етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан тавсифланиши лозим.

*Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб зарап етказганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш субъектини* келиб чиқсан оқибатни тавсифловчи жиноят турининг субъект ёшига мувофиқ келган шахсларгина ташкил этади. Масаалан: 15 ёшли шахс зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдирса, унинг ҳаракатларини ЖК 100-моддаси билан квалификация қилиб бўлмайди, чунки ушбу жиноят учун субъект ёши 16 ёш деб белгиланган. Ушбу ҳолатда шахс содир қилган қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Агарда, шахс қасдан зарап етказиш (уришиш, азоб бериш, ўч олиш ва бошқалар) мақсадида хужумнинг келиб чиқишига сабабчи бўлса, бундай ҳаракатларни зарурий мудофаа йўсинда қилинган деб топиш мумкин эмас. Бундай ҳолатларда содир этилган хатти-ҳаракатлар умумий асосларда квалификация қилинади.

## **12.4. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарап етказиш тушунчаси**

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарап етказиш, агар уни ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Етказилган зарар жисмоний ёки мулкий кўринишида бўлиши мумкин. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига ҳар қандай шахс эга. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишни ҳуқуққа хилоф эмас деб топишнинг қуйидаги шартлари мавжуд. Зарар:

- ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсгагина етказилиши;
- ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида етказилиши;
- айборни бошқа бир янги жиноят содир этишини олдини олиш учун ҳокимият органларига топшириш мақсадида етказилиши;
- зарар мажбурий чора ҳисобланиши;
- ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаганлиги.

#### ***Куйидаги ҳолларда зарар етказиши:***

- ушлаш воситалари ва усуулларига;
- қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига;
- шунингдек ушлаш шароитига бутунлай мос келмайдиган, ушлаш зарурати тақозо этмаган ҳолда ушланаётган шахсга қасдан зарар етказиш ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиши деб топилади ва ҳаётга ёки соғлиққа қарши қаратилган жиноят сифатида квалификация қилинади.

### **12.5. Охирги зарурат тушунчаси ва ҳуқуқий шартлари**

***Охирги зарурат деб*** - шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид соловчи хавфни қайтариш учун қонун билан қўриқланадиган бошқа бир ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)га айтилади (масалан: тўсатдан қўчада сизга яқин турган одамнинг соғлиги ёмонлашиб хушидан кетиб қолди, тез ёрдам етиб келгунича вақт ўтиши ҳамда ўша вақтда такси тўхтамаётганлиги ҳамда бошқа чора йўқлиги сабабли сиз бошқа бирорвга тегишли бўлган автомашинани эгаллаб хушидан кетган шахсни касалхонага олиб бордингиз. Ушбу ҳолатда **хавф** – шахс соғлигининг ёмонлашиб қолганлиги бўлса; хавфни

қайтариш учун қонун билан қўриқланадиган бошқа бир ҳуқук ва манфаатларга зарар етказилганлиги эса - ўзгага тегишли автомашинани олиб кетилганлигида ифодаланади.

**Хавф манбаи бўлиб эса** - шахсларнинг ҳаракатлари, ҳайвонларнинг хужуми, табиат кучлари, техника воситаларининг носозлиги ва ҳ.к.лар бўлиши мумкин. Охирги заруратнинг ҳуқуқийлигини белгиловчи шартлар икки гурӯҳга бўлинади:

- таҳдид солаётган хавфга нисбатан ҳуқуқий шартлар;
- мудофаага нисбатан ҳуқуқий шартлар.

Охирги заруратнинг ҳуқуқий шартлари		
№	Гурӯҳи	Шартлари
1.	таҳдид солаётган хавфга нисбатан ҳуқуқий шартлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- хавфнинг бевосита жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга қаратилганлиги;</li> <li>- муқаррарлиги;</li> <li>- реаллиги.</li> </ul>
2.	мудофаага нисбатан ҳуқуқий шартлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- жиноят қонуни билан қўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилганлиги;</li> <li>- хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи йўқлиги;</li> <li>- заарнинг учинчи шахсга етказилиши;</li> <li>- келтирилган зарар олди олинган заарга қараганда камроқ бўлишлиги.</li> </ul>

Шахснинг ҳаракатларини охирги зарурат ҳолатида эмас деб топишнинг шартлари:

- хавфни бошқа воситалар орқали олдини олиш имкониятининг мавжудлиги;
- келтирилган зарар олди олинган заардан ошиб кетишлиги.

Охирги зарурат чегарасидан четга чиқиб, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан зарар етказганлик учун шахс умумий асосларда жиноий жавобгарликка тортилади. Лекин жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ҳолат сифатида суд томонидан қабул қилиниши мумкин.

**Охирги зарурат зарурий мудофаадан қуидаги белгилари билан фарқланади:**

- хавф манбанини фақатгина шахснинггина хулқ атвори ташкил этмаслиги;
- зарар тажовузчига эмас, учинчи шахсга етказилиши;
- зарар етказмасдан туриб, хавфнинг олдини олиш имконияти-нинг мавжуд эмаслиги;
- етказилган зарар олди олинган заарга қараганда камроқ бўлишлиги.

## **12.6. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш**

**Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш деб** - шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказишида ифодаланадиган ҳаракатига айтилади.

Бундай шахснинг ҳаракати жиноят деб топилмайди ва жиноий жавобгарликни истисно қиласди.

Жинойлиги олдиндан аён бўлган буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариб, жиноят содир этган шахс, ўша ноқонуний буйруқ берган шахс билан биргаликда умумий асосларда жавобгарликка тортилади ва уларнинг ҳаракатлари иштирокчиликда содир этилган жиноят деб баҳоланади.

Ғайриқонуний равища берилган буйруқ ёки фармойишни ёхуд мансаб вазифасини бажармаган ёки бузган шахс жавобгарликка тортилмайди. Лекин шахс амалда содир этган қилмишида бошқа бир жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлса, у умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

Айрим ҳолларда буйруқни бажармасликнинг ўзи жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Масалан: ЖК 279-моддаси “Бўйсунмаслик” жиноятида. Шундай ҳолларда шахс ноқонуний равища берилган буйруқ ёки фармойишни бажармаса ва ушбу буйруқнинг ғайриқонунийлигини билмаган бўлса, унинг ҳаракатларини ЖК 279-моддаси билан квалификация қилиниши лозимлигини англаради.

## **12.7. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиш тушунчаси ва аҳамияти**

Ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва жиноят қонуни билан кўриқланадиган

манфаатларга зарар етказишда ифодаланадиган ҳаракат жиноят деб топилмайди.

1.	Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ таваккалчиликнинг асослилиги шартлари.	<ul style="list-style-type: none"><li>- таваккалчилик ижтимоий фой-дали мақсадга йўналтирилган-лиги;</li><li>- таваккалчилик қилмай туриб ижтимоий фойдали мақсадларга эришиб бўлмаслиги;</li><li>- таваккалчилик замонавий илмий техника билимлари ва тажрибаларига мувофиқ келганлиги;</li><li>- жиноят қонуни билан қўриқланадиган бошқа манфаатларга зарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган бўлишлиги.</li></ul>
----	---	--

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилишда кўзланган ижтимоий фойдали натижага эришилмаган ва келтирилган зарар ижтимоий фойдали мақсадга эришиш натижасида олиниши мумкин бўлган фойдали натижадан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам етказилган зарар жавобгарликка сабаб бўлмайди.

**Таваккалчилик одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи, экология ҳалокати ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини била туриб қилинган бўлса, асосли деб топилмайди.**

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчиликнинг охирги заруратдан фарқловчи хусусиятлари қуидагилар:

- хавф билан боғлиқ бўлмаслиги;
- ижтимоий фойдали мақсадга эришишга қаратилганлиги;
- учинчи шахсларга зарар етказилиши мумкинлиги назарда тутилиши;
- етказиладиган зарар чегарасининг белгиланмаслиги.

Тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлар, шу жумладан берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидағи шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик таваккалчиликлари ҳамда бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди

## **12.8. Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиши**

Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиши натижасида ЖК билан қўриқланадиган хуқуқ ва манфаатларга зарар етказилиши жиноят ҳисобланмайди. Бунда мажбурлаш ёхуд қўрқитиши оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлиши лозим. Масалан, шахс (банк ходими, машина ҳайдовчиси ёки қўриқлаш хизмати ходими ва бошқалар)ни унинг ўзини ёки оила аъзосини ўлдириш билан қўрқитиб (талон-тарож, одам ўғирлаш ва бошқалар) содир этишда ёрдам беришга мажбурлаш).

Агарда жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиши оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқариш имкониятини сақлаб қолган бўлса, жиной жавобгарлик масаласи охирги зарурат қоидаларини инобатга олинган ҳолда ҳал этилади. Бунда, жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитишига қарамасдан ўз қилмишини бошқариш имкониятини сақлаб қолганда жавобгарлик масаласини ҳал қилишдан аввал охирги зарурат ҳолатида қилмиш содир этган ёки этмаганлигига аниқлик киритиб олиш лозим бўлади.

## **12.9. Зарурий мудофаа, охирги зарурат, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг фарқли жиҳатлари**

<b>№</b>	<b>Асосий жиҳатлар</b>	<b>Зарурий мудофаа</b>	<b>Охирги зарурат</b>	<b>Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш</b>
1.	Зарар етказувчи нинг мақсади	Тажовузлардан ҳимоя қилиш: - мудофаалану вчининг шахси ёки хукуқларини,	Таҳдид солувчи хавфни қайтариш: - охирги зарурат ҳолатидаги шахснинг	Ҳокимият органларига топшириш: - ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни.

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини;</li> <li>- жамият ёки давлат манфаатларини .</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>шахсига ёхуд ҳуқуқларига,</li> <li>- бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига;</li> <li>- жамият ёки давлат манфаатларига.</li> </ul>	
2.	Заарнинг йўналтирилганлиги	Тажовузчига нисбатан	Учинчи шахсларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига нисбатан	Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан
3.	Зарар етказиш асоси	Қонунга хилоф тажовуз (ижтимоий хавфли қилмиш, яъни ЖК Махсус қисмида назарда тутилган қилмиш)	Таҳдид соловчи хавф (ижтимоий хавфли қилмиш, техноген ёки табиий оғатлар, ҳайвонлар ҳужуми, инсон организмида юз берадиган физиологик жараёнлар, техник сосозлик ва бошқалар.)	Шахснинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этиши
4.	Зарар етказувчи қилмишни содир этилиш вақти	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Бевосита қонунга хилоф тажовуз пайтда;</li> <li>- тажовузнинг реал хавфи вужудга келган пайтда;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Учинчи шахсларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига таҳдид соловчи хавф мавжуд</li> </ul>	- Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ушлаш вақтида (ушлаш вақти жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетгунича ёки

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- бевосита қонунга хилоф тажовуз тугалланганда н сүнг.</li> </ul>	бўлган давр давомида.	<i>жазони ижро этиш муддати ўтиб кетгунича давом этиши мумкин)</i>
5.	Зарар етказиш шароитлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>- бошқа шахсларга ёрдам сўраб мурожаат қилиш;</li> <li>- ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш;</li> <li>- тажовуздан ўзга йўсинда қутулиш имконияти бор-йўқлигининг аҳамияти йўқ</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- бошқа воситалар орқали хавфнинг олдини олиш мумкин бўлмаган шароит бўлиши лозим.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ушлаш воситалари ва усуллари, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига, ушлаш шароитига бутунлай мос келиши лозим.</li> <li>- Ушлаш зарурати тақозо этиши лозим.</li> </ul>
6.	Тажовуз ва хавфни қайтариш усул ва воситалари	мудофааланувчи и томонидан танланган ҳар қандай усул ва воситалар	хавфни қайтаришнинг ягона усули – бу зарар етказиш.	қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига, ушлаш шароитига бутунлай мос келувчи восита ва усуллар.
7.	Етказилган ва олди олинган зарарнинг ўзаро нисбати	мудофааланувчи и томонидан етказилган зарар тажовуз қилувчининг етказган зааридан ошиб кетиши мумкин.	келтирилган зарар олди олинган заарардан ошибб кетмаслиги лозим.	қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига мос бўлиши лозим. Бошқа воситалар орқали ушлаш мумкин бўлмаган деб ҳисобланганда

				садир этган ижтимоий хавфли қилмиш натижасида етказилган заардан ошиб кетиши мумкин.
8.	Чегарадан четга чиқиш	тажовузнинг характери ва хавфилик даражасига бутунлай мувофиқ бўлмаган мудофаани ва бунинг оқибатида тажовузчига ҳеч қандай заруриятсиз қасддан зарар етказилсагина зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади.	бошқа воситалар орқали хавфнинг олдини олиш мумкин бўлса ёки келтирилган зарар олди олинган заардан ошиб кетса охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш деб топилади.	қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфилик даражасига, ушлаш шароитига бутунлай мос келмайдиган, ушлаш зарурати тақозо этмайдиган ҳолда ушланаётган шахсга қасддан зарар етказиши ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш деб топилади.
9.	Фуқаролик -хуқуқий жавобгарл ик масаласи	етказилган зарар, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, тўланмайди. Мудофааланувчи учинчи шахсга зарар етказган бўлса,	етказилган зарар тўланади. Конунда назарда тутилган ҳоллар мустасно. Тўлаш мажбурияти зарарни етказган шахсга, манфаатлари кўзланиб ҳаракат қилинган (зарар	етказилган зарар, ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқилмаган бўлса вужудга келмайди.

		<p>бу зарар тажовуз қилған шахс томонидан тұланағы (жимояланувчи томонидан әмас).</p>	<p>етказилған) учинчи шахс юқлатилиши ёхуд зарарни етказған шахс ҳам, манфаатлари күзланиб ҳаракат қилинған (зарар етказилған) учинчи шахс ҳам зарарни тұлашдан тұлық ёки қисман озод қилиниши мүмкін.</p>	
--	--	---	--	--

## **13-Мавзу. ЖАЗО ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ**

### **13.1. Жиноят ҳуқуқида жазо тушунчаси ва мақсади**

**Жазо деб** - жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки чеклашдан иборат бўлган мажбуров чорасига айтилади.

#### **Жиноий жазо белгилари:**

- жиноий жазо давлатнинг мажбуров чораси ҳисобланади;
- давлат номидан унинг органлари томонидан амалга оширилади;
- жиноий жазо чораси фақат жиноят ишлари бўйича судлар томонидан тайинланади;
- жазо тайинлаш учун жиноий қилмишнинг содир этилганлиги асос бўлади;
- жазо фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан тайинланади;
- жазо шахсни муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маълум вақт оралиғида чеклашида ифодаланади;
- маҳсус ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш фақат жиноят қонунида кўрсатилади;
- судланганлик ҳолатини келтириб чиқаради.

**Жазонинг мақсади** - адолатли ва тўғри жазо тайинланишидан келиб чиқиши кутилган натижা бўлиб, ЖҚ 42-модда 2- қисмига кўра, жазо мақсадига:

- маҳкумни ахлоқан тузатиш;
- маҳкумнинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш;
- маҳкумнинг янги жиноят содир этишини олдини олиш;
- бошқа шахсларнинг жиноят содир этишларини олдини олиш киради.

**Тарбиялаш** - жазонинг алоҳида бир мақсади сифатида жиноят содир этган шахсга жазо қўллаш орқали уни қонунга риоя этиш руҳида тарбиялаш, қонун ва ахлоқ нормаларини ҳурмат қилиш, ҳалол турмуш кечириш ва меҳнат қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

**Жиноий фаолиятни давом эттиришга түсқинлик қилиш эса** - жазонинг маҳсус мақсади сифатида шахсни, жиноят қонуни билан кўриқланадиган манфаатларга қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовузига чек қўйилишини англатади.

**Жиноятни олдини олиш** - жиноят ҳуқуқида иккига умумий ва маҳсус олдини олишга ажратилади.

**Умумий қўринишдаги олдини олиш деганда** - бошқа шахсларнинг ҳам жиноят содир этишларини олдини олишни назарда тутса.

**Маҳсус олдини олиш эса** - маҳкумнинг янги жиноят содир этишини олдини олишни назарда тутади.

### **13.2. Жиноят ҳуқуқида жазо тизими тушунчаси ва турлари**

**Жазо тизими деб** - жиноят қонунида белгиланган тартибда оғирлик даражасига кўра, енгилидан оғирига қараб жойлаштирилган жазо турлари йиғиндисига айтилади.

Амалдаги ЖК 43-моддасига кўра, жиноий жазонинг 10 хил тури мавжуд бўлиб, улар уч гурухга бўлинади.

Жиноий жазо тизими		
№	Жазо гурухлари	Жазо турлари
1.	Асосий жазолар:	<ul style="list-style-type: none"><li>- жарима;</li><li>- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;</li><li>- мажбурий жамоат ишлари;</li><li>- аҳлоқ тузатиш ишлари;</li><li>- хизмат бўйича чеклаш;</li><li>- озодликни чеклаш;</li><li>- интизомий қисмга жўнатиш;</li><li>- озодликдан маҳрум қилиш;</li><li>- умрбод озодликдан маҳрум қилиш.</li></ul>
2.	Қўшимча жазо:	<ul style="list-style-type: none"><li>- ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳ-рум қилиш.</li></ul>
3.	Аралаш турдаги жазо (ҳам асосий ҳам қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин бўлган жазо):	<ul style="list-style-type: none"><li>- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш.</li></ul>

### **13.3. Асосий ва қўшимча жазолар тушунчаси ва турлари**

**Асосий жазолар деб** - фақат ўзи мустақил (якка) кўринишда қўлланиладиган ва жазонинг асосий мақсадини амалга оширишни назарда тутадиган жазо турларига айтилади.

**Кўшимча жазо деб** - жазонинг мақсадини амалга ошириш учун ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган ва асосий жазо тури билан биргаликда тайинланадиган жазо чорасига айтилади.

**Аралаш турдаги жазо деб** - жиноят қонунида назарда тутилган айнан бир жазо турининг содир этилган жиноятлар учун ҳам асосий ҳам қўшимча жазо тури тариқасида тайинланиши мумкин бўлган мажбурлов чорасига айтилади.

**Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш** - ЖҚ Махсус қисмининг аниқ моддалари санкцияларида асосий жазо тариқасида кўрсатилмаган бўлса, ҳар қандай асосий жазо турига, қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин бўлган жазо тури ҳисобланади.

### **13.4. Жарима жазоси**

**Жарима бу** - айбордан давлат даромадига Жиноят қонунида белгиланган миқдорда, яъни базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда пул ундиришdir (ЖҚ 44 - моддаси).

Жарима жазосининг миқдори ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган вақтдаги базавий ҳисоблаш миқдори билан белгиланади. Жарима жазоси шахснинг қонуний кўринишдаги ҳар қандай даромадидан ундирилиши мумкин.

Суд қуйидаги ҳолатларни жаримани ижро этишдан бош тортиш, деб топиши мумкин:

- жаримани тўлаш мумкин бўлмаган ҳолатлар суд томонидан узрли, деб топилмаган бўлса;

- жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар (ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бир ой)да тўлашдан бўйин товласа;

- қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган молмулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш

белгиланган муддат давомида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса;

- жаримани кечиктириб тўлаш муддати тугаганидан кейин ҳам тўланмаган бўлса;

- жиноий жазо тариқасидаги жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган бўлса.

Агар шахс юқорида санаб ўтилган сабаблардан бири бўйича жаримани тўламаса, жарима жазоси жиноят қонунида белгиланган бошқа оғирроқ жазо турлари билан алмаштирилади.

Жарима жазосини алмаштириш тартиби	
	<i><b>Мажбурий жамоат ишлари</b></i> - икки ярим соати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, тўрт юз саксон соатдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.
Жарима жазоси тўланмаса, алмаштирилиши мумкин бўлган жазо турлари ва муддатлари	<i><b>Ахлоқ тузатиши ишлари</b></i> - ҳар бир ойи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн олти баравари миқдордаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.
	<i><b>Хизмат бўйича чеклаш</b></i> - ҳар бир ойи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн олти баравари миқдордаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.
	<i><b>Озодликни чеклаш</b></i> .- ҳар бир ойи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн олти баравари миқдордаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.
	<i><b>Озодликдан маҳрум қилиш</b></i> - ҳар бир ойи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн олти баравари миқдордаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

### **13.5. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси**

**Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш деб** - суд томонидан тайинлаган муддат давомида айбдорнинг:

- корхона, муассаса ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини;

- у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборат бўлган жазо чорасига айтилади.

Ушбу жазо тури қуидаги муддатларга тайинланади:

- 1 йилдан 5 йилгача (асосий жазо тариқасида);

- 1 йилдан 3 йилгача (қўшимча жазо тариқасида).

**Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш** - одатда асосий жазо тариқасида:

- айбдор мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганда;

- ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси санкциясида асосий жазо тури сифатида назарда тутилгандагина тайинланади.

**Қўшимча жазо тариқасида эса** - ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида асосий жазо тариқасида назарда тутилмаган бўлса, ҳар қандай турдаги асосий жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

**Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш** - асосий жазо тариқасида тайинланганда, уни ўташ муддатлари йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланиб, суднинг ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб муддат ўтиши бошланади.

**Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш** - қўшимча жазо тариқасида интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш жазоларига қўшиб тайинланганда, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ушбу жазо турларининг бутун муддатига ва ушбу жазолар ижро этиб бўлингандан кейин суд томонидан тайинланган муддатга ҳам татбиқ этилади. Масалан: айбдорга содир қилган жинояти учун суд беш йилга озодликдан маҳрум қилиш ва икки йилга қўшимча жазо тариқасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларини тайинлади. Айбдор асосий жазо озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ даврида (беш йил мобайнида) ҳам муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган деб ҳисобланади. Ушбу жазони ўтаб бўлгандан сўнг, суд томонидан қўшимча жазо тариқасида икки йиллик муддатга тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини ўташни бошлиши

назарда тутилади. Ушбу қоида фақат, интизомий қисмга жүннатиш, озодликдан маҳрум қилиш жазоларига тааллуқли.

Муайян хуқуқдан маҳрум қилиш жазоси қўшимча жазо тариқасида тайинланганда, уни ўташ муддатларини ҳисоблаш	Асосий жазо турлари	Муайян хуқуқдан маҳрум қилиш жазосини муддатларини ҳисоблаш тартиби
	озодликдан маҳрум қилиш; интизомий қисмга жүннатиш	асосий жазонинг бутун муддатига, бундан ташқари суд хукми билан тайинланган муддатга жорий этилади
	бошқа асосий жазоларга	хукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади
	шартли хукм қилинганда	хукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади

Агарда шахс бир неча жиноятларни содир қилса ва ушбу жиноятларининг бири учун муайян хуқуқдан маҳрум қилиш жазоси асосий жазо тариқасида тайинланса, унда муайян хуқуқдан маҳрум қилиш жазоси бошқа асосий жазо турлари билан бир вақтда ижро этилади. Яъни, жарима ёки муайян хуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жүннатиш, озодликни чеклаш, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари жазоси билан қўшилганда ҳар қайсиси алоҳида ижро этилади (ЖК 61-моддаси). Ушбу ҳолатда муайян хуқуқдан маҳрум қилиш жазоси қўшимча жазо тариқасида тайинлангандаги қоидалар татбиқ қилинмайди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди. Агарда, одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мавжуд бўлмаса.

### 13.6. Мажбурий жамоат ишлари жазоси

Мажбурий жамоат ишлари - маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборат бўлган жазо тури ҳисобланади.

Мажбурий жамоат ишларининг ижросини назорат қилувчи органлар маҳкумлар томонидан мажбурий жамоат ишларини ўталиши мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва ишларининг турини белгилайди.

**Бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлган муддатга** тайинланади ва олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган мухлатда кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади.

Мажбурий жамоат ишлари қуидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

- пенсия ёшига етган шахсларга;
- ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга;
- ҳомиладор аёлларга;
- уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга;
- биринчи ва иккинчи гурӯҳ ногиронларига;
- ҳарбий хизматчиларга;
- чет эл фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсларга.

Маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатини:

- озодликни чеклашнинг бир кунига;
- озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблайди ва озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

### **13.7. Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси**

**Ахлоқ тузатиш ишлари деб** – жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни олти ойдан уч йилгача бўлган муддатга меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлган жазо чорасига айтилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари суднинг ҳукмига мувофиқ:

- маҳкумнинг ўз иш жойида;

- мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

### ***Ахлоқ тузатиш ишлари қуийидаги шахсларга нисбатан тайинланмайды:***

- 16 ёшга тўлмаган шахсларга;
- пенсия ёшига етганларга;
- меҳнатга қобилиятысизларга (тегишинча I ва II-гурух ногиронларига);
- ҳомиладор аёлларга (муддати аҳамият касб этмайди);
- уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар;
- уч ёшгача бўлган болани фарзандликка олган ёки унга нисбатан васий бўлган шахсларга;
- ҳарбий хизматчиларга (чунки уларга ушбу жазо ўрнига хизмат бўйича чеклаш жазоси тайинланади).

Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа - суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тури билан алмаштиради. Жазони ўтишдан бўйин товлаган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди ва алмаштирилгандаги муддат озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосининг минимал муддатларидан кам бўлиши мумкинлиги ҳам аҳамият касб этмайди.

### **13.8. Хизмат бўйича чеклаш жазоси**

***Хизмат бўйича чеклаш деб*** – суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида ҳарбий хизматчини (ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган) муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг маълум миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда мажбурий хизматга жалб қилишдан иборат бўлган жазо турига айтилади.

Ушбу жазо тури фақат қуийидаги ҳолатларда тайинланади:

- суд ҳукми билан айбдор деб топилган хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан;
- ЖК Махсус қисм моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача бўлган муддатга тайинланади;
- ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар содир қилинганда тайинланади;

- контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига тайинланади;

- пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизгача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборат бўлади.

Маҳкум жазони ўтаётган вақтда:

- маҳкумнинг мансаби, ҳарбий ёки маҳсус унвони оширилмайди;

- жазони ўтаган вақт эса, унинг кўп йил ишлаганлик, навбатдаги ҳарбий ёки маҳсус унвон ҳамда пенсия олиш учун асос бўладиган хизмат муддатларига қўшилмайди.

- Жиноят қонунида назарда тутилган ҳолларда ҳарбий хизматчи (ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлардан) бошқа бир турдаги жиноятни содир этганда ва содир этилган қилмиш:

- ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни ташкил қилса;

- оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноятни ташкил қилган бўлса;

- содир этган жинояти учун уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши назарда тутилган ҳоллардагина суд хизмат бўйича чеклаш жазосини озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига тайинлаши мумкин.

### 13.9. Озодликни чеклаш жазоси

**Озодликни чеклаш** - суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқиши чеклашдан иборат бўлган жазо туридир.

Озодликни чеклаш бир ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Суд томонидан озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Суд маҳкумнинг зиммасига қўйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) ҳам юклаши мумкин (бунда қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олинади),:

- муайян жойларга бормаслик;
- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишида иштирок этмаслик;
- муайян фаолият билан шуғулланмаслик;
- муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;
- транспорт воситасини бошқармаслик;
- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий худуддан ташқарига чиқмаслик;
- муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;
- алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик;
- алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига қўйидаги мажбуриятларни юклаши мумкин :

- ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўринини қоплаш;
- ишга ёки ўқишга жойлашиш;
- тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятлар.

Суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин, агар:

- озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаш етган бўлса;
- тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса;
- етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўринини қоплаган бўлса.

Суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин, агар:

- маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товласа;
- суд томонидан ўз зиммасига юкландиган мажбуриятларни бажармаса. Бунда жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Озодликни чеклаш қўйидагиларга нисбатан тайинланмайди:

- ҳарбий хизматчилар;
- чет эл фуқаролари
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахслар.

### **13.10. Интизомий қисмга жўнатиш жазоси**

**Интизомий қисмга жўнатиш деб** – жиноят қонунида назарда тутилган ҳолларда, суд томонидан белгиланган муддат мобайнида шахсни ички тартиби анча қаттиқ бўлган маҳсус ҳарбий қисмга жойлаштириш кўринишидаги жазо турига айтилади.

Ушбу жазо тури фақат:

- муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисига нисбатан татбиқ қилинади;
- ЖК Махсус қисм моддасида назарда тутилган ҳолардагина, уч ойдан бир йилгача бўлган муддатга қўлланилади;
- ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар содир қилинганда тайинланади;
- маҳкумни муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этади;
- жазони ўташ вақти ҳарбий хизматни ўташ муддатига қўшилмайди.

Агарда муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиси томонидан (*ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлардан*) бошқа бир турдаги жиноят содир этилганда жиноят қонунида назарда тутилган ҳолларда суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин. Ушбу ҳолатда интизомий қисмга жўнатиш жазосининг муддати бир йилдан ортиқ бўлиши мумкинлиги аҳамият касб этмайди.

### **13.11. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси**

**Озодликдан маҳрум қилиш деб** - маҳкумни жамиятдан маълум бир муддатга ажратишга айтилади. Маҳкумни жамиятдан ажратиш:

- жазони ижро этиш колониясига юбориш;

- турмага жойлаштириш орқали амалга оширилади.

**Озодликдан маҳрум қилиш** - бир ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади. Бир неча ҳукмлар юзасидан бир неча жазоларни қўшиш тартибида тайинланганда эса - муддат йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин.

**Озодликдан маҳрум қилиш жазоси** аёлларга, олтмиш ёшдан ошган эркакларга **нисбатан тайинланганда** –

тайинланган жазо муддати ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида, қисмида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш жазоси энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖК 46-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ахлоқ тузатиш ишлари жазосини алмаштириш тартибида тайинланганда, унинг муддати олти ойдан камроқ муддатни ҳам ташкил этиши мумкин мумкин.

<b>№</b>	<b>Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш тартиби ва жазони ижро этиш муассасалари турлари</b>	
1.	Эркаклар	<ul style="list-style-type: none"><li>- ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасдан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони <b>манзил-колониялардарда</b>;</li><li>- қасдан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони <b>умумий тартибли колонияларда</b>;</li><li>- илгари қасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида, қасдан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони <b>қаттиқ тартибли колонияларда</b>;</li><li>- ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар, шунингдек афв этиш тартибида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан</li></ul>

		алмаштирилган шахслар ҳам жазони <b>максус тартибли колонияларда</b> ўтайдилар.
2.	Аёллар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга ҳамда қасдан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони <b>манзил колонияларда</b> ўтайдилар;</li> <li>- оғир ва ўта оғир жиноят учун жазони <b>умумий тартибли колонияларда</b> ўтайдилар;</li> <li>- илгари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётганларга, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилганларга нисбатан жазони <b>қаттиқ тартибли колонияларда</b> ўтайдилар.</li> </ul>

Бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашда жазо муддати ЖКнинг ҳар бир моддаси учун алоҳида кўрсатилади. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ колониясининг тури эса, жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлангандан сўнг белгиланади.

**Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиши** - жазонинг муайян қисмига, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга:

- ўта хавфли рецидивистларга;
- оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар (эркаклар ва аёллар)га нисбатан тайинланиши мумкин.

<b>Озодликдан маҳрум қилиш жазоси қуидаги шахсларга нисбатан тайинланмайди.</b>	
<b>Содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси</b>	<b>Шахслар доираси</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик;</li> <li>- эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик;</li> <li>- қасдан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ҳомиладор аёлларга;</li> <li>- уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга;</li> <li>- қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга.</li> </ul>

**Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг яна бир тури - узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш** ҳисобланади. Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ лекин йигирма беш йилдан кам бўлган муддатга, фақатгина:

- жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдирганлик (ЖК 97-моддаси 2-қисми);

- тероризм (ЖК 155-моддаси 3-қисми)да назарда тутилган жиноятни содир этганлик учун тайинланиши мумкин.

**Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси** - қуидаги шахсларга нисбатан тайинланмайди:

- аёлларга;

- ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга;

- олтмиш ёшдан ошган эркакларга.

Агарда жазони манзил-колонияда ўташи тайинланган маҳкум сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилса, суд маҳкумни манзил-колониядан жазонинг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказади.

### **13.12. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси**

**Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси деб** - фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни **махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига** жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратишдан иборат бўлган жазо турига айтилади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақатгина:

- жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдирганлик (ЖК 97-моддаси 2-қисми);

- тероризм (ЖК 155-моддаси 3-қисми)да назарда тутилган жиноятни содир этганлик учунгина тайинланиши мумкин.

**Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси** - қуидаги шахсларга нисбатан тайинланмайди:

- аёлларга;

- ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга;

- олтмиш ёшдан ошган эркакларга (ушбу ҳолатда, биринчи инстанция суди томонидан айбдорнинг хукм чиқариш кунига қадар, апелляция шикояти (протести) берилган ҳолда – иш апелляцияси инстанциясида қўрилган кунга қадар бўлган ёшидан келиб чиқиб қўлланилади).

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тамом бўлмаган жинояtlар учун тайинланиши мумкин эмас.

### **13.13. Ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш жазоси**

**Ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш деб** - қўшимча жазо тариқасида, ушбу унвонга эга бўлган шахс томонидан оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилганда асосий жазога қўшиб тайинланадиган ва шахсни ушбу унвон ёки мукофотдан маҳрум қиладиган жазо турига айтилади.

Ушбу жазо турининг қўлланилиши асослари қўйидагилар:

- жиноят содир этган шахснинг давлат рўйхатида турадиган маълум бир унвон ёки мукофотларга эга бўлганлиги;
- содир этган жинояти ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, оғир ёки ўта оғир жиноятни ташкил қилганлиги;
- жазонинг мақсадига эришиш учун ушбу қўшимча жазо чорасини қўллашнинг зарурлиги.

Ушбу унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиш - олий ҳарбий ёки маҳсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига эга бўлган шахс томонидан оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилганда, *суд ҳукми асосида киритадиган тақдимномасига биноан мазкур унвон ёки мукофотдан ушбу унвон ёки мукофотни берган орган томонидан олиб ташланади*;

Ушбу жазо тури ЖК Маҳсус қисм моддасида назарда тутилган ҳар қандай асосий жазо турига қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

## **14-Мавзу. ЖАЗО ТАЙИНЛАШ**

### **14.1. Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлашнинг умумий асослари**

**Жазо тайинлаш деб** - жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахсга нисбатан ЖК Махсус қисм моддаси санкциясида назарда тутилган жазо (мажбурлов чораси)ни қўлланилиши тушунилади.

Суд жазо тайинлашда:

- ЖК Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада;

- ЖК Умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ;
- содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини;
- қилмишнинг содир қилиниши сабабини;
- етказилган заарнинг хусусияти ва миқдорини;
- айборнинг шахсини;
- жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши шарт.

### **14.2. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар**

ЖК 55-моддасига кўра, қуйидаги ҳолатларни суд жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топади:

- айни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш;
- етказилган заарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;
- оғир шахсий, оиласи шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш;
- мажбуrlаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш;
- жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиши ҳолатида жиноят содир этиш;
- зарурий мудофаанинг, охирги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик

фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш;

- вояга етмаганнинг жиноят содир этиши;
- ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;
- жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқатвори таъсири остида жиноят содир этиш.

Агарда, енгиллаштирувчи ҳолат ЖК Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда яна енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинмайди.

Жазо тайинлашда суд ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

### **14.3. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар**

ЖК 56-моддасига кўра, қўйидаги ҳолатларни суд жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин:

- ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;
- хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;
- айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан;
- ўта шафқатсизлик билан;
- кўпчилик учун хавфли бўлган усулда;
- ёш бола ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;
- жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги;
- умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;
- ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида;
- бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гурух ёхуд жиноий уюшма томонидан;
- илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг

такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;

- мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

Суд содир этилган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, ушбу ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин.

Суд жазо тайинлашда ушбу оғирлаштирувчи ҳолатлардан бошқа ҳолатни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин эмас.

Ушбу оғирлаштирувчи ҳолатлар ЖК Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда яна оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинмайди.

#### **14.4. Енгилроқ жазо тайинлаш**

Суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаши мумкин.

##### ***Енгилроқ жазо тайинлашнинг шакллари:***

- ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинланиши;

- ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазонинг тайинланиши;

- ЖК Махсус қисмининг моддасида қўлланилиши шарт деб кўрсатилган қўшимча жазони тайинланмаслиги киради.

Суд ЖК 57-моддаси 3-қисмида кўрсатилган ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиши мумкин.

#### **14.5. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш**

Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлашда жазо муддати ёки микдори ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслиги керак. Ушбу ҳолатда мазкур қоида

ЖК Махсус қисмида назарда тутилган модда санкциясидаги барча жазо турлариға тааллуқли ҳисобланади.

**Бунинг учун қуидаги шартлар бир пайтнинг ўзида мавжуд бўлиши талаб этилади:**

1) ЖК 55-моддаси биринчи қисмининг "а" (айни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш) ва "б" бандларида (етказилган заарни ихтиёрий равища бартараф қилиш) назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлиши;

2) ЖК 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаслиги.

Мазкур қоида жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг иккичи қисми) ва тероризм (155-модданинг учинчи қисми) билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга татбиқ этилмайди.

#### **14.6. Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш**

Суд тамом бўлмаган жиноятлар (*жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва суиқасд қилганлик*) учун жазо тайинлашда:

- ЖК 54-моддасида кўрсатилган умумий қоидаларни;
- жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини;
- жиноятнинг амалга оширилганлик даражасини;
- жиноятнинг охирига етказилмаганлик сабабларини эътиборга олган ҳолда жазо тайинлаши шарт.

**Суд тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлаганда, жазонинг муддати ёки миқдори** - ЖК Махсус қисми айнан бир моддаси ёки модда қисмида тамом бўлган жиноят учун назарда тутилган жазо турларининг энг кўп (максимал) муддатининг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак.

Ушбу ҳолатда мазкур қоида ЖК Махсус қисмида назарда тутилган модда санкциясидаги барча жазо турлариға тааллуқли ҳисобланади.

Агарда тамом бўлмаган жиноят *аёллар* ва *олтмиш ёшдан ошган эркаклар* томонидан содир этилган бўлса ва содир қилинган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланса, ушбу жазо турининг муддати ЖК 50-моддасида

ушбу шахслар учун тайинланиши назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатининг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги лозим бўлади.

***Мазкур қоида:***

- ўта хавфли рецидивистларга;
- уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига;
- тинчлик ва хавфсизликка қарши қаратилган тамом бўлмаган жиноятлар содир этганларга;
- ЖК 97-моддаси 2-қисмидаги “Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш”га тайёргарлик кўрган ёки суиқасд қилган шахсларга;
- ЖК 118-моддаси 4-қисмидаги “Ўн тўрт ёшга тўлмаганилиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш”га тайёргарлик кўрган ёки суиқасд қилган шахсларга;
- ЖК 119-моддаси 4-қисмидаги “Ўн тўрт ёшга тўлмаганилиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондириш”га тайёргарлик кўрган ёки суиқасд қилган шахсларга;
- ядрорий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни, радиоактив материалларни контрабанда қилишга тайёргарлик кўрган ёки суиқасд қилган шахсларга нисбатан татбиқ қилинмайди.

Ушбу ҳолатларда жазо умумий асосларда тугалланган жиноятлар учун тайинланиши назарда тутилган жазо муддати ва миқдоридан келиб чиқиб тайинланади ва юқорида таъкидланган қоида, яъни ЖК Махсус қисми айнан бир моддаси ёки модда қисмида назарда тутилган жазо турларининг энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги лозим деган қоида татбиқ қилинмайди.

Тамом бўлмаган жиноятлар учун - умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас. Ушбу қоида барча турдаги жиноятларга тааллуқли.

***Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда суд эътиборга олиши лозим бўлган ҳолатлар:***

- қилмишни содир этишда иштирок этган ҳар қайси айбдорнинг жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини;

- иштирокчилик шаклини;
- ҳар қайси иштирокчининг шахсига тегишли бўлган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни;
- ушбу енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар фақат ушбу иштирокчининг ўзига жазо тайинлашда инобатга олинади.

Агарда иштирокчилик шакли содир этилган жиноятнинг ЖК Махсус қисм моддасида алоҳида назарда тутилган бўлса, уни қўшимча равишда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиш мумкин эмас.

#### **14.7. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш**

Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш (ЖК 59- моддаси) бир қанча жиноятлар содир этишнинг - **жиноятлар мажмуи** кўринишига таалуқлидир.

Жиноят қонунида кўзда тутилган, жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш қоидалари қўйидаги ҳолларда қўлланилади:

- қилмиш жиноят қонунининг турли моддалари билан квалификация қилинганда;
- қилмиш ЖК Махсус қисми битта моддасининг бир неча қисмлари билан квалификация қилинганда, башарти ушбу қисмлар турли жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутса;
- шахс бир неча қилмишни содир этган бўлиб, улардан бири тугалланган жиноят тариқасида, бошқалари эса жиноятга тайёргарлик, суиқасд ёки иштирокчиликда содир қилинганда;
- иш бўйича ҳукм чиқарилгандан кейин мақкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айборлиги аниқланганда;
- иш бўйича шахсга айблов ҳукми эълон қилиниб, ушбу ҳукм қонуний кучга кирмасдан шахснинг бошқа бир жиноятни содир қилганда.

**Жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш** деб - суд ЖКнинг 54 -моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси жиноят учун алоҳида жазо тайинлаб, **сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинлашига** айтилади.

Яъни суд содир қилинган барча жиноятларнинг ҳар бири учун алоҳида жазо тайинлайди сўнгра ушбу жазо турларини тўла ёки қисман қўшиб (ЖК 61-моддаси қоидаларига кўра) ёхуд енгилроқ жазо турини оғирроғи билан қоплаб узил-кесил битта жазо турини тайинлайди.

**Жазоларни қўшиш деганда** – турли жазо турларини бир хил қўринишдаги жазо турига айлантирилиб, уларнинг муддатлари қўшилишига айтилади. Ушбу ҳолат бўйича жазо турлари қўшилганда ЖК 61-моддаси қоидаларига қатъий амал қилиниши шарт.

Яъни ЖК 61-моддаси қоидаларига кўра *ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш, мажбурий жамоат ишлари* жазолари бирор бири билан қўшилмайди, балки ушбу жазо турлари фақатгина озодликдан маҳрум қилиш жазосигагина қўшилиши мумкин.

**Жазоларни қоплаш деб** - содир қилинган жиноятлар учун тайинланган турли жазо турларидан энг оғирининг муддати ўзгартирилмасдан бошқа жиноятлар учун ҳам етарли миқдордаги жазо деб ҳисобланган ҳолдаги жазо тайинланишига айтилади.

Ушбу қоида фақат содир этилган жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни ташкил қилганда ёки содир этилган жиноятларнинг биттаси учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёхуд узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда амалга оширилиши мумкин.

Агарда содир этилган қилмишлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра:

Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш		
№	Содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси	Жазо тайинлаш тартиби ва муддатлари
1.	Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни ташкил этса	- тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан <b>қоплаш</b> ёхуд тайинланган жазоларни <b>тўла</b> ёки <b>қисман</b> қўшиш йўли билан (ЖК 61-моддаси қодаларига амал қилган ҳолда) узил-кесил жазо тайинланади. Бунда узил-кесил тайинланган жазо

		муддати содир этилган жиноятлардан энг оғири учун назарда тутилган жазо муддатининг энг қўп қисмидан ёки миқдоридан ортиб кетмаслиги лозим.
2.	Жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи жиноятлардан лоақал биттаси оғир ёки ўта оғир жиноятни ташкил этса	<ul style="list-style-type: none"> <li>- содир этилган жиноятлар учун тайинланган жазоларни <b>тўла</b> ёки <b>қисман қўшиш</b> йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. Агарда жазолар ҳар-хил турдаги асосий жазоларни ташкил этса, жазо тайинлаш ЖК 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазо турларининг енгилини оғирига алмаштирган ҳолда жазо муддатларини тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади. Лекин жазолардан биттаси <b>жарима</b> ёки <b>муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш</b> жазоси бўлса, бошқа жазо турларига қўшилганда ҳар қайси жазо турлари алоҳида ижро этилади.</li> <li>- ушбу ҳолатда, <b>муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш</b> жазоси бошқа асосий жазо турлари билан бир вақтда ижро этилади. (Масалан: шахс содир қилган жиноятларининг бир учун 5 йилга озодликдан маҳрум қилинса, иккинчи бир жинояти учун эса, 5 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинса, маҳкум ушбу икки жазо турини бир вақтда яъни 5 йилда ўтаб бўлади).</li> </ul>
3.	Жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи жиноятлардан биттаси учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса.	<ul style="list-style-type: none"> <li>- бошқа енгилроқ турдаги жазолар узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан қопланиб, узил-кесил узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўзи тайинланади;</li> <li>- ушбу ҳолатда содир этилган жиноят учун тайинланган узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати қанча муддатга тайинланган</li> </ul>

		<p>бўлса, ушбу муддат ўзгартирилмасдан қолдирилади;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- агарда содир этилаган жиноятлардан бири учун <b>жарима</b> ёки <b>муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш</b> жазоси тайинланган бўлса, ушбу жазо турлари узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан қопланмайди, балки ушбу жазо турлари алоҳида ижро этилади;</li> <li>- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан бир вақтда ижро этилади ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бутун муддатига татбиқ қилинмайди.</li> </ul>
4.	Жиноятлар мажмuinи ташкил қилувчи жиноятлардан биттаси учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса	<ul style="list-style-type: none"> <li>- бошқа енгилроқ турдаги барча жазолар умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан қопланиб, узилкесил жазо тайинланади;</li> <li>- ушбу қоида жарима ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосига ҳам таалуқли бўлади.</li> </ul>
5.	Жиноятлар мажмuinи ташкил қилувчи жиноятлардан биттаси учун жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ушбу жазо турлари бошқа жазо турларидан алоҳида ижро этилади. Бунда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси бошқа асосий жазо турлари билан бир вақтда ижро этилади.</li> </ul>
6.	Жиноятлар мажмuinи ташкил қилувчи жиноятлар учун ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазолари тайинланган бўлса	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ушбу жазо турларининг фақат муддатлари қўшилади;</li> <li>- айборнинг иш ҳақидан ёки пул таъминотидан ушлаб қолишининг ҳархил миқдори белгилаган ҳолларда, ушбу жазо турларининг фақат муддатлари қўшилади;</li> <li>- айборнинг иш ҳақидан ёки пул таъминотидан ушлаб қолиш эса, ҳарбир жиноят учун алоҳида ижро этилади.</li> </ul>

Жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган асосий жазога суд айрим жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазоларни ҳам қўшиши мумкин. Бунда:

Алоҳида жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазолар бир турга мансуб бўлса, суд ушбу қўшимча жазо тури учун белгиланган максимал муддат доирасида уларнинг енгилроғини оғирроғи билан қоплаш ёки уларни тўла ёки қисман қўшиш қоидаси орқали узил-кесил жазо тайинлайди.

*Яъни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси бир неча жиноятлар учун қўшимча жазо тариқасида тайинланиб, улар қўшилганда жиноятлар мажмуи тариқасидаги мудати уч йилдан ортиб кетмаслиги лозим.*

Ушбу ҳолатда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси жиноятлар мажмуи учун узил-кесил тайинланган асосий жазо (озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш ва озодликни чеклаш) жазоси муддатига ва суд тайинлаган муддаттага тадбиқ қилинади.

Агарда жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазо турлича бўлса, улар алоҳида-алоҳида ижро этилади.

Иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланган тақдирда ҳам жазо жиноятлар мажмуи тартибида тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталмай қолган қисми қўшилади ва узил-кесил тайинланган жазо муддати биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатидан кам бўлмаслиги лозим. Ушбу ҳолатда шахс томонидан ўтаб бўлинган жазо муддати иккала жиноят учун узил-кесил тайинланган жазо муддатига ҳам тадбиқ этилади (масалан: шахс содир этган ўғрилик жинояти учун 5 йилга озодликдан маҳрум этилди ҳамда у мазкур жазонинг 3 йилини ўтаб бўлганидан кейин ўғрилик жиноятини содир этгунига қадар талончилик жиноятини содир этганлиги ҳам аниқланди. Ушбу ҳолатда суд талончилик жинояти учун ҳам 5 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинланади ва ЖК 59-моддаси қоидаларидан келиб чиқиб жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил шахсга 7 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинланади. Ушбу ҳолатда шахс мазкур жазо муддатининг 3 йилини ўтаб бўлган ҳисобланади ва фақат

қолган 4 йилини ўтаб бериши лозим бўлади).

Агарда жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлар ЖК Махсус қисм битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни ташкил қиласа, ушбу жиноятлар учун жазо тайинлашда ЖК 59-моддасида назарда тутилган жазо тайинлаш қоидалари татбиқ қилинмайди. Ушбу ҳолатда жазо тайинлаш

айбдор шахс ҳаракатлари квалификация қилинган ЖК Махсус қисм моддасининг энг оғир қисми билан жавобгарликка тортилиб, ўша қисм санкциясида назарда тутилган жазо турларидан бири назарда тутилган муддатлар доирасида тайинланади (ЖК 33-моддаси).

Жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда, озодлиқдан маҳрум қилиш жазосининг энг кўп муддати йигирма йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

#### **14.8. Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш**

**Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш деб** - маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин **асосий** ва **қўшимча** жазоларни тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшиб жазо тайинлашига айтилади.

Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш шартлари	<ul style="list-style-type: none"><li>- қилмишнинг қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлиги;</li><li>- шахснинг содир этган жинояти бўйича суд ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги;</li><li>- жиноят юзасидан тайинланган асосий ва қўшимча жазо муддатининг тугамаганлиги;</li><li>- ушбу жазо муддати тугамасдан туриб янги жиноят содир этилиши;</li><li>- ҳукмлар мажмуи бўйича белгиланган жазо янги жиноят учун белгиланган жазонинг ўталмай қолган қисмидан ҳам, илгариги ҳукм бўйича белгиланган жазонинг ўталмай қолган қисмидан ҳам кўпроқ бўлиши лозимлиги.</li></ul>
---	---

**Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда**, озодликдан маҳрум қилиш тариқасида узил-кесил тайинланадиган жазо муддати - йигирма беш йилдан, вояга етмаганларга, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ҳамда аёлларга нисбатан эса - ўн уч түрт ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

<b>Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш тартиби</b>	
Содир этилган жинояллар учун тайинланган жазолар ҳар-хил турдаги жазоларни ташкил қиласа	- жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинланиб, ЖКнинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилинган ҳолда жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади. Ушбу қоида фақатгина, тайинланган жазолардан бири озодликдан маҳрум қилиш жазосини ташкил қилсагина қўлланилади
Жазолар <i>ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш</i> жазоларини ташкил қиласа ва иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб колишнинг ҳар-хил миқдори белгиланган ҳолларда	- жазоларнинг фақат муддатлари қўшилади; - пул таъминотидан ушлаб қолиш миқдори содир этилган ҳар-бир жиноят учун алоҳида- алоҳида ижро этилади
Тайинланган жазолар жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини ташкил қиласа	- ушбу жазо турлари бошқа жазо турларидан алоҳида ижро этилади
Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинланган бўлса	- жазоларни қўшишда енгилроқ турдаги жазони узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан қоплаш ёхуд жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади
Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинланган бўлса	- жазоларни қўшишда енгилроқ турдаги жазони умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади  Ушбу қоида жарима ва муайян хукуқдан маҳрум қилиш жазосига ҳам тааллуқли

Илгариги ҳукм юзасидан ижро әтилмай қолган қўшимча жазолар ҳукмлар жами тариқасида тайинланган асосий жазога қўшиб тайинланади.

<b>Бир неча жиноятлар содир этганлик учун жазо тайинлашнинг бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашдан фарқи</b>	
<b>Бир неча жиноят содир этиш учун жазо тайинлаш</b>	<b>Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилиб, улардан бирортаси учун ҳам судланмаган бўлишлик;</li> <li>- жазо тайинлашда шахс рецидивист, хавфли рецидивист ёки ўта хавфли рецидивист деб топилмаслиги;</li> <li>- агарда содир қилинган жиноятлар жиноятлар идеал жамини ташкил қиласа, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланмаслиги мумкинлиги;</li> <li>- жиноятлар жиноятнинг идеал жами деб топилиб, жазо тайинланган бўлса, жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш қўлланилиши мумкинлиги.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилиб, дастлабки жиноят учун ҳукм чиқарилгандан кейин, то жазо муддати тамом бўлмасдан янги жиноят содир этилишилиги;</li> <li>- қилмиш рецидив жиноят деб топилиши. Шахс хавфли рецидивист ёки ўта хавфли рецидивист деб топилиб, жазо тайинланиши мумкинлиги;</li> <li>- ҳамма вақт оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланишлиги;</li> <li>- ушбу турдаги жазо тайинлашда жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш қўлланилиши мумкин эмаслиги.</li> </ul>

#### **14.9. Жазоларни қўшишнинг ҳисоблаш қоидалари**

Асосий жазоларни қўшиб ҳисоблаш озодликдан маҳрум қилиш жазоси миқдорига қараб белгиланади. ЖК 61-моддасига кўра ҳар-хил турдаги асосий жазоларни қўшганда озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни:

- озодликни чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатишнинг бир кунига;
- ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига;
- мажбурий жамоат ишларининг 4 соатига тўғри келади.

Жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликни чеклаш, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ

тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари жазолари билан кўшилганда ҳар қайси жазо тури алоҳида ижро этилади.

ЖК 61-моддаси қоидаларига қўра *ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш, мажбурий жамоат ишлари жазолари бири-бири билан қўшилмайди*, балки ушбу жазо турлари фақатгина озодликдан маҳрум қилиш жазосигагина қўшилиши мумкин.

Суд жазо тайинлаш вақтида ушлаб туришнинг, қамоқقا олишнинг ёки уй қамоғининг ҳар бир кунини:

- озодликни чеклашнинг, интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига;
- ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига;

- мажбурий жамоат ишларининг 4 соатига тенглаштириб ҳисоблайди (ЖК 62-моддаси). Ушлаб турилган, қамоқда ёки уй қамоғида сақланган шахсга суд томонидан жарима тайинлашда ушлаб туришнинг, қамоқда ёки уй қамоғида сақлашнинг бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг  $1/2$  қисмига тенглаштириб ҳисобга олади.

## **15-Мавзу. ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ**

### **15.1. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси, турлари, аҳамияти ва шартлари**

**Жиноий жавобгарликдан озод қилиш деб** - шахс содир этган ижтимоий хавфли қилмишида айбдорлик масаласи ҳал қилинмасдан туриб, унинг барча ҳуқуқий оқибатларидан уни озод қилишга айтилади. Яъни:

- содир этган ижтимоий хавфли қилмиши учун ЖҚ асосида жавоб бериш мажбуриятидан;
- унинг ҳаракатлари давлат томонидан салбий баҳоланишидан;
- айбдорга жиноий ҳуқуқий таъсир чораларини қўлланилишидан;
- судланганлик ҳолатининг юзага келишидан.

Амалдаги жиноят қонуни жавобгарликдан озод қилишнинг қуидаги турларини кўрсатади:

- жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан;
- қилмиш ёки шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан;
- айбдор ўз қилмишига **амалда** пушаймон бўлганлиги муносабати билан;
- ярашилганлик муносабати билан;
- касаллик туфайли;
- амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш.

Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан ёки амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш - судларнинг мажбурияти ҳисобланса, бошқа турдаги жавобгарликдан озод қилиш турлари судларнинг ҳуқуқи ҳисобланади.

### **15.2. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш**

**Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш деб** - шахс жиноят содир этгандан кейин қонунда назарда тутилган маълум бир муддатлар давомида жиноий

жавобгарликка тортилиши ва жиноят содир этишда айбдор ёки айбдор эмаслиги масаласи ҳал қилиниши лозим бўлган ҳолларда шахс жавобгарликка тортилмаслиги натижасида жавобгарлиқдан озод қилинишига айтилади.

Ушбу муддат – жиноят содир этилган кундан бошлаб то ушбу жиноят иши бўйича суд ҳукми қонуний кучга киргунгача бўлган вақтни ўз ичига олади.

**Жавобгарликка тортиши муддатининг ўтиб кетганилиги муносабати билан жиноят учун жавобгарлиқдан озод қилиш асоси бўлиб:**

- жиноят содир этилган кундан бошлаб то ҳукм қонуний кучга киргунгача бўлган вақтнинг ўтиши;

- содир этилган жиноят ЖК Махсус қисм 150 — 157-моддаларида, 158-моддасининг биринчи қисмида, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 160, 161 ва 244<sup>2</sup>-моддаларидан ташқари жиноятларни ташкил этишлиги;

- жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг тергов ёки суддан яширинмаганлиги ташкил қиласи.

ЖКнинг 64-моддасида жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари белгиланган. Агарда жиноят содир этишда айбдор бўлган шахснинг ушбу муддат давомида жавобгарлик масаласи ҳал қилинмаса, тегишлича жиноий жавобгарлиқдан озод қилиниши белгиланланган.

<b>Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганилиги муносабати билан жиноят учун жавобгарлиқдан озод қилиш</b>		
<b>№</b>	<b>Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси</b>	<b>Жавобгарликка тортиш муддати</b>
1.	ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб.	- икки йил.
2.	унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб.	- тўрт йил.
3.	оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб.	- саккиз йил.
4.	ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб ( <i>минчлик ва инсоният</i> )	- ўн тўрт йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарлиқдан озод қилинади.

	<i>хавфсизлигига қарши жиноятлардан ташқари).</i>	
5.	содир этилган жиноят учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган бўлса.	- муддат суд томонидан ҳал қилинади; - йигирма беш йил ўтиб кетган бўлсада, суд ушбу ҳолатда жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайди ва ушбу жазо тури ижро этилади.
6.	бир қанча жиноят содир этилган бўлса.	муддат ҳар бир жиноят учун содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига қараб, алоҳида алоҳида (ЖК 64-моддаси 4-қисми қоидаларини инобатга олган ҳолда) ҳисобланади.

### ***Агарда жиноят содир этган шахс тергов ёки суддан яширинса:***

Яъни шахс жиноят содир этишда айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинганлиги ҳақида хабардор бўлган кунидан кейин тергов ёки суддан яширинса -

- муддатнинг ўтиши тўхтатилади;
- муддат айбдор ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган кундан бошлаб қайтадан тикланади;
- Агарда, шахс жиноят ишида айбланувчи тариқасида жалб қилинганлиги ҳақида хабардор бўлмасдан туриб, тергов ёки судда қатнаша олмаса жавобгарликка тортиш муддатлари ўтади.
- агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс юқоридаги муддатлар ўтмасдан **қасдан янги** (жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси эътиборга олинмайди) жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади.

Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

- яъни, иккала жинояти учун ҳам жавобгарликка тортиш муддати бир вақтда ўтиши бошланади;

- биринчи содир этган оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳам жавобгарликка тортиш муддатлари қайтадан (янгидан) бошлаб ҳисобланади;

- агар шахс ушбу муддатлар ўтмасдан эҳтиётсизликдан жиноят содир этса, биринчи содир қилган оғир ёки ўта оғир жинояти учун жавобгарликка тортиш муддатлари узилмайди, балки давом этиб кетаверади. Янги эҳтиётсизликдан содир этган жинояти учун ҳам жавобгарликка тортиш муддати алоҳида ҳисобланади.

Агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс юқоридаги муддатлар ўтмасдан *янги жиноят содир этса (айб шакли ва содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси эътиборга олинмайди)*, ушбу муддатлар ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади:

- бундай ҳолларда биринчи содир этилган жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати тўхтатилмайди, балки давом этаверади;

- янги содир этилган жиноят учун ҳам жавобгарликка тортиш муддати бир вақтда давом этаверади.

Агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб 10 йил, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб 25 йил ўтган бўлса ва шахс тергов ёки суддан яширган бўлса ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

### **15.3. Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш**

Ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиниши асослари қуидагилар:

- содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлигини йўқотганлиги;

- жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги.

Содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлигини йўқотиши ёки жиноят содир этган шахс ўзининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган деб топиш ваколати дастлабки тергов ва суд идораларига берилган. Ушбу асос

бўйича жавобгарликдан озод қилиш шарти содир этилган қилмиш юзасидан суд ҳукми чиқмасдан шароит ўзгариши туфайли қилмиш ёки шахс ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотишини назарда тутади.

#### **15.4. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш**

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган заарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Ушбу турдаги жавобгарликдан озод қилишнинг икки: объектив ва субъектив асослари мавжуд.

<b>Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш асослари</b>	
<b>Асослари</b>	<b>белгилари</b>
Объектив асосларига	<ul style="list-style-type: none"> <li>- содир қилинган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни ташкил қилишлиги;</li> <li>- жиноятнинг биринчи марта содир этилганлиги.</li> </ul>
Субъектив асосларига	<ul style="list-style-type: none"> <li>- айбдор ўз айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиши;</li> <li>- чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги;</li> <li>- жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериши;</li> <li>- жиноят туфайли келтирилган заарни ихтиёрий равишда бартараф қилинишлиги;</li> <li>- жамият учун хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги.</li> </ul>

Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш биринчи маротаба ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятга қўл урган, яъни муқаддам судланмаган, иши

тергов ёки судга оширилмаган, тергов ва суддан яширинмаган шахсларга тааллуқлидир.

Шахс қуидаги ҳолларда биринчи марта жиноят содир этган деб топилади:

- олдин ҳеч қандай ЖК билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмишни содир қилмаган бўлса;
- агар шахс илгари ижтимоий хавфи катта бўлмаган кам аҳамиятли қилмишни содир этган бўлса (ЖК 36-моддаси);
- аввалги содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган бўлса (ЖК 64-моддаси);
- қилмиш ёки шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод этилган бўлса (ЖК 65-моддаси);
- томонларнинг ярашганлиги муносабати билан (ЖК 66<sup>1</sup>-моддаси) иш тугатилган бўлса;
- шахс содир қилган жинояти учун амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинган бўлса;
- амнистия акти асосида судланганлиги олиб ташланган бўлса;
- илгари содир этган жинояти учун судланганлик муддати тугатилган ёки тегишли тартибда олиб ташланган ҳолларда, шахс биринчи марта жиноят содир этган шахс деб топилади.

### **15.5. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш**

**Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш деб** – жиноят қонунида белгиланган тартибда жиноят содир этилиши натижасида жабр кўрган шахс (жабрланувчи) билан жиноят содир этишда айбор деб топилган шахснинг ярашиши натижасида айборни суд ажрими асосида жавобгарликдан озод қилишга айтилади.

**Ярашганлик ўзига-хос хусусиятларига эга бўлиб, улар қуидагилар:**

- содир этилган жиноят ЖК 66<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган жиноятларга киритилганлиги;
- жабрланувчи билан ярашиш тўғрисидаги ариза (суд маслаҳатхонага киргунга қадар) суриштирув, дастлабки тергов ва суд мажлисининг исталган босқичида берилганлиги;
- башарти шахс оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун

муқаддам судланган бўлса, унинг ушбу жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган бўлишлиги (агар айбдорда ушбу ҳолатда оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлиги мавжуд бўлса, унга ярашув битими тузишга рухсат берилмайди);

- айбдор ўз айбини тан олиши;

- бир неча жиноят содир этилиб, ушбу жиноятлар ЖК 66<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган жиноятлар дорасига кирсада, такорийлик белгисини бермаслиги;

- етказилган заарнинг қопланиши.

Ярашганлик муносабати билан жавобгарлиқдан озод қилиш мумкин бўлган жиноят турлари ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида тугал келтирилган бўлиб, унинг доираси кенгайтирилиб талқин этилиши мумкин эмас.

Ярашилганлик муносабати билан жавобгарлиқдан озод қилиш ҳуқуқи судларга тегишли бўлиб, судлар бу ҳакда ажрим чиқаради.

## **15.6. Касаллик туфайли жавобгарлиқдан озод қилиш**

Касаллик туфайли жавобгарлиқдан озод қилиш асослари:

- шахс жиноят содир этган вақтида ақли расо шахс бўлганлиги;

- агар жиноят содир этган шахсда хукм чиқарилгунига қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатнинг бузилиши юзага келган бўлса ва ақли норасо деб топилса, жавобгарлиқдан озод қилинади.

Ақли норасо шахсларга нисбатан суд томонидан - тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

Ақли норасо шахслар содир этган қилмишлари учун ЖКнинг 64-моддасида назарда тутилган жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмасдан туриб тузалсалар, улар умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

**Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари** - суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Яъни бундай ҳолда ақли норасо шахсга содир этган ижтимоий хавфли қилмиши учун уни жиноий жавобгарликка тортиш муддати тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси

қўлланилган кундан бошлаб ҳисобланади ва у жиноят содир этган кундан то суд ажрими чиққунгача қадар ўтган вақт жавобгарликка тортиш муддатига қўшилмаслигини англатади.

## **15.7. Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш**

Жиноят содир этган шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасининг 10-бандида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қиласди.

Амнистия акти:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан қабул қилинадиган ҳужжат;
- давлат ва халқ учун муҳим аҳамият касб этувчи саналар муносабати билан қабул қилинадиган ҳужжат;
- амнистия акти қабул қилинган кунга қадар содир этилган жиноятларга нисбатан татбиқ қилинади;
- татбиқ қилиниши мумкин бўлган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик чегараси аниқ белгилаб қўйилади;
- татбиқ қилиниши мумкин бўлган жиноят содир этган шахсларнинг чегараси аниқ белгилаб қўйилади;
- амнистия акти қабул қилингандан кейин уч ойлик муддат давомида – амнистия акти қабул қилингунга қадар содир этилган яъни, терговда бўлган, судда кўрилаётган жиноят ишлари ва жазони ўтаётган ёки судланганлик мақомига эга бўлган шахсларга нисбатан ижро қилиниши.

**Умумий қоидага қўра, амнистия акти** - у чиқарилгунга қадар содир этилган жиноятларга нисбатан татбиқ этилади.

Узоққа чўзилган ва давомли жиноят содир этган шахсларга нисбатан амнистия акти - агар жиноятни ташкил этувчи барча ҳаракатлар амнистия акти кучга киргунга қадар амалга оширилган бўлсагина татбиқ этилади. Амнистия акти асосида шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш давлат томонидан унинг жиноятини эмас, балки шахснинг кечирилишидир.

## **16-Мавзу. ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ**

### **16.1. Жазодан озод қилиш тушунчаси ва турлари**

**Жазодан озод қилиш деб** - суд томонидан жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсни:

- содир этган жинояти учун тайинланган жазодан;
- ушбу тайинланган жазо турини ҳақиқатда ўташдан;
- жазони ўташни давом эттиришдан озод қилишга айтилади.

**ЖК жазодан озод қилишнинг қуидаги турларини ажратиб кўрсатади:**

Жазодан озод қилиш турлари	- жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖК 69- модда).
	- шахснинг ижимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш (ЖК 70-модда).
	- айбдорни амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖК 71-модда).
	- шартли хукм қилиш (ЖК 72-модда).
	- жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖК 73-модда).
	- жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖК 74-модда).
	- касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши оқибатида жазодан озод қилиш (ЖК 75-модда).
	- амнистия акти ёки авф этиш асосида жазодан озод қилиш (ЖК 76-модда).

Жазодан озод қилишнинг айрим турлари шартли равища кўлланилиши назарда тутилади (шартли хукм қилиш ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равища озод қилиш). Яъни, шахс шартли хукм қилинганда ёки жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равища озод қилинганда синов муддати ёки жазонинг ўталмай қолган қисми даврида янги жиноят содир этса, тайинланган жазонинг бутун муддати ёки ўталмай қолган қисми тўлиқ қайта тикланиб, бир-нечча хукм юзасидан жазо тайинланишини ангалатади ва биринчи жинояти учун хукмнинг шартлилигининг бекор қилиниши тушунилади. Яъни, жиноят қонуни ушбу икки турдаги жазодан

озод қилишда айбдорни маълум бир шартларни келажакда бажариши эвазига озод қилишни назарда тутади. Агарда айбдор ушбу шартларни бажармаса, жазо ижро этилиши мумкинлигини назарда тутади. Жазодан озод қилишнинг бошқа турлари эса, шартли ҳисобланмайди.

## **16.2. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш**

**Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилишнинг асоси** - жиноят содир этишда айбдор деб топилиб, жазо тайинлаш тўғрисидаги суд ҳукми қонуний кучга киргандан кейин маълум бир муддат давомида жазонинг ижро этилмаслигидир.

Ушбу муддатлар ЖҚда содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хафлилик даражасига эмас, балки тайинланган жазонинг турига ва миқдорига боғлиқ ҳолда белгиланган.

<b>Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш</b>		
<b>№</b>	<b>Суд ҳукми билан тайинланган жазо тури ва миқдори</b>	<b>Жазони ижро этиш муддати</b>
1.	уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганда.	- уч йил;
2.	беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда.	- беш йил;
3.	ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда.	- ўн йил;
4.	ўн йилдан ортиқ бўлган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда.	- ўн беш йил муддат ичидан жазо ижро этилмаган бўлса, маҳкум асосий ва қўшимча жазолардан озод қилинади.
5.	умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганда.	- муддатлар ўтишини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади;

	<p>- суд муддатлар ўтишини қўлашни лозим топмаса (йигирма беш йил ўтгандан кейин ҳам), умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштиради ва жазо ижро этилади (Масалан: умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига хукм қилинган шахс ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг ақли норасо бўлиб қолганлиги учун унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўланилди. У 28 йилдан кейин соғайиб кетди. Ушбу ҳолатда суд жазони ижро этиш муддатини ўтмаган деб ҳисобласа, тайинланган умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирган ҳолда жазо тайинлайди).</p>
--	--

#### Жазони ижро этиш муддати қўлланилмайдиган ҳолатлар

1.	шахс 150 — 157-моддаларида, 158-моддасининг биринчи қисмида, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 160, 161 ва 244 <sup>2</sup> -моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганда, суд томонидан ЖК маҳсус қисмида ушбу жиноятлар учун назарда тутилган модда санкциясидаги ҳар қандай жазо тури тайинланганда.	тайинлаган жазо тури ва миқдорининг қандай даражада бўлишидан қатъий назар, жазони ижро этиш муддати тайинланмайди ва ҳар қандай муддатдан кейин ҳам жазо ижро этилади.
----	--	---

Агар маҳкум суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташдан бўйин товласа:

- жазони ижро этиш муддати икки баравар кўпаяди;
- жазони ижро этиш муддати маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган кундан бошлаб қайтадан ҳисобланади;
- ижро этиш муддати йигирма беш йилдан ошмаслиги керак.

Агар жазо тайинланган кундан бошлаб шахс жазони ўташдан бўйин товлаган бўлсада, йигирма беш йиллик муддат ўтган бўлса жазо ижро этилмайди.

### **16.3. Шахснинг ижтимоий хавфилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш**

Жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишига ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

Шахснинг ижтимоий хавфилик хусусиятини йўқотишига иккита омил сабаб бўлади:

- шароит (вазият)нинг ўзгариши – объектив омил;
- намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишига бўлган ҳалол муносабати – субъектив омил.

Ушбу қоида бўйича маҳкумни жазодан озод қилишнинг ягона асоси – шахснинг иши судда кўрилаётган вақтгача намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишига ҳалол муносабати билан ўзининг ижтимоий хавфилик хусусиятини йўқотганлигидир.

Ушбу қоида бўйича маҳкумни жазодан озод қилишда у содир этган жиноятининг ижтимоий хавфилик даражаси аҳамият касб этмайди.

### **16.4. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш**

Айба иқрор бўлиш, етказилган зарарни қоплаши, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериши жиноий жазо мақсадларига эришилганлик тўғрисида гувоҳлик беради. Ундан ташқари, айрим ҳолларда жазони қўлламаслик янада таъсирироқ бўлади. Суд ушбу ҳолатларни инобатга олиб, жазо

тайинламасдан туриб ҳам айборни ахлоқан тузатиш мумкин деб ҳисобласа айборни амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиши мумкин. Лекин ушбу қоидага асосан шахсни жазодан озод қилиш учун, жиноят қонуни бир қанча асослар мавжуд бўлишини талаб қилади.

<b>Айбор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш асослари</b>	
<b>Асослари</b>	<b>Белгилари</b>
Объектив асосларига	<ul style="list-style-type: none"> <li>- содир қилинган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят бўлишлиги;</li> <li>- жиноятнинг биринчи марта содир этилганлиги.</li> </ul>
Субъектив асосларига	<ul style="list-style-type: none"> <li>- айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиши;</li> <li>- жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган бўлиши;</li> <li>- жиноят содир этилгандан кейин етказилган зарарни ихтиёрий равища бартараф қилинганлиги;</li> <li>- чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;</li> <li>- шахснинг жамият учун хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги.</li> </ul>
<b>Бошқа шахслар билан биргалик (иштирокчилик)да жиноят содир этганда</b>	
Объектив асосларига	<ul style="list-style-type: none"> <li>- содир қилинган жиноят оғир ёки ўта оғир жиноят бўлишлиги;</li> <li>- содир қилинган жиноятда бажарувчи сифатида шахснинг иштирок этмаганлиги.</li> </ul>
Субъектив асосларига	<ul style="list-style-type: none"> <li>- айбини бўйнига олиш тўғрисида шахснинг ўзи ёки вакили арз қилганлиги;</li> <li>- чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;</li> <li>- жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини фош қилишга ёрдам берган бўлишлиги;</li> <li>- шахснинг жамият учун хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги.</li> </ul>

## **16.5. Шартли ҳукм қилиш орқали жазодан озод қилиш**

Суд томонидан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланган асосий жазо турини ҳақиқатда ўтамасдан туриб, ахлоқан тузалиш имконини бериши тушунилади.

Шартли ҳукм қилиш:

- озодликдан маҳрум қилиш;
- интизомий қисмга жўнатиш;
- хизмат бўйича чеклаш;
- ахлоқ тузатиш ишлари каби жазо турлари тайинланган вақтда тадбиқ қилиниши мумкин.

*Суд ушбу жазо турларидан бири учун шартли ҳукмни қўллашда эътиборга олиши лозим бўлган ҳолатлар:*

- содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини;
- айборнинг шахсини ва ишдаги бошқа ҳолатларни;
- маҳкумни тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш мумкинлигини;
- шартли ҳукм орқали маҳкумни ахлоқан тузатиш мумкинлигини.

Шартли ҳукм маҳкумга синов сифатида маълум бир муддатга ўзининг ахлоқан тузалганлигини кўрсатиши учун тайинланади ва синов муддати:

*- бир йилдан уч йилгача белгиланиб,* ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.

Шартли ҳукм қилинганда, маҳкумга синов муддати давомида суд асослар мавжуд бўлса, маълум бир мажбуриятларни юклаши мумкин. Ушбу мажбуриятларга:

- етказилган зарарни бартараф қилиш;
- ишга ёки ўқишга кириш;
- яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш;
- вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш;
- муайян жойларда бўлмаслик;
- муайян вақтда яшаш жойида бўлишлик;
- алкогализм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил

касаллигидан даволаниш курсини ўташ кабилар кириши мумкин.

Шартли ҳукм қилинганлар устидан назоратни:

- ички ишлар органлари;
- ҳарбий хизматчилар хулқи устидан эса, ҳарбий қисм ёки муассасанинг қўмондонлиги олиб боради.

Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

***Одатда, шартли ҳукм қуидаги шахсларга нисбатан тадбиқ қилинмайди:***

- ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга (ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гурӯҳ ногиронлари, аёллар, шунингдек, олтмиш ёшдан ошган эркаклар бундан мустасно);

- илгари қасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди (ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гурӯҳ ногиронлари, аёллар, шунингдек, олтмиш ёшдан ошган эркаклар бундан мустасно).

Агарда шахс шартли ҳукм қилингандан кейин ўша иш бўйича ҳукм чиқарилгунга қадар бошқа жиноятда айборлиги аниқланса, ушбу ҳолат жазонинг шартлилигини бекор қилиш учун асос бўла олмайди. Бундай ҳолда ЖК 59-моддаси қоидалари қўлланилмайди ва биринчи ҳамда иккинчи иш бўйича чиқарилган ҳар қайси ҳукм алоҳида алоҳида ижро қилинади.

Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд биринчи иш бўйича жазонинг шартлилигини бекор қиласди ва унга нисбатан ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар (бир неча ҳукм) юзасидан жазо тайинлади.

## **16.6. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш**

Фақатгина, **озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига** ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Шунингдек, шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкин.

Маҳкумга нисбатан, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш асослари қуйидагилар:

- маҳкумга озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг тайинланганлиги;
- маҳкум жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги;
- содир этган жинояти учун тайинланган жазо муддатини маълум бир қисмини ҳақиқатда ўтаганлиги;
- маҳкум содир этган жинояти ЖК 97-моддаси 2-қисми, ЖК 118 - моддаси 4-қисми, ЖК 119-моддаси 4-қисми ва “Ўзбекистон Республикасига қарши”, “Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят”лар содир этиш, “жиноий уюшма ташкил этиш”, “ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуролларини, шундай қуролларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни, контрабанда қилиш” жиноятларини ташкил этмаслиги.

**Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш асослари**

<b>№</b>	<b>Маҳкум содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси</b>	<b>Маҳкум жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш учун тайинланган жазони ҳақиқатда ўтаганлиги</b>
1.	ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятдан иборат бўлса.	суд тайинлаган жазо муддатининг камидан бир қисмини.
2.	оғир жинояти ташкил қиласа; илгари қасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган	суд тайинлаган жазо муддатининг камидан ярмини.

	шахс, қасддан содир этган жинояти учун.	
3.	ўта оғир жиноятни ташкил қилса; шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса.	суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин кўлланилиши мумкин.

Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қуийдаги маҳкумларга нисбатан қўлланилмайди:

- умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга;
- ўта хавфли рецидивистларга;
- уюшган гурӯҳ ёки жиноий уюшманинг ташкилотчиси ва қатнашчиларига;
- жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбордога аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиши ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, Ўзбекистон Республикасига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, жиноий уюшма ташкил этиш, ядрорий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуролларини, шундай қуролларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни, контрабанда қилиш учун ҳукм қилинган маҳкумларга.

**Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан** - суд ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлайди.

## 16.7. Жазони енгилроғи билан алмаштириш

Жиноят қонуни алоҳида ҳолларда жазони енгилроғи билан алмаштиришни назарда тутади. Бундай ҳолларда маҳкум

жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинади, лекин жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ турдаги жазо билан алмаштирилади. Жазони енгилроғи билан алмаштириш жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишдан фарқли равища шартсиз ҳисобланади.

**Жазони енгилроғи билан алмаштириш:**

- озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳкумларга;

- озодликни чеклаш жазоси тайинланган маҳкумларга;

- ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган маҳкумларга;

- жазо тизимидағи ушбу уч жазо турига нисбатан енгилроқ турдаги жазо турига суд жазонинг ўталмаган қисмини алмаштиришини назарда тутади.

**Маҳкумга нисбатан, жазони енгилроғи билан алмаштириш қоидаларини қўллаш асослари:**

- маҳкумга озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги;

- маҳкум жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги;

- содир этган жинояти учун тайинланган жазо муддатини маълум бир қисмини ҳақиқатда ўтаганлиги;

- маҳкум содир этган жинояти ЖК 97-моддаси 2-қисми, ЖК 118-моддаси 4-қисми, ЖК 119-моддаси 4-қисми ва "Ўзбекистон Республикасига қарши", "Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят"лар содир этиш, жиноий уюшма ташкил этиш, ядрорий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуролларини, шундай қуролларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни, контрабанда қилиш жиноятларини ташкил этмаслиги.

<b>Жазони енгилроғи билан алмаштириш асослари</b>		
<b>№</b>	<b>Маҳкум содир этган жиноягининг ижтимоий хавфлилик даражаси</b>	<b>Маҳкум жазони енгилроғи билан алмаштириш учун тайинланган жазо муддатини ҳақиқатда ўтаганлиги</b>
1.	ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятдан иборат бўлса	суд тайинлаган жазо муддатининг камида 1/4 қисмини
2.	оғир жиноятни ташкил қиласа;	- суд тайинлаган жазо

	илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахс, қасддан содир этган жинояти учун	муддатининг камида 1/3 қисмини. (судланганлик муддатининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аҳамият касб этмайди)
3.	ўта оғир жиноятни ташкил қилса; шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмагай қолган қисми мобайнида <b>қасддан янги жиноят</b> содир этганлиги учун хукм қилинган бўлса	суд тайинлаган жазо муддатининг камида $\frac{1}{2}$ қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин

**Озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда** - ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш жазоларининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади ва алмаштирилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси уч йилдан ортиқ бўлиши ҳам мумкин.

Жазоси енгилроқ турдаги жазо тури билан алмаштирилган маҳкумлар жазонинг тегишли қисмини ўтаб бўлганларидан кейин жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қоидаларига биноан жазодан муддатидан илгари озод қилинишлари мумкин.

**Жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса** - суд унга ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ алмаштирилган жазо турини янги содир этилган жиноят учун тайинланган жазо турига қўшиб, бир неча хукм юзасидан жазо тайинлайди.

## 16.8. Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши оқибатида жазодан озод қилиш

Шахсда хукм чиқарилганидан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келса, шунингдек жазони

ўташга тўсқинлик қиласидиган бошқа оғир касалликка чалиниб қолса, жазони ўташдан озод қилиниши лозим.

Ушбу қоида бўйича шахсни жазодан озод қилиш асоси:

- шахс жиноят содир этганликда айбдор деб топиш тўғрисидаги суд хукмининг қонуний кучга кирганлиги;

- шахсда ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келганлиги;

- жазони ўташга тўсқинлик қиласидиган бошқача оғир касалликка чалиниб қолганлиги.

**Ушбу асослар бўйича жазодан озод қилинган шахсга** - суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаши мумкин.

Бундай шахслар тузалганларидан кейин эса – содир этган жиноятлари учун тайинланган жазо турининг ижро этиш муддатлари ўтиб кетмаган бўлса, жазонинг тўлиқ ёки ўталмай қолган қисми ижро этилади. Ушбу ҳолатда жазони ижро этиш муддатлари жазонинг ўталмай қолган қисмидан эмас, балки суд ҳукми билан тайинланган жазонинг бутун муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади ва жазони ижро этиш муддатлари тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Интизомий қисмга жўнатиш ёхуд хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар, уларнинг соғлиғи ҳарбий хизмат учун яроқсиз деб топилган бўлса:

- улар жазони ўташдан озод қилинадилар;
- ҳарбий хизматдан ҳам озод қилинадилар.

Хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчи аёлларга эса - улар ҳомиладорлик ва туғиши таътили берилиши муносабати билан ҳам жазони ўташдан озод қилинишлари мумкин.

Мажбурий жамоат ишларига ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазони ўташ вақтида:

- меҳнатга яроқсиз бўлиб қолсалар;
- ёхуд пенсия ёшига етган бўлсалар;
- шунингдек аёллар бу турдаги жазони ўтаётган вақтда ҳомиладорлик ва туғиши таътилига чиқсалар, жазони ўташдан озод қилинадилар.

## **16.9. Амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш**

Ҳукм этилган шахс амнистия акти ёки афв этиш асосида:

- асосий жазодан озод қилиниши;
- ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиниши;
- жазодан муддатидан илгари шартли равиша озод қилиниши;
- унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.

*Агарда, шахс амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан муддатидан илгари шартли равиша озод қилиш ёхуд жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган бўлса, жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасдан янги жиноят содир этса - суд унга ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлайди.*

Амнистия ва авф этиш ўзининг юридик табиатига кўра суд органига тааллуқли бўлмаган актлар ҳисобланиб, уни қабул қилиш ваколати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Ўзбекистон Республикаси Президентига тегишлидир.

**Авф этиши эса** – Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқариладиган ҳуқуқий акт бўлиб, ушбу акт асосида жиноят содир этган шахс суд томонидан тайинланган жазодан озод қилиниши ёки жазо енгиллаштирилиши ёхуд бошқасига алмаштирилиши мумкин.

Жазодан озод қилиш шартлари авф этиш актининг ўзида кўрсатилади. Одатда авф этишда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси эътиборга олинмайди.

Амнистия актининг авф этиш актидан фарқлари:	
Амнистия акти:	Авф этиш акти:
- Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдими билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қабул қиласиди;	- Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади;
- аниқ шахс ёки аниқ жиноят турларига қаратилмайди;	- аниқ шахсларга ёки аниқ бир турдаги жиноятларга қаратилади;
- содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олади;	- содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олмайди;
- жавобгарликдан ва жазодан озод қиласиди;	- фақат, жазодан озод қиласиди;

<p>- маҳкум жазони ҳақиқатда ўтаган муддати эътиборга олинмайди.</p>	<p>- маҳкум жазони ҳақиқатда ярмини ўтаб бўлгандан кейингина қўлланилиши мумкин (умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси бундан мустасно).</p>
--	--

Авф этишни сўраб, одатда маҳкум илтимоснома билан мурожаат қиласи. Агарда, маҳкум умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган бўлса тайинланган жазонинг *йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлган бўлгандан кейин* авф этишни сўраб илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

Агарда маҳкум:

- жазони ўташ даврида қатъий тузалиш йўлига кирган;
- жазони ижро этиш даврида белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган;
- меҳнатга ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлаётган;
- тарбиявий тадбирлар ўтказишида фаол иштирок этаётган бўлса, тайинланган жазонинг *йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин*, авф этишни сўраб илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

Авф этиш тўғрисидаги илтимоснома узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахс томонидан тайинланган жазонинг *йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин* мурожаат қилиши мумкин.

Агарда маҳкум:

- жазони ўташ даврида қатъий тузалиш йўлига кирган;
- жазони ижро этиш даврида белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган;
- меҳнатга ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлаётган;
- тарбиявий тадбирлар ўтказишида фаол иштирок этаётган бўлса, тайинланган жазонинг *ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин*, авф этишни сўраб илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

## **17-Мавзу: СУДЛАНГАНЛИК**

### **17.1. Жиноят ҳуқуқида судланганлик тушунчаси, хуқуқий аҳамияти ва оқибатлари**

**Судланганлик** - шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатdir.

**Судлангалик** - жазо тайинланганлиги тўғрисидаги айлов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошланади ва у тугаллангунга ёки олиб ташлангунга қадар давом этади.

**Яъни судланганлик** – шахс суд томонидан тайинланган жазонинг тўлиқ муддатига ва жазо ижро этиб бўлингандан кейинги маълум бир муддатга “судланган шахс” деб юритилиши тушунилади.

Судланганлик ҳуқуқий аҳамияти (судланганлик муддати тегишли равища тугалланмаган ёки олиб ташланмаган вақтда):

- ЖКда назарда тутилган ҳолларда, (жазо тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш вақтида);
- шахс янги жиноят содир этганда (рецидив жиноят деб топишда)гина аҳамиятга эга бўлади.
- судланганлик ўзининг ҳуқуқий аҳамиятини йўқотиши ва унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлиши асослари:
- судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги;
- судланганликнинг олиб ташланганлиги муносабати билан изоҳланади.

Агарда шахс:

- жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайдиган ҳолларда;
- содир қилинган жиноят учун тайинланган жазони ўтаб бўлиниши билан судланганлик ҳолатининг тугалланиши қонунда белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади ва унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

### **17.2. Судланганлик ҳолатининг тугалланиши**

**Судланганлик ҳолатининг тугалланиши** деб - яъни, судланганлик ўзининг ҳуқуқий аҳамиятини йўқотиши ва унинг барча ҳуқуқий оқибатларининг бекор бўлишига айтилади.

Шахснинг судланганлик ҳолатини тугалланишини жиноят қонуни қуидаги пайтларнинг ўтиши билан белгилайди:

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши		
№	Жазо турлари ва муддатлари	Судланганликнинг тугалланиш вақти
1.	мажбурий жамоат ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазолар тайинланган бўлса	- ушбу жазо турлари ўтаб чиқилган кундан бошлаб;
2.	жарима жазоси; муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш; ахлоқ тузатиш ишлари жазолари тайинланган бўлса	- жазо ижро этилган; ўтаб бўлинган кундан кейин кейин - бир йил ўтгач;
3.	озодликни чеклаш жазоси тайинланган бўлса	- жазо ўталганидан кейин - икки йил ўтгач;
4.	беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса	- жазо ўталганидан кейин - тўрт йил ўтгач;
5.	беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса.	- жазо ўталганидан кейин - етти йил ўтгач;
6.	ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса.	- жазо ўталганидан кейин - ўн йил ўтгач шахс судланмаган деб ҳисобланади.
7.	ўн беш йилдан кўп бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса.	- судланганлик муддати тугалланмайди балки, суд томонидан олиб ташланади (ЖК 79-моддаси талабларига мувофиқ).
8.	шартли ҳукм қилинганларга нисбатан эса.	- синов муддати тугаган кундан бошлаб судланганлик муддати тугаган ҳисобланади.

### 17.3. Судланганликнинг олиб ташлаш

**Судланганликнинг олиб ташланиши деб** – озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқсан шахсни маълум бир асослар мавжуд бўлганда, ЖКда судланганлик ҳолатининг

тугалланиши учун назарда тутилган муддатлар тўлиқ ўталмасдан туриб, судланганлик ўзининг ҳукуқий аҳамиятини йўқотиши ва унинг барча ҳукуқий оқибатларидан шахсни озод қилишга айтилади.

**Судланганликнинг олиб ташланиши** - суд томонидан унинг ажрими асосида ёхуд тегишли авф этиш ёки амнистия акти асосида амалга оширилади. Бунда шуни инобатга олиш керакки, фақат **озодликдан маҳрум қилинган шахсларга** нисбатангина судланганликни олиб ташлаш қоидалари қўлланилиши мумкин. Жиноят кодекси 13-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

**Судланганликни олиб ташлаш асоси:**

- жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиқсан шахснинг ўзи берган **илтимосномаси** ҳисобланади.

Судланганликни олиб ташлаш учун жазони ўтаб чиқсан шахс қуидаги талабларни бажарган бўлиши шарт. Улар қуидагилар:

- шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо қўлланилмаган бўлишлиги;

- интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлишлиги;

- судланганлик ҳолатининг тугалланиши учун назарда тутилган муддатларнинг камида  $\frac{1}{2}$  қисми ҳақиқатда ўтаган бўлишлиги.

**Агарда шахс:**

- ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқсан;

- ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлса - улар жазони ўтаб чиққанидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Бошқа асослар мавжуд бўлганда ҳам судланганлик олиб ташланиши мумкин. Улар қуидагилар:

- ЖКнинг 13-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган асослар (Жиноят қонунинг орқага қайтиш кучи) мавжуд бўлган тақдирда ҳам судланганлик олиб ташланиши мумкин;

- судланганлик афв этиш ёки амнистия акти асосида ҳам олиб ташланиши мумкин.

ЖКнинг 178–184, 185–185<sup>2</sup>, 189–192-моддаларида назарда

тутилган жиноятларни содир этганлик учун хукм қилинган шахсларнинг судланганлиги улар давлатга жуда кўп зарар етказмаганда, ЖКнинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камидан тўртдан бир қисми ўтганидан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин.

#### **17.4. Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликни олиб ташлаш муддатларини ҳисоблаш**

<b>Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликни олиб ташлаш муддатларини бошланиш вақти</b>		
<b>№</b>	<b>Шахсга тайинланган жазо турлари</b>	<b>Судланганлик муддатларини бошланиш вақтини ҳисоблаш</b>
1.	асосий жазо тури тайинланган бўлса	- ушбу жазо тури тўлиқ ўтаб бўлинган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланади.
2.	асосий ва қўшимча жазолар тайинланган бўлса	- ушбу жазо турлари тўлиқ ўтаб бўлинган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланади.
3.	шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган бўлса	- судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган жазонинг амалда (ҳақиқатда ўталган) ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади (Масалан: шахс олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса ва жазо муддатини тўрт йилини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан сўнг муддатидан илгари озод қилинса, унинг судланганлик муддати ушбу тўрт йиллик муддати ўтганидан бошлаб ҳисобланади.).
4.	ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса	- енгилроғи билан алмаштирилган жазони ўтаб бўлганидан кейин иккала жазо муддатидан келиб чиқиб белгиланади ва ушбу жазо турлари ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади. - шу билан бирга енгилроқ жазо тури жазоларни қўшиб ҳисоблаш қоидаларига мувофиқ оғирроқ жазо турига қўшилиши керак (ЖК назарда

		тутилган ҳолларда). Бундай ҳолатда ЖК 61-моддаси назарда тутылган қоидалардан келиб чиқиб ҳисобланади.
5.	жарима жазоси тайинланган бўлиб, жазо тури бошқа оғирроқ жазо тури билан алмаштирилган бўлса.	- судланганлик муддати алмаштирилган жазо ҳақиқатда ўтаб бўлинган кундан бошлаб ҳисобланади.
6.	ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган бўлиб, жазо тури бошқа оғирроқ жазо тури билан алмаштирилган бўлса.	- судланганлик муддати алмаштирилган жазо ҳақиқатда ўтаб бўлинган кундан бошлаб ҳисобланади.
7.	шахс жиноятлар жами бўйича хукм қилинган бўлса.	- судланганлик муддати барча жиноятлар мажмуи учун тайинланган жазони амалда ўтаб бўлинган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолатининг муддати тугамай туриб яна жиноят содир этса:

- судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилади;
- илгари содир этган жиноят учун судланганлик ҳолатининг тугаш муддати охирги содир этилган жиноят учун (асосий ва қўшимча) жазони амалда ўтаб бўлган кунидан бошлаб ҳисобланади;
- ушбу ҳолатда биринчи жинояти учун судланганлик муддати тўлиқ қайтадан ҳисобланмайди балки, судланганликнинг қолган муддатини давом эттиради.

## **18-Мавзу. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

### **18.1. Жиноят ҳуқуқида вояга етмаганлар жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари**

Жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга:

- тарбиялаш мақсадидаги мажбуров чораларини қўлланилиши;
- жазо чораси тайинланиши мумкин.

Жиноят содир этган вояга етмаган шахс деганда – ижтимоий хавфли қилмишни содир қилган вақтда 13 ёшдан юқори, 18 ёшга тўлмаган шахслар тушунилиб, уларга қуйидаги жазо турлари тайинланиши мумкин:

- жарима;
- мажбурий жамоат ишлари;
- ахлоқ тузатиш ишлари;
- озодликни чеклаш;
- озодликдан маҳрум қилиш.

Үн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазо турлари тайинланиши мумкин эмас.

### **18.2. Вояга етмаганларга нисбатан жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш жазоларини тайинлаш**

#### **Жарима жазоси**

**Жарима жазоси бу** – жиноят содир этган вояга етмаган шахсдан давлат даромадига базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан йигирма бараваригача бўлган пул миқдорининг ундирилиши тушунилади.

Ундириладиган пул миқдори:

- вояга етмаган шахснинг шахсий маблағидан;
- унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчиларидан олиниши мумкин.

Агарда, маҳкум жарима тўлашдан олти ой муддат мобайнида бўйин товласа:

- суд тўланмаган жарима миқдорини мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштиради. Бунда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жарима мажбурий жамоат ишларининг икки

соатига, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридаги жарима ахлоқ тузатиш ишларининг бир ойига тенглаштириб ҳисобланади.

### **Мажбурий жамоат ишлари**

Мажбурий жамоат ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан тайинланади. Муддати олтмиш соатдан икки юз қирқ соатгача белигиланган. Бунда вояга етмаганларнинг:

- соғлиғига ва маънавий жиҳатдан ривожланишига зарар етказмаслиги;
- ўқиш жараёнини бузмаслиги лозим.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгacha бўлган шахслар томонидан мажбурий жамоат ишларини бажариш муддати:

- олти ой давомида кунига икки соатдан ошмаслиги (агар қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса);
- бир йилгача бўлган муҳлатда кунига икки соатдан ошмаслиги (маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда) керак.

Маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бунда мажбурий жамоат ишларининг тўрт соати озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисобланади.

Жазони ўташдан бўйин товланилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

### **Ахлоқ тузатиш ишлари**

**Ахлоқ тузатиш ишлари** – жиноят содир этган вояга етмаган шахсни мажбурий меҳнатга жалб қилиш кўринишидаги жазо тури саналади.

Ахлоқ тузатиш ишлари:

- фақат меҳнатга лаёқатли бўлган вояга етмаганларга нисбатан тайинланади;
- ўзи ишлаб турган жойида ўташ шарти билан тайинланади;
- агар айбдор ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўташ тариқасида тайинланади;

- бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади.

**Умумий қоидага қўра** - шахс ўн олти ёшга тўлгандан сўнг меҳнатга лаёқатли ҳисобланади.

Ўн олти ёшга тўлмаганлар қўйидаги ҳолларда меҳнат шартномаси асосида меҳнатга жалб қилиниши мумкин:

- ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқищдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

**Агарда, вояга етмаган шахс тайинланган ахлоқ тузатиш ишларининг ўндан бир қисмидан кўпроғини уташдан бўйин товласа** - суд бу жазонинг ўталмай қолган қисмини ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар уч кунини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради.

### **Озодликни чеклаш**

Озодликни чеклаш - вояга етмаганларга нисбатан асосий жазо чораси сифатида олти ойдан икки йилгача муддатга тайинланади.

### **18.3. Вояга етмаганларга нисбатан Озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш**

**Озодликдан маҳрум қилиш** деб – жиноят содир этишда айборд деб топилган вояга етмаган шахсни маълум бир муддатга тарбия колонияларига жойлаштириш орқали жамиятдан ажратишига айтилади.

**Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси** – олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади.

Жиноят қонунида назарда тутилган ҳолларда ушбу муддатлар кўпроқ бўлиши мумкин. (ЖК 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолатлар).

<b>Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш муддатлари</b>			
<b>№</b>	<b>Жиноят содир этган пайтда вояга етмаган шахснинг ёши</b>	<b>Содир этилган жиноятнинг ижтиомий хавфлилик даражаси</b>	<b>Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатлари</b>
1.	ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача	- ижтиомий хавфи катта бўлмаган жиноятни ташкил қиласа	- озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайди
		- унча оғир бўлмаган жиноятни ташкил қиласа	- озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайди
		- оғир жиноятни ташкил қиласа	- олти ойдан олти йилгача;
		- ўта оғир жиноятни ташкил қиласа,	- олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади
2.	ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача	- ижтиомий хавфи катта бўлмаган жиноятни ташкил қиласа	- озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайди
		- унча оғир бўлмаган жиноятни ташкил қиласа	- озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайди
		- оғир жиноятни ташкил қиласа	- олти ойдан етти йилгача
		- ўта оғир жиноятни ташкил қиласа	- олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади

**Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазоси қуидаги ўзига хос хусусиятларга эга:**

- жазо муддатининг қисқалиги;
- жазонинг фақат тарбия колонияларда ўталишлиги;
- вояга етмаганнинг жиноят содир этиш вақтидаги ёши ва содир этган жиноятининг хавфлилик даражасига қараб озодликдан маҳрум қилиш жазосининг табақалаштирилганлиги.

## **18.4. Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлаш**

**Вояга етмаганларга жазо тайинлаш деб** - жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган вояга етмаган шахсга нисбатан ЖК Махсус қисм моддаси санкциясида назарда тутилган жазони (мажбурлов чорасини) қўлланилишига айтилади.

Суд вояга етмаган шахсга жазо тайинлашда:

- ЖК Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада;
- умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ (ЖК 82, 83, 84, 85 – моддалари) муддатларига мувофиқ ҳолда тайинланади;
- содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини;
- қилмишнинг содир қилиниши сабабини;
- етказилган заарнинг хусусияти ва миқдорини;
- айборнинг шахсини;
- жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни;
- вояга етмаганнинг ривожланганлик даражасини;
- турмуш шароити ва тарбиясини;
- соғлигини;
- содир этган жиноятининг сабабларини;
- катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади.

**Ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларга** - жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати - ўн ийлгача муддатга тайинланади.

**Агарда содир этилган жиноятларнинг биттаси ўта оғир жиноят бўлса** - ўн икки ийлгача тайинланади.

**Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахсга** - жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси - ўн икки ийлгача муддатга тайинланади.

**Агарда содир этган жиноятларнинг биттаси ўта оғир жиноят бўлса** - ўн беш ийлгача муддатга тайинланиши мумкин.

**Вояга етмаган шахсларга бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинланганда** - озодликдан маҳрум қилиш жазосининг

муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак

Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда - суд ЖКнинг 72-моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин.

## **19-Мавзу. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ВА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ**

### **19.1. Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш тушунчаси ва турлари**

Вояга етмаганларни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг икки хил тури мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

**Умумий кўринишдаги ва маҳсус кўринишдаги** жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш.

Умумий кўринишдаги жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш - ЖК XII ва XIII боблардаги асослар билан жавобгарлик ва жазодан озод қилишни назарда тутса, маҳсус кўринишдаги жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш эса:

- мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарлик ва жазодан озод қилишни назарда тутади.

**Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш** -иши вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга топшириш орқали амалга оширилиши мумкин. Бундай қарорга келиш асослари:

- шахс жиноят содир этиш вақтида 18 ёшга тўлмаганлиги;
- ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганлиги;

- содир этилган қилмишнинг хусусиятлари, айборнинг шахси ва бошқа ҳолатларнинг мавжуд бўлиши лозимлиги каби ҳолатлар ташкил этади.

**Вояга етмаганларни жиноий жазодан озод қилиш шартлари эса қуйидагилар:**

- унга оғир бўлмаган (беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган) жиноятни биринчи марта содир этганлиги;

- ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этганланлиги;

- шахс жиноят содир этиш вақтида 18 ёшга тўлмаганлиги;
- содир этилган қилмишнинг хусусиятлари, айборнинг шахси ва бошқа ҳолатларнинг мавжуд бўлиши лозимлиги каби ҳолатлар ташкил этади.

Ушбу асослар билан жазодан озод қилинган вояга етмаган шахсга нисбатан - мажбурлов чоралари қўлланилади.

<b>Вояга етмаганларни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш асослари</b>	
Жиноий жавобгарликдан озод қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- шахс жиноят содир этиш вақтида 18 ёшга тўлмаганлиги;</li> <li>- ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганлиги;</li> <li>- содир этилган қилмишнинг хусусиятлари, айборнинг шахси ва бошқа ҳолатларнинг мавжуд бўлиши лозимлиги каби ҳолатлар мавжудлиги;</li> <li>- ишнинг вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларро комиссияга топширилиши.</li> </ul>
Жиноий жазодан озод қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- унга оғир бўлмаган (беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган) жиноятни биринчи марта содир этганлиги;</li> <li>- ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этганланлиги;</li> <li>- шахс жиноят содир этиш вақтида 18 ёшга тўлмаганлиги;</li> <li>- содир этилган қилмишнинг хусусиятлари, айборнинг шахси ва бошқа ҳолатларнинг мавжудлиги;</li> <li>- вояга етмаган шахсга мажбурлов чораларининг қўлланилиши.</li> </ul>

Агарда, вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишнинг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаса - суд жазо ўрнига мажбурлов чорасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт.

## **19.2. Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш**

***Вояга етмаган шахсларга нисбатан жиноий жазо ўрнига қуидаги мажбурлов чоралари қўлланилади:***

- суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш;

- ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган заарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Агарда, етказилган заар белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса қўлланилади. Бошқа ҳолларда етказилган заар фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ундирилади;

- вояга етмаган шахсни маҳсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

Амалдаги қонунчиликка мувофик, вояга етмаган шахсларга мўлжалланган бундай ўқув-тарбия муассасалари:

- ўн бир ёшдан ўн олти ёшгача (умумий ўрта маълумот олишни тугалламаган) бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган мактаб;

- ўн беш ёшдан (умумий ўрта маълумот олишни тугаллаганлар) ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларига бўлинади.

Ихтисослаштирилган мактабда вояга етмаганлар - ўн олти ёшга тўлгунча, ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида эса - вояга етмаганлар ўн саккиз ёшга қадар сақланиши мумкин. Истисно ҳолларда тарбияланувчиларнинг ихтисослаштирилган мактабда бўлиши улар 17 ёшга тўлгунларига қадар узайтирилиши мумкин.

Вояга етмаганлар ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида хулқи тузалгунига қадар бўладилар, бироқ З йилдан ортиқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатда назарда тутилган, вояга етмаганларнинг ихтисослашган ўқув-тарбия муассасаларида сақланиши, тарбияланиши ва таълим олишига тўсқинлик қиласиган жисмоний нуқсонлари ва касалликлари бор вояга етмаганлар ихтисослашган мактабга ва касб-хунар коллежига жойлаштирилиши мумкин эмас.

### **19.3. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равища озод қилиш**

Содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга, озодликни чеклашга ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равища озод қилиш тартиби қўлланилиши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равища озод қилиш:

- содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса;
- содир этган жинояти учун озодликни чеклаш жазоси тайинланган бўлса;
- содир этган жинояти учун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган бўлса;
- ушбу жазо турлари учун белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган;
- меҳнат ва ўқишига ҳалол муносабатда бўлган вояга етмаган маҳкумга нисбатангина қўлланилиши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равища озод қилиш:

- ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини;
- оғир жинояти учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;
- ўта оғир жиноят учун, шунингдек, қасдан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасдан содир этган этган жиноят учун озодликдан маҳрум этишига ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин қўлланилиши мумкин.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилган вояга етмаган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасдан янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ушбу ЖКнинг 60 ва 86-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди. Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддати – ўн беш йилдан ошиб кетмаслиги лозим.

Агарда, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилган вояга етмаган шахс жазонинг ўталмаган қисми

мобайнида эҳтиётсизликдан янги жиноят содир этса, фақатгина содир этган янги жиноят учун жазо тайинланади.

#### **19.4. Жазони енгилроғи билан алмаштириш**

Содир этган жинояти учун **озодликдан маҳрум қилишга, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига** ҳукм қилинган ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо тури билан алмаштирилиши мумкин.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш:

- содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса;
- содир этган жинояти учун озодликни чеклаш жазоси тайинланган бўлса;
- содир этган жинояти учун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган бўлса;
- ушбу жазо турлари учун белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган;
- меҳнат ва ўқишига ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатангина қўлланилиши мумкин.

Жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш:

- ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камидаги бешдан бир қисмини;
- оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камидаги тўртдан бир қисмини;
- ўта оғир жиноят учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камидаги учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин қўлланилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади.

Жазо енгилроғи билан алмаштирилган шахсларга нисбатан енгилроқ жазонинг тегишли қисми ўтаб

бўлинганидан кейин ЖКнинг 89-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилиши мумкин.

Жазо енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасдан янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ЖКнинг 60 ва 86-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

## **20-Мавзу.ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ**

### **20.1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчаси ва мақсади**

**Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари деб** - суд психиатрия экспертизаси холосасига асосланган ҳолда руҳий ҳолати бузилган ва ЖКнинг Maxsus қисмида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлардан бирини содир этган, шунингдек, алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан суд ҳукми ёки ажрими билан қўлланиладиган, мажбурий руҳий даволашга айтилади.

Руҳий ҳолати бузилгани ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашдан **мақсад**:

- уларни даволаш;
- уларнинг янги ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этишларини олдини олиш ҳисобланади.

### **20.2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари ва уларнинг турлари**

**Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари:**

- ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этилганлиги;
- ҳукм чиқарилгунга қадар ёхуд жазони ўташ вақтида шахс руҳий ҳолатининг бузилиши;
- руҳий ҳолатининг бузилиши ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда бўлиши;
- шахснинг руҳий ҳолати содир этган қилмишининг хусусиятига кўра жамият учун хавф туғдирса.

**Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига қуидагилар киради:**

- яшаш жойи бўйича руҳий-асаб касалликлари диспансерида (туман (шаҳар) психиатрининг хонасида) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш;

- яшаш жойи бўйича умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида мажбурий даволаниш;

- умумий тартибли психиатрия муассасасининг маҳсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаниш;

- кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;

- жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ҳамда маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш тартиби		
№	Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турлари	Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин шахслар дораси
1.	яшаш жойи бўйича руҳий-асаб касалликлари диспансерида (туман (шаҳар) психиатрининг хонасида) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш	- руҳий ҳолати бузилган, касаллигининг зўрайиши аломатлари бўлмаган шахсларга, шунингдек руҳий ҳолати вақтинча бузилган шахсларга нисбатан
2.	яшаш жойи бўйича умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида мажбурий даволаниш	- ижтимоий хавфилиги умумий асосларда амалга оширилиши мумкин бўлган даволашни талаб этадиган ҳолат билан боғлиқ бўлган, руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан.
3.	умумий тартибли психиатрия муассасасининг маҳсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаниш.	- ижтимоий хавфилиги кўпроқ ихтиёрий тартибда амалга оширилиши мумкин бўлмаган реабилитация чоралари кўрилишини талаб этадиган ҳолат билан боғлиқ бўлган, руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан.
4.	кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш.	- ўта ижтимоий хавфли бўлган ёки ўз хулқ-атворида умумий тартибли психиатрия шифохонаси шароитларида зарур даволаш ва

		реабилитация чораларини амалга ошириш имконини бермайдиган қоидабузарликларга йўл қўядиган, руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан.
5.	жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ҳамда маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш	ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган, жиноят содир этиш вақтида руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини тўлиқ даражада англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахсларга нисбатан

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатини ўзгартириш, узайтириш ва тугатиш масаласини шифокор психиатрлар комиссиясининг, тиббий-маслаҳат комиссиясининг холосасига асосланган ҳолда суд ҳал қиласди.

Агар руҳий ҳолати бузилган шахс тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чоралари қўлланилишига муҳтоҷ бўлмаса, шунингдек бу чораларни қўллаш тугатилган бўлса, суд уни умумий асосларда даволаш ёки ижтимоий таъминот муассасаларига юбориш масаласини ҳал этиш учун соғлиқни сақлаш органларига топшириши мумкин.

Алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиқкан шахсларга нисбатан жазо билан бир қаторда тайинланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни тугатиш тиббий-маслаҳат комиссиясининг холосаси асосида суд томонидан амалга оширилади. Агарда, шахс тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши натижасида, соғлиғи тикланса, жиноят қонунида назарда тутилган (ЖК 64, 69 - моддалари) муддатлар ўтиб кетмаган бўлса, умумий асосларда жавобгарлик ва жазога тортилади.

Агар қонунда муайян қилмиш учун жиноий жавобгарлик маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг келиб чиқиши белгиланган бўлиб, бироқ уни содир этишда ақли норасо деб топилган шахс муқаддам айнан шундай қилимиши учун маъмурий жавобгарликка тортилмаган бўлса, тиббий

йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилмайди. Қабул қилинган қарор тўғрисида суд, соғлиқни сақлаш органларига шахсга умумий асосларда психатрия ёрдами кўрсатилиши лозимлиги ҳақида хабар беради.

### **20.3. Жазо билан бирга тайинланадиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш**

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахслар жиноят содир этган тақдирда, тиббий хulosага асосан, суд жазо тайинлаш билан бирга уларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин.

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахслар, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жозога ҳукм қилинган бўлса - тиббий муассасаларда мажбурий даволаниши лозим бўлади.

Агарда, алкогизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахслар **озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган бўлса** - уларни даволаш жазони ўтаётган жойда амалга оширилади, жазони ўтаб бўлганидан кейин агарда даволанишни давом эттиришга зарурат бўлса, умумий асосларда тиббий муассасаларда даволанишни давом эттиришади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

### **Конунчилик ҳужжатлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.  
<https://www.lex.uz/docs/20596>
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.  
<https://lex.uz/docs/111453#184672>
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси.  
<https://www.lex.uz/docs/163629>
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.  
<https://www.lex.uz/docs/111460>
5. Ўзбекистон Республикаси “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги қонуни. 11.04.2018 йил. <https://lex.uz/docs/3676244>
6. Ўзбекистон Республикаси “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги қонуни. 31.08.2000 йил. <https://lex.uz/docs/27082>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида” ги 2005 йил 1 августдаги № ПФ-3641сонли Фармони.  
<https://lex.uz/docs/1264447>
8. Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарори. <https://www.lex.uz/docs/3203265>
9. Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги “Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида”ги 38 - сонли қарори.  
<https://lex.uz/docs/1442601>
10. Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги “Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши хақида” ги 39 - сонли қарори. <https://lex.uz/docs/1442647>
11. Олий суд Пленумининг 2017 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида” ги 7 - сонли қарори. <https://lex.uz/docs/2413562>
12. Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 21 – сонли қарори. <https://lex.uz/docs/1449720>

13.Олий суд Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27- сонли қарори. <https://lex.uz/docs/1453539>

14.Олий суд Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/2212245>

15.Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1 - сонли қарори. <https://lex.uz/docs/1455976>

16.Олий суд Пленумининг 2007 йил 11 ноябрдаги “Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”ги 15 - сонли қарори. <https://lex.uz/docs/1593076>

17.Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида” ги 13 - сонли қарори. <https://lex.uz/docs/1600001>

18.Олий суд Пленумининг 2008 йил 12 ноябрдаги “Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 23 - сонли қарори. <https://www.lex.uz/docs/1601125>

### **Махсус адабиётлар:**

1. М.Усмоналиев, П.Бакунов. Жиноят хуқуқи (Умумий қисм). Дарслик. - Т.: Янги аср авлоди, 2010. - 662 б.

2. М.Х.Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. -Тошкент: “Адолат”, 2016. - 608 б.

3. М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят хуқуқи курси. Умумий қисм. I-том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илм зиё, 2011. – 400 б.

4. М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят хуқуқи курси. Умумий қисм. II-том. Жазо тўғрисида таълимот. – Т.: Илм зиё, 2011. – 304 б.

5. М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят хуқуқи курси. Махсус қисм. III-том. Жазо тўғрисида таълимот. – Т.: Илм зиё, 2011. – 315 б.

6. М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят хуқуқи курси. Махсус қисм. IV-том. Жазо тўғрисида таълимот. – Т.: Илм зиё, 2011. – 304 б.

7. М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. V-тوم. Жазо тўғрисида таълимот. – Т.: Илм зиё, 2011. – 353 б.

8. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Дарслик. Муаллифлар жамоаси // Масъул муҳаррир. Х.Очилов – Т.:Адолат нашриёти, 2020 йил. 264 бет.

9. Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисм) Дарслик. Муаллифлар жамоаси // Масъул муҳаррир. Ш.Т.Икрамов – Т.: ИИВ Академияси, 2016 йил. 1096 бет.

10. Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 1. Jinoyat haqida ta'lilot. Darslik. 2-nashr, to'ldirilgan va qayta ishlangan – Т.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 343-440 bet.

11. Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 2. Jazo haqida ta'lilot. Darslik. 2-nashr, to'ldirilgan va qayta ishlangan. – Т.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 335 bet

12. Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 3. Maxsus qism. Shaxsga qarshi jinoyatlar.Tinchlik va xavfsizligiga qarshi jinoyatlar. Darslik. 2-nashr, to'ldirilgan va qayta ishlangan – Т.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 412 bet.

13. Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 4. Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar. Ekologiya sohasidagi jinoyatlar. Hokimiyat, boshqaruv va jamoat irlashmalari organlarining faoliyat tartibiga qarshi jinoyatlar. Darslik. 2-nashr, to'ldirilgan va qayta ishlangan – Т.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 529 bet.

14. Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 5. Maxsus qism. Jamoat xavfsizligi va jamoat tartibiga qarshi jinoyatlar. harbiy xizmatni o'tash tartibiga qarshi jinoyatlar. Darslik.2-nashr,to'ldirilgan va qayta ishlangan. – Т.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 367 bet.

15. Абдурасулова Қ. Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. Т.: Тараққиёт ИИЧ. 2005. – 123 б.

16. Усмоналиев М. Судланганлик унинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: Янги аср авлоди. 2005. – 58 б.

17. Абдуқодиров Ш.Ё. Айнинг эҳтиётсизлик шакли ва унинг белгилари. Ўқув қўлланма. Т.: 2005. – 65 б.

18. Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. Ўқув қўлланма. Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 120 б.
19. Ниёзова С. Иштирокчилик тушунчаси, турлари, шакллари жавобгарлик масаласи. Ўқув қўлланма. Т.: ТДЮИ, 2003. – 48 б.
20. Рустамбаев М.Х., Тохиров Ф. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Схемалар. Ўқув-услубий қўлланма. Т.: Янги аср авлоди. 2002. –130 б.
21. С.М.Кочои. Право в вопросах и ответах. Уголовное право (Общая часть) Учебное пособие. М.: ИНФРА – М, 2006 – 77 с.
22. Очилов Ҳ.Р. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва уни тайинлаш асослари // Инсон ва қонун. – Тошкент, 2008. – № 12-13 (572). – Б.3.
23. Очилов Ҳ.Р. Тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлаш // Ёш олимлар тўплами. – Тошкент, 2008. – № 2. 2008. Б. 141-143.
24. Очилов Ҳ.Р. Амнистия инсон ҳуқуқлари кафолати // Инсон ва қонун. – Тошкент, 2008. – №2 (561). Б. 1-2 .
25. Очилов Ҳ.Р. Жарима жазосини тайинлаш асослари // Инсон ва қонун. – Тошкент, 2008. – № 25 (584). Б. 3.
26. Зокирова О., Абдуқодиров Ш.Ё. Ярашувчилик институтини жиноят-ҳуқуқий такомиллаштиришнинг айrim масалалари// Ярашувчилик институтини такомиллаштириш: назария ва амалиёт. Илмий-амалий конференция. 8 июл 2005. – Тошкент, 2005. Б. 96 -99.
27. Зуфаров Р.А. Уюшган жиноий гурӯҳ ва коррупция // Давлат ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2000. №2 Б. 32-б

# O'QUV ADABIYOTINING NASHR RUXSATNOMASI

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus  
ta'lif vazirligining 20\_20 yil "28" dekabr dagi  
"676"-sonli buyrug'iiga asosan

H.R.Ochilov, Sh.D.Xaydarov, Z.Z.Shamsiddinov

(muallifning familiyasi, ismi-sharifi)

240100 – Yurisprudensiya: boshqa faoliyat yo'nalishlari uchun

(ta'lif yo'nalishi (mutaxassisligi))

ning

talabalari (o'quvchilari) uchun tavsiya etilgan

Jinoyat huquqi (Umumiy qism) nomli

(o'quv adabiyotining nomi va turi: darslik, o'quv qo'llanma)

o'quv qo'llanmasi

ga

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan  
litsenziya berilgan nashriyotlarda nashr etishga ruxsat  
berildi.



Vazir

J.Madjidov

(imza)

Ro'yxatga olish raqami 676-439

**Х.Р.ОЧИЛОВ, Ш.Д.ХАЙДАРОВ, З.З.ШАМСИДИНОВ**

## **ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ (УМУМИЙ ҚИСМ)**

### **ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

Мұхаррир *М.Талипова*  
Мусаххих *И.Турсунова*  
Саҳифаловчи *Б.Хайдаров*

Босишига руҳсат этилди 14.03.2021 й.  
Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . “Times” гарнитураси.  
Шартли босма табоғи 10.25. Нашр ҳисоб табоғи 8,9.  
Адади 60 нусхада. Буюртма № 19/02

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди  
Манзил: Тошкент ш., Қушбеги күчаси, 6-үй